

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Н.Жиянова, О.Мўминова, С.Максумова

НУТҚ МАДАНИЯТИ

(Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма)

(II КИТОБ)

ТОШКЕНТ – 2016

“Нутқ маданияти” фани бўйича тайёрланган мазкур ўқув қўлланма олий таълим муассасалари магистратура бўлимининг миллий гуруҳлари учун мўлжалланган. Ушбу ўқув қўлланмада қисқача назарий маълумотлар билан бирга семинар машғулотлар бўйича талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш учун амалий машқлар, таҳлил ва таҳрир ишлари бўйича матнлар, тест топшириқлари, мавзулар бўйича мустаҳкамловчи саволлар, дарс жараёнида фойдаланилган замонавий педагогик технологиялардан намуналар ҳам берилган.

Муаллифлар: Н.Э.Жиянов – ЎзДЖТУ ўзбек тили кафедраси доценти, ф.ф.н.
О.Қ.Мўминова – ЎзДЖТУ ўзбек тили кафедраси доценти, ф.ф.н.
С.С.Максумова – ЎзДЖТУ ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Тақризчилар: Б.Менглиев - ЎзМУ профессори, ф.ф.д.
И.Умиров - ТДПУ доценти, ф.ф.н.
С.Султонсаидова - ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н.
Г.Халлиева - ЎзДЖТУ доценти, ф.ф.н.

“Нутқ маданияти” фани бўйича семинар машғулотлар учун тайёрланган ўқув қўлланма ўзбек тили кафедрасининг 2015 йил октябрдаги мажлисида, рус филологияси факультетининг 2015 йил ноябрдаги Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

СЎЗБОШИ

Ушбу ўқув қўлланма олий таълим муассасалари магистратура бўлимининг миллий гуруҳлари учун мўлжалланган. Ундан магистратура ва бакалаврият йўналишидаги талабалар, шунингдек, нутқ маданияти масалалари билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин. Ўқув қўлланмадан “Нутқ маданияти” фанининг амалий машғулотларини ўтишда фойдаланиш назарда тутилади. Мазкур ўқув қўлланма талабаларга ўз она тилисида адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда нутқ сўзлаш ва фикр ифодалашга ўргатади, шунингдек, адабий тилда тўғри фикр ифодалаш малакаларини ҳосил қилишда ёрдам беради. Хусусан, нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари: тўғрилиқ, аниқлик, тозаллик (софлик), мантиқийлик таъсирчанлик, мақсадга мувофиқлик (орфоэпик, морфологик, грамматик, синтактик ва шу каби адабий тил меъёрларига қатъий мос келадиган нутқ) бўйича, шунингдек, Ғарб ва Шарқ нотиклик мактаби ва нотиклик санъатига ҳисса қўшган нотиклар ва уларнинг ҳаётий фаолияти ҳақидаги назарий билимларни мустаҳкамлаш учун турли топшириқлар берилди. Булардан ташқари, нутққа тайёргарлик кўриш ва нутқ устида ишлаш бўйича ҳам матнлар, улар юзасидан топшириқлар киритилди. Тилнинг тасвирий воситалари ва уларнинг оғзаки нутққа таъсири бўйича ҳам назарий маълумотларни мустаҳкамлаш учун тест саволлари ва оғзаки нутқини шакллантириш мақсадида турли хил топшириқлар берилди. Булардан ташқари, талабаларнинг ақлий фаолиятини шакллантириш мақсадида матнни шакллантиришга қаратилган терма гаплар ҳам киритилди. Бунда талабалар терма гапларни яхлит матнга айлантиради. Умуман, бу ўқув қўлланма талабаларни ҳамиша ўз нутқларини назорат қилиш, нутқларига бефарқ бўлмаслик ҳиссини пайдо қилиш ва унга эътибор билан қараш руҳида тарбиялаш учун хизмат қилади.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



- эслаб қолинг;



- ёдда тутинг;



- билиб олинг;



- жавоб беринг;



- таҳлил этинг;



- сўзлаб беринг;



- ўйлаб топинг;

КИРИШ

Бугунги тезкор замонда ўз она тилисида равон, чиройли гапириш, маданий нутқ ва нотиклик санъати сирларидан воқиф бўлиш Ўзбекистон ёшлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда нутқ маданияти масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисда ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин”¹ деган сўзларини ҳамиша ёдда тутишимиз шарт ва зарурдир.

Қадимдан Шарқ мамлакатларида равон ва чиройли гапиришга катта эътибор қаратилган. Донишманд Шарқда бундан беш минг йиллар бурун барпо бўлган энг “кекса” муассасалардан бўлмиш илк мактабларнинг² бош вазифаларидан бири ҳам болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатишдан иборат бўлганлиги³, айтиш мумкин, кунимизга қадар ҳам ўз моҳиятини йўқотмай келаётганлигидан далолатдир. Айтиш мумкинки, кишиларнинг тўғри, чиройли, равон ҳамда таъсирчан гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадим тарихга эгадир. Шарқона муомала маданияти ҳар бир ўзбек хонадонига хос фазилатдир. Бундай фазилат асрлар давомида шаклланиб бориши ва авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиши даркор. Бизга маълумки, шарқда мулоқот нутқи, нутқ одоби, муомала нутқи, буларнинг барчаси инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий мезон ҳисобланади. Демак, жамиятда мавжуд ҳар бир шахснинг одоби унинг нутқида кўринади. Чунки қадимдан ёмон, инсон дилига оғир ботадиган, хунук хабарни ҳам тингловчига беозор етказишнинг қонун-қоидалари шарқда доимо бўлган ва бу анъаналар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Тингловчига бермоқчи бўлган хабарини беозор етказиш учун эса сўзловчи ўз она тилисининг имкониятларини мукаммал билиши керак. Чунки мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бундай мулоқотга ёшликдан ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади. Муомала – инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситасидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил-алоқа қуроли дейилади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, сўзга ҳурмат билан муносабатда бўлишни

¹И.Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ, 1997, 9 – бет.

²Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Қаранг:Крамер С.Н. История начинается в Шумере. Москва: Наука, 1991.

³Н.Маҳмудов. Ўқитувчи нутқи маданияти. Қаранг:Къера Э. Они писали на глине. Москва: Наука, 1984. С. 87 – 93.

таъкидлашган. Ўз даврида “сўз мулкининг султони” ҳисобланган Алишер Навоий муомала маданияти, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсуханлик ҳақида пурҳикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимизда ҳам ушбу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас: ”Гўзал сўзла ва ёқимли бўлган тил агарда кўнгил билан бир бўлса, яхшироқ бўлур”, “Сўз борки, тингловчи жонига жон киритади, сўз борки, айтувчи бошини елга беради”.

Аждодларимизнинг фикрича, шахс нутқининг қандай бўлиши унинг ўз тилига бўлган муносабатида, шунингдек, одоб-ахлоқига боғлиқдир. Тил одамнинг дили билан боғлиқлиги, уни тилга чиқаргунча ўйлаб мулоҳаза юритиш, воқеликка мос нутқий вазиятни эътиборга олиш, фикр мазмуни, фойдали сўзларни сўзлаш, айтмоқчи бўлган фикри чиройли ва таъсирчан ҳамда лўнда ва қисқа бўлиши, зинҳор кўпол ва дағал сўзларни сўзламасликни таъкидлайди. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги мисраларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

Қизил тил қилади қисқа ёш сени,
Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.
Нима дер, эшитгин, тилин қисган эр,
Эсонликда яшар ўзин босган эр:
“Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни еди, яна егай, бил,
Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг,
Истаган ониди бошга етар тил”.

Демак, кишиларнинг тўғри, чиройли, равон ҳамда таъсирчан гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадимий тарихга эгадир. Ҳар қандай вазиятда ҳам фикр ифодалаш жараёнида ўйлаб, мулоҳаза билан иш кўрмоқ инсон характерининг ўзига хос бир кўриниши бўлиши даркор. Айниқса, бугунги кундаги ёш авлодга бундай насихатомуз фикрларни тўғри тушунтиришимиз ва ўргатиш асосий вазифамиз бўлмоғи шартдир. Шунинг учун ҳам “Нутқ маданияти” фанида талабалар билан мавзуга доир баҳс-мунозара, давра суҳбати, нотикликда беллашамиз, чиройли нутқ эгаси, чиройли ёзиш санъати каби ўқитиш усуллариининг турли вариантларидан фойдаланиш ва уларнинг эркин мулоқот сирларини эгаллашларига ёрдам бериш ҳар бир педагогнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Шундагина буюк келажагимиз бўлган баркамол авлоднинг аниқ ва лунда фикр эгаси бўлишларига эришамиз. Бунинг учун эса ўқитиш жараёнида, ҳар бир мавзу юзасидан талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқига эътибор қаратишимиз, турли қўшимча топшириқлар бериб, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Ўқув қўлланма “Нутқ маданияти” маърузалар матнининг давоми бўлиб, 1-китобда соф илмий ва назарий маълумотлар берилганлиги учун ушбу ўқув қўлланмада, асосан, амалий машғулотлар бўйича талабаларнинг оғзаки ва ёзма саводхонлигини ўстиришга қаратилган турли хил топшириқлар берилди.

Ушбу ўқув қўлланма муаллифларнинг “Нутқ маданияти” фани бўйича илк ижодий намунаси бўлиб, тажрибалари асосида йиғилган материаллар бўйича тайёрланди. Шунинг учун ҳам айрим камчиликлардан холи эмас. Ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганларга муаллифлар олдиндан миннатдорчилик билдиради.

1-МАВЗУ: Тил ва нутқ, “нутқ маданияти”, “тил маданияти, “тил бойлиги”, “нутқ бойлиги”, “нутқ одоби” ва “нутқий этикет” тушунчалари. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари.

1. Дарснинг мақсади: Талабаларга тил маданияти, нутқ маданияти, тил бойлиги, нутқ бойлиги, адабий тил меъёрлари тушунчаларини билишларига ёрдам бериш ва нутқ жараёнида улардан ўринли фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш.

2.Режа:

- 1.Нутқ маданияти фанининг мақсади ва вазифалари.
- 2.Нутқ маданияти муаммосининг асосланиши.
- 3.Нутқ маданияти ва тил маданияти.
4. Мулоқот ва муомала одоби.
- 5.Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари.

3.Таянч сўзлар: Нутқ маданияти, нутқ одоби, нутқий этикет, меъёрий тушунчалар, тил бирликлари, нутқ бирликлари, тил бойлиги, нутқ бойлиги, тил маданияти, коммуникатив вазифа, экспрессив вазифа, эстетик вазифа.



4. Эслаб қолинг. Тил ижтимоий маҳсулот, лисоний тизим, ундан инсон болалигидан бошлаб фойдаланади, у орқали фикрлашни ўрганади. Тил ўзига хос турли вазифаларни бажаради. Булар:

- 1) коммуникатив вазифа;
- 2) фикрни ифодалаш вазифаси;
- 3) сўзловчининг ички ҳолатини ифодалаш вазифаси ёки экспрессив вазифа;
- 4) тил воситалари орқали гўзаллик яратиш вазифаси ёки эстетик вазифа.

Бу инсоннинг нутқий фаолиятида ўз аксини топади.

Нутқ инсон нутқ аъзоларининг ҳаракати натижасида юзага келади. Шунга кўра нутқ икки хил бўлади:

1.Ички нутқ. Кишиларнинг ўз-ўзига хаёлан товушларни - сўзларни талаффуз қилмасдан фикрлаши, мулоҳаза юритиши, ўйлаши бу ички нутқдир. Ёзувчилар бадиий образ орқали ички нутқни ифодалайди. Унда образ ўзига - ўзи сарҳисоб бериши, хаёлан ким биландир суҳбатлашиши, ўй-хаёллар орқали қандайдир муаммоларни ҳал этиши мумкин. Буларнинг барчаси ички нутқ орқали амалга оширилади.

2.Ташқи нутқ. Ўпкадан чиқаётган ҳавонинг нутқ аъзоларига таъсири, натижасида уларнинг ҳаракати билан аниқ товушлар сифатида юзага келадиган

нутқ ташқи нутқдир. Ташқи нутқ орқали инсонлар бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар. Ўзаро фикр алмашишади, муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишади. Буларнинг барчаси инсон нутқи орқали, яъни ташқи нутқ орқали ифодаланади. Нутқ доимий ҳаракатдаги тил ҳисобланади. Нутқ тил бирликларини ўзаро мантиқий боғлаб, уларни ҳаракатга келтиради. Нутқ сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан иборат бўлиб, тугал фикр ифодалайди.



Ёдда тутинг. Ҳозирги кунга қадар “тил маданияти”, “нутқ маданияти”, “тил бойлиги”, “нутқ бойлиги” тушунчаларини изоҳлашда ноаниқликлар мавжуд.

Тил бойлиги тилдаги сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситаларига ва ифода усулларига қанчалик эга эканлиги билан белгиланади.

Нутқ бойлиги тилдаги ана шу имкониятлар, яъни бойликнинг унда қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади. Нутқда тилдаги ранг-баранг воситалар ўз ифодасини топган бўлса, бундай нутқ бой нутқдир.

Тил маданияти деб сўз санъаткорлари, зиёли кишилар ва тилшунослар томонидан қайта ишланиб ҳамма тушунадиган, қўллай оладиган даражага келтирилган, маълум давр учун мосланган ва хосланган, барча қонун-қоидалари ҳамда меъёрлари белгиланган, сайқал топган тилга айтилади. Қайси тилда адабий тил меъёрий қонун-қоидалари паст даражада ишланган бўлса, у тил нутқ маданияти талабларига тўлиқ жавоб бера олмайди.

Нутқ маданияти тилдан нутқий амалиётда намунали фойдаланиш жараёни. Нутқ гўзал ёки қуруқ, ёқимли ёки қўпол бўлиши мумкин. Булардан биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий нутқдир.

Маданий нутқ деб, тилнинг мавжуд барча воситалари ва имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, унумли фойдаланилган нутққа айтилади. Нутқ маданияти эса ана шу тилни, алоқа аралашув қуролини ишлатишга бўлган онгли муносабатдир. Бу муносабат қанчалик юқори бўлса, нутқ ҳам шунчалик маданий бўлади.

Ўзбек адабий тили меъёрлари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади:

1. Лексик - семантик меъёр.
2. Орфоэпик меъёр.
3. Грамматик (морфологик ва синтактик) меъёр.
4. Сўз ясалиш меъёри.
5. Услубий меъёр

6. Имловий меъёр.
7. Пунктуацион (тиниш белгилари) меъёр.



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва уқиб олинг.

1. Вилгельм фон Гумбольдтнинг мазкур гаплари тилнинг моҳиятини янада теранроқ англашга ёрдам беради: ”Тилларнинг хилма-хиллиги асло муайян бир нарсани турлича товушлар билан ифодалаш эмас, балки бу нарсани кўришнинг фарқлилиги натижасидир”.

2. Шоир Э.Воҳидовнинг қуйидаги мисралари сўз, тилга ниҳоятда меҳр ва эътибор билан муносабатда бўлишимизни таъкидлайди:

Сўз – забаржад,
Сўз – гавҳар, олтин,
Заргарликнинг машаққати кўп.
Сўзни байтга қадашдан олдин
Кафтингга қўй, тўйиб қара, ўп!

3. Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади (О.Шарафиддинов).



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар:

1-машқ. Тил сўзи қатнашган ибораларнинг қайси бири одам аъзоси, нутқ аъзоси, алоқа воситаси сифатида келган. Уларни ажратинг ва гап тузинг.

Тилни тиймоқ, тил учида турмоқ, доимо тилида, тилнинг суяги йўқ, тили осилмоқ, айтишга тили бормади, таъми тилини ёрмоқ, тили келишмайди, тили бурро, тил бириктирмоқ, тили қичимоқ, тилини тишламоқ, тили танглайига ёпишиб қолмоқ, тили бир қарич, тили ёмон, тилга кирмоқ, тилини чиқармоқ, тилдан қолмоқ, тили қисик, тил топишмоқ, тил учида сўзламоқ, тили бормаслик, тилидан туширмаслик, тилидан бол томмоқ, тилидан осилмоқ, тили узун, тили билан юрмоқ, тили чиққан, тили айланмай қолмоқ, тили чучук.

2-машқ. Мақолларни ўқинг ва изоҳланг. Тил алоқа воситаси маъносини англатган мақолларни қўллаб матн тузинг.

Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Тили бошқа-ю, дили бошқа. Одам тилидан топар, хўкиз мугузидан. Тўғри тил тошни ёради, эгри тил бошни. Қуш тилини қуш билади. Ўйлай-ўйлай ўйчил бўласан, сўзлай-сўзлай сўзчил бўласан.

3-машқ. Жонли сўзлашув нутқига хос сўзларни ёзма адабий тилда ёзинг.

Н а м у н а: севинди - суюнди.

Анжон, Самарқан, Тошкан, асма, дўслик, ишлийман, телвизор, кўйни, обкетаман, тўр, ишка, силар, бўмайди, абзал, кехса, март, дасрўмол, даслапки, юссўм, ушта, олли, тахсимламоқ, шамми, биронта, айналмоқ.

4-машқ. Қуйида берилган гапларда қандай хатоларга йўл қўйилганлигини аниқланг.

1.В.Матвиенко чикқан журналлар қўлма-қўл бўлиб кетди. 2.“Власть” журналининг муковасида Санкт-Петербург губернатори Валентина Матвиенконинг сурати чикқан сони газет дўконлари пештахталаридан ғойиб бўлди. 3.Олийгоҳда таълим оласизми? 4.Футбол фақат эркаклар учун эмас, биз аёллар ҳам ишқибозмиз. 5. Ҳозирда корхонада 35 киши ишламоқда, уларнинг 15 нафарлари грециялик мутахассис. 6. Болгариянинг Қора денгизидаги порт шаҳри вокзалида бошқа туристлар катори дўстлар бизни ҳам илиқ чехра билан кутиб олдилар.

5-машқ. Қуйидаги матнни ўқинг. Нутқ одобига яна нималарни қўшиш мумкин? Ушбу матн асосида нутқ тузинг.

Олимлардан Низомиддин ибн Ҳусайн айтади:

— Боболаримиз: “Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг олтиндир” деганлар. Бунга қараганда, ҳар ерда сўзламасдан жим ўтиришга тўғри келади. Лекин боболаримиз “Ўринсиз, маъносиз сўзлаганингдан кўра, тек турганинг яхшироқ” демоқчидирлар. Ҳар ишнинг ўзига хос одоби бўлгани каби, сўзлашнинг ҳам ўлчови ва одоби бордир. Сўзга ёлғон қўшиш, бировнинг иззат, нафсига тегадиган сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш ярамас сўзлар зарар еткизмасдан қолмайди. Шунинг учун донишмандлар “Кўп ўйла, оз сўйла, сўзинг яхши бўлса, сўзла, бўлмаса тек тур, маъносиз олди-қочди сўзлар сўзлашдан тилингни тий”, деганлар.

6-машқ. Авваллари марказий телевидение дикторлари нутқи барча учун намуна, саводхонлик эталони вазифасини бажарувчи, ўзбек адабий тили меъёрларига қатъий амал қилувчи нутқ эди. Муаммо: Ҳозирги кун

телебошловчи ва радиоэшиттирувчиларнинг нутқ маданияти ҳақида нима айта оласиз?



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

1-топшириқ. Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрларини таҳлил қилинг ва ўз далилларингизни келтирган ҳолда фикрларингизни изоҳланг: “Тил мунча шараф била нутқнинг олати (қуроли)дур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.”

2- топшириқ.Тил ва нутқ ҳамда тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчаларининг фарқли ва боғлиқ жиҳатларини биласизми? ВЕНН диаграммаси асосида тушунтиринг.

3-топшириқ. Қуйидаги ҳикматларни ўқинг ва уларга изоҳ беринг, илгари сурилган ғоялар ҳақида фикр юритинг.

Тилимизнинг товланиб туришида шоир учун не-не битмас-туганмас хазиналар бор. (М. Шайхзода)

Тил услуб учун шахмат тахтасидаги шоҳдир. (К. Федин)

Китобхонга бир фикрни англатиш учун ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган очик, равон ва содда тил керак. (А.Қаххор)

Йўсинсиз равишда хотирига келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимоқ фазилат саналмайдир,- сўз – қолип, фикр унинг ичига қуйилган ғишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишиб чиққач, янги ҳаёт айвонига асос бўлиб ётсин. (А.Қодирий)

Тилидан ёнар шамъ мажлисаро,

Шунинг чун тилин йиғди ақли расо. (Саъдий Шерозий)

4-топшириқ. Адабий тил меъёрларига риоя қилинмаган сўзларни топинг. Муаллиф нима учун адабий тил меъёрларига риоя қилмаган? Бунинг матн учун қандай аҳамияти бор?

Отабек бояги ярим вазиятини бузмай сўради:

- Зайнабнинг сўзига Сиз ишондингизми?

- Ишонмайдирғон гапми?

- Яхши, мен унга шундай деб айтган ҳам бўлайин, лекин шунда ҳам Сизнинг хафаланишингиз менга қизиқ туюладир. Айниқса, сиздан гап... Кумуш ишонмади. Отабек унинг орқа сочидан тутиб:

- Қани, гапиринг-чи менга, орангиздан бир гап ўтдим, - деб сўради.

- Ҳа, ўтди, - деди Кумуш ва четга қараб кулимсиради.

- Ўн беш кун бўлмасдан?

- Мендан бошқа хотин бўлса, Зайнабингиз билан биринчи кунданок аразлашар эди...

- Худо хайрингизни берсин...

- Кесатманг.

- Кесатмасдан гапиринг.

Кумушнинг рақобати биров тушган эди, уч-тўрт кунлик можародан яхшигина ҳасрат очилди. Отабек ҳасратни ярим жиддий тинглаб борди. Зайнабнинг кейинги сўзи ва сўнги елпитиш фожиалари ҳам ҳасрат **қолирига** бирма-бир кириб чиқди. Ҳасрат туғилгандан сўнг Отабекнинг юзидаги бояги яримжиддийлик кетиб, унинг ўрнини ўйчанлик олди. Ул шу ҳолатда анчагина сўзсиз қолди ва охирида ўзидан натижа кутиб ўлтирғувчи Кумушга қараб, кулиб қўйди.

- Нега куласиз?

- Чунки йиғламоққа арзимаёди. Кумушнинг қошлари чимирилди:

- Зайнабингизнинг бу қилиғига мен чидолмайман.

- Чидаш ва чидамасни ҳозирча бир тарафга қўйиб турайлик, - деди Отабек. -

Аммо ҳаммадан илгари Сиздан сўрайман: Менга ишончингиз борми?

- Бор, ҳам йўқ, - деди Кумуш.

...Кумуш уялганнамо юзини четга бурди. Отабек товушини секинлатиб давом этди:

- Ўтган кун Сиздан «Тошкентда қоласизми, йўқми?» деб сўрағоним ҳам фақат шунга ўхшаш гаплар билан Сиз хафа бўлманг, деб айтилган эди.

(А. Қодирий)

5-топширик. Берилган матнни қуйидагича таҳлил қилинг:

а) орфоэпик меъёр асосида ўқиб, матндаги адабий талаффуздан чекинишга йўл қўйилган ўринларни аниқланг, дафтарингизга кўчиринг ва изоҳланг;

б) ёндош ундошларни аниқлаб, талаффузини изоҳланг;

д) матндаги айрим сўзларнинг умумий талаффузида ҳозирги адабий тил меъёридан чекинишлар борлигини аниқланг.

Ёши элликдан ошибди. Қанчадан қанча нарсаларни кўрибди. Қизик. Нималарни кўрди? Ўйлаб қараса, ҳеч нимани кўрмаганга ўхшайди. Рўпарасида зулмат, ортига ўгирилиб қараса, қоронғи - бўшлиқ. Фақат уқубат учун туғилган одам ҳам у каби уқубат чекмаса керак. Қоқ суяк топган ит ҳам ўзини бахтли ҳис қилар балки. Шунча бойлиги бўла туриб нима учун Асадбек бахтсиз?..

Ҳар бир одамнинг бахт дарахти ўзига алоҳида бўлади. Бу бахт дарахтини бойлик булоғи суви билан суғориб, мева олмоқчи бўлганлар янглишадилар.

Асадбек ана шу адашувчилардан бири эди. Фақат имон булоғидан сув ичган бахт дарахтигина ширин мева беришини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Асадбек ана шу англамаганлардан бири эди. Зулм булоғидан сув ичган бахт дарахти қиёматда заққум дарахтига айланажагидан барча хабардорми? (Т. Малик).

6-топшириқ. Матнлардан келтирилган парчаларни ўқинг. Шевага хос сўзларда, адабий тилдан чекиниш бўлган ҳолатни топиб, уларнинг ўрнига адабий тилдаги муқобилини қўйинг. Шевага хос сўзларнинг қайси жиҳатдан фарқланишини изоҳланг.

1. - Хўп, - деди Саидий бир кеча Йўлчибойга, - ерни олдингиз, пешонангиздан чоракорчиликни ўчирдингиз, борди-ю, замон тескари бўлиб кеца нима бўлади?

- Оқ пошшо келса дейсизми?

- Бари бир-да... Бойни ёмон кўрадиган ҳукумат билан, албатта, бойни яхши кўрадиган пошшо уришади. 2. Меникини ҳам олармишсизлар, деб эшитдим. Агар оладиган бўлсанглар, жавур, укалар... Ўкумат камбағалпарвар бўлса, мен бой эмас... 3. Саидий ҳовлининг саҳнига бурилди, димоғига зирвак ҳиди келди. 4. Домла қизини Саидий томон йўллади.

- Сўраш, ўрисча, знаком бўлинглар... 5. Неча кундан бери кириб, кўр дейман, бу бевош уяламан, деб ҳеч кирмайди. 6. Ёқубжон жавоб бермай, қўлидаги ўзи терган бир неча сатрни набордан оттиск олиш учун пресс ёнига келди. У қайтиб келиб изоҳ бермоқчи эди, аммо метрэнпаж рухсациз ҳарф териш мумкин эмаслигини айтиб, оттиск олгани қўймаганидан кейин, вёрстка тамом бўлгунча индамай, терган наборини тарқатиш билан овора бўлди. 7. - Бу яшшамай ўлгурнинг ўзи ёмон, - деди опаси, муштини ерга қадаб, - сен билан орани бузишга бузиб бошига иш тушгандан кейин бирам ўтиргани жой тополмай юридики... (А. Қаххор).

8.Топшириқлар. (Индивидуал ишлаш учун).

1-топшириқ. Матни диққат билан ўқинг ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни қўшган ҳолда баён қилинг.

Конфуцийга: “Бир мамлакатга уни бошқариш учун чақирилганингизда биринчи бўлиб қилган ишингиз нима бўлар эди?” деб сўрашганида шундай жавоб берган: “Биринчи бўлиб тилни тузатар эдим. Тил тўғри бўлмаса, сўзлар тушунчаларни яхши ифодалай олмайди. Тушунчалар яхши тушунилмаса, қилиниши керак бўлган ишлар яхши амалга ошмайди. Керакли ишлар амалга оширилмас экан, ахлоқ ва маданият бузилади. Ахлоқ ва маданият бузилганида, адолатдан узоқлашилади. Адолатдан узоқлашилганда эса халқ заифлик ва

сархушлик ичида қолади ва нима қилишини билмай қолади. Шу сабабли айтилувчи сўз тўғри ва тушунарли бўлиши керак. Ҳеч бир нарса тилчалик аҳамиятга эга эмас.”

2-топшириқ. Сиз дўстларингиз, қариндошларингиз, ўқитувчингиз, декан ва ректорингиз билан қандай саломлашасиз? Улар сизга қандай жавоб берадилар? Саломлашишдаги нутқий воситаларни ёзинг.

3-топшириқ. Саломлашиш ва хайрлашишнинг қуйидаги турларини ўқинг. Уларнинг қайси бири кўшимча ахборот олишга ёрдам бермоқда ва қандай ахборот эканлигини аниқланг?

-Ассалому алайкум, Наргиза опа!

-Ваалайкум ассалом, Нигора.

-Салом, Тоҳир!

-Қалайсан?

-Хайрли кун!

-Сизни кўрганимдан хурсандман!

-Ўзингмисан?!

-Кимни кўриб турибман!

-Қандай учрашув!

-Хайр.

-Хайр, саломат бўлинг.

-Кўришгунча хайр.

-Алвидо!

-Кўришармиз.

-Оқ йўл!

4-топшириқ. Қуйидаги вазиятларни ролларга бўлиб ўйнанг. Ролни ўйнаётганларнинг хулқига, имо-ишорасига, интонациясига ва нутқий этикет қоидаларига эътибор қилинг.

а) Сиз II курс талабасисиз. Илтимос билан деканга, ўқитувчига, дўстингизга мурожаат қилинг;

б) Сиз сайёҳлик агентининг бошлиғисиз: сизнинг ёнингизга курсдошингиз, бегона киши, машҳур артист келди;

с) Сиз маъмурий ходимсиз: сиз телефон орқали сўрашингиз керак:

-ЎзФА олимларининг сизнинг университетингизда қачон маъруза қилишини?

-Наврўз байрамида қатнашишини?



9.Топширик: Уйга вазифа (индивидуал ҳолатда ишлаш):

9.1. Қуйида берилган мавзулардан бирини танлаб, 5 дақиқали информацион нутқ тайёрланг: мамлакатдаги янгиликлар ҳақида; хориждаги янгиликлар; маданий янгиликлар; бадиий адабиёт янгиликлари; ишлаб чиқаришда компьютернинг роли.

9.2. Газета ва журналдан реклама матнларини топинг ва ўз вариантларингизни ёзинг.

9.3.Матнни ўқиб, қайси услубга хослигини аниқланг ва нима учун ёзувчи томонидан шундай вариантдаги тил бирликлари қўлланганлигини тушунтиринг. Шу услубда қўлланган сўзларни адабий тил меъёрига мувофиқ вариантини ёзинг.

Супада қатор ётибмиз: акам, мен, укам...

Энг чеккада қўшни кампир... Сутдек ойдин кеча. Ҳаммаёқ осуда. Чигирткалар нағма чалади...

Энди кўзим илинган экан, олисдан поезд ғилдирагининг тарақа-турук товуши келди. Кейин паравоз чўзиб “гу-у-у-к” деди. Кампир овози титраб, хитоб қилди:

-Ў-ў-ў-л! Овозинг ўчсин -ў-ў-ў-л! Турғунимни нега урушга обкетдинг, жувонмарг! Обкеб бер ёлғизимни!

Кўрпадан мўралаб қарасам, кампир тиззасини қучоқлаб, ойга термилиб ўтрибди. Уйқум бутунлай ўчиб кетди. Анчагача жим ётдим-да, охири сўрадим:

-Пойиззи нега қарғаяпсиз, буви?

Кампир хўрсинди:

-Ухла, болам, ухла...

...Ўшандан бери ёз кечалари ҳовлида ётсам, олисдан поезд ғилдиракларининг шовқини, гудок товуши келса, тиззаларини қучоқлаб ўтирган кампир кўз ўнгимда жонланади. (Ў.Ҳошимов)



10.1. Тест топшириқларини бажаринг.

1.Миллий ўзига хослиги билан ажралиб турувчи нутқ қандай аталади?

- А.Маданий нутқ.
- В. Оғзаки нутқ.
- С. Ёзма нутқ.
- Д. Бадиий нутқ.
- Е.Илмий нутқ.

2. Нутқ маданияти фанининг вазифалари...

А. Маданий нутқ муаммоларини бартараф этади ва шу масала юзасидан таклифлар беради.

В. Маданий нутқ муаммоларни ўрганади, лекин таклифлар бермайди.

С. Тилнинг лексикология бўлими билан шуғулланади, сўзнинг лексик семантик муносабатларини ўргатади.

Д. Фонетика бўлими билан шуғулланади ҳамда нутқнинг талаффузига доир масалаларни ўргатади.

Е.Сўзларнинг ўринли ва ўринсиз ишлатилишини ўрганади.

3. Нутқ маданияти фанининг текшириш предмети нима?

А.Адабий тил меъёрлари.

В. Имло меъёрлари.

С. Тиниш белгилари.

Д. Талаффуз меъёрлари.

Е.Лексик-семантик меъёр.

4. Нутқ тўғри бўлиши учун 2 меъёр асосий саналади, булар қайсилар?

А.Урғу ва грамматик меъёрлар.

В. Урғу ва бўғинга оид меъёрлар.

С. Урғу ва услубий меъёрлар.

Д. Урғу ва интонацион меъёрлар.

Е.Урғу ва орфографик меъёрлар.

5. Нутқнинг мантиқийлиги учун, асосан, қайси меъёр муҳим?

А.Лексик-семантик меъёр.

В. Фонетик меъёр.

С. Синтактик меъёр.

Д. Морфологик меъёр.

Е. Услубий меъёр.

6. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда нималардан фойдаланилади?

А. Мақол ва маталлардан.

В. Тилнинг тасвирий воситаларидан.

С. Терминлардан.

Д. А ва В.

Е. Шеърлардан.

7. Адабий меъёрнинг қандай кўринишлари мавжуд?

А. Бадиий ва илмий.

- В. Оғзаки ва ёзма.
- С. Субстанция ва форма.
- Д. Шакл ва мазмун.
- Е. Бадиий ва ёзма.

8. Нутқ маданияти фанининг вазифаси нимадан иборат?

- А. Адабий тилни кузатиб бориш, тавсиялар бериш.
- В. Тилдаги эскирган сўзларни янгилаш.
- С. Сўзлашув меъёрларини кузатиб бориш.
- Д. Адабий тилдаги янги сўзларни кузатиб бориш.
- Е. Адабий тилдаги тарихий сўзларни қайд қилиб боради.

Назорат саволлари:

1. “Нутқ маданияти” фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Нутқ одоби тушунчаси нимани англатади?
3. Тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчаларининг фарқи нимада?
4. Тил бойлиги қандай белгиланади? Нутқ бойлигининг қандай имкониятлари мавжуд?
5. Ёшларни нутқ маданиятига даъват этувчи қандай халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни биласиз? Мақолларнинг таълим-тарбиявий аҳамияти нимада?
6. Нутқ маданиятини ривожлантириш учун нималарга эътибор бериш зарур?

Глоссарий

1. **Адабий тил меъёрлари** – бу кўпчилик тил ташувчилари томонидан тил воситаларидан бир хилда фойдаланиш мақсадида қабул қилинган қонун ва қоидалар.
2. **Нутқ** – сўзловчи ёки ёзувчи томонидан ҳосил қилинган матннинг ташқи шаклий кўриниши.
3. **Нутқ маданияти** – адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри, чиройли ва ўринли сўзлаш; тилдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш кўникма ва малакаларининг жами.
4. **Маданий нутқ** – адабий меъёрларга риоя қилиб тузилган нутқ.
5. **Адабий норма** – тил бирликларидан мақсадга мувофиғини танлаш.
6. **Нутқий этикет** - бир томондан, тил бирликларини, иккинчидан, муомала қоидаларини ўз ичига олади.
7. **Диалектизм** – шевага оид бирлик.
8. **Жаргон** – ижтимоий шева, маълум ижтимоий гуруҳ нутқига хос бирликлар.

9. Тил бойлиги – тилдаги сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситалари, ифода усуллари.

10. Нутқ бойлиги – тилдаги ранг-баранг воситаларнинг нутқда ифодаланиши.

Адабиётлар:

- 1.Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997.
- 2.Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 13-жилд. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
- 3.Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 5-сон, 1975, 50-58-бетлар.
- 4.Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. -Москва: Прогресс, 1977.
- 5.Къера Э. Они писали на глине. -Москва: Наука, 1984.
- 6.Крамер С.Н. История начинается в Шумере. -Москва: Наука, 1991.
- 7.Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: 1993, 38-бет.
- 8.Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: 1998.

2-Мавзу: Риторика тарихи ҳақида маълумот. Риторика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари

1. Дарснинг мақсади: Талабаларга риторика илми ва унинг тарихи ҳақида, риториканинг бошқа фанлар билан алоқаси, риторика билан нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари ҳақидаги назарий маълумотларни тушунтириш ва антик нотиклик сирларини ўрганиш, уларнинг энг илғор хусусиятларини ўзлаштириш ва амалда қўллаш олиш малакасини ҳосил қилиш, улар онгида нутқ маданияти тушунчасини шакллантириш.

2. Режа:

- 1.Риторика илмининг вужудга келиши.
- 2.Риторика тарихи назарияси.
- 3.Риторика тарихида нотиклик маҳорати.
- 4.Ғарб нотиклиги мактабларининг шаклланиши.
5. Риториканинг бошқа фанлар билан алоқаси.
- 6.Риторика билан нутқ маданияти фанининг фарқли томонлари.

3.Таянч сўзлар: Риторика тушунчаси, риторика илми, софистлар, софизм, риторика мақсади: ишонтириш, роҳатлантириш, ҳаяжонлантириш, риторика манбаи, нутқ маданияти, нутқ тузиш қоидалари, антик нотиклик.



4.Эслаб қолинг. 1.Риторика – юнонча сўз бўлиб, қадимги юнон тилида *rhē* ”гапириш”, “қуйилиб келиш”, *retor* - “ритор”- нотик маъноларини англатган. Авваллари “ритор” сўзи умуман нотикларга нисбатан ишлатилган бўлса, кейинчалик нотиклик санъатига ўргатувчи махсус муаллимларни ҳам шу ном билан аташган.

2.Антик риториканинг нотиклик санъати тарихида нотиклик санъатининг 3 тури фарқланган:

I.Сиёсий ёки кенгаш нутқи:

- 1.Ишонтириш нутқлари.
- 2.Фикрдан қайтарувчи нутқлар.

Бунда нотик фойда ва зарар категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

II.Тантанали ёки эпдейктик тур:

- 1.Мақтов нутқлари.

2. Танбеҳ нутқлари.

Бунда нотик яхшилик ва ёмонлик категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

III. Суд нотиқлиги:

1. Айблаш нутқи.

2. Ҳимоя нутқи.

Бунда нотик ҳақиқат ва ноҳақлик категориясидан келиб чиқиб нутқ сўзлаган.

Нотиклик санъатининг 3 манбаи ва 3 мақсади классификация қилинган:

1. Табиий истеъдод.

2. Назарий билим.

3. Амалий машқлар.

Нотиклик санъатининг 3 мақсади:

1. Ишонтириш.

2. Роҳатлантириш.

3. Ҳаяжонлантириш.

Нутқ матни устида ишлаш жараёни 5 қисмдан иборат бўлган:

1. Материални топиш.

2. Материални жойлаштириш.

3. Сўзда баён қилиш, ёзиш.

4. Эслаб қолиш.

5. Талқин этиш.



5. Ёдда тутинг. “Риторика” фани нафосат, гўзаллик ҳақидаги фан бўлиб, эстетика, адабиёт назарияси, адабиётшунослик билан ҳам алоқадордир. Бу алоқадорликнинг умумий шакли инсон нутқининг шаклланиши ва тингловчига таъсирини белгилаб беради. Чунончи, Афина нотиклик санъатининг буюк намояндаларидан бири Горгий ўз нутқ матнларини поэтик юксаклик даражасига кўтара олган. У нутқида нафис ифодалар, эпитетлар ва образли ибораларни қўллаган. Булар “горгий фигуралари” сифатида машҳур бўлиб кетган. Унинг нутқларидаги ритм, мутаносиблик, кўтаринки рух ва гўзаллик ҳар қандай тингловчини ўзига мафтун этган.

“Риторика” фани мантиқ ва руҳшунослик фанларига суяниб иш кўради. Чунки мантиқ сўзлар ва бутун бир гапдан чиқадиган тушунчаларни белгилайди. Сўзларнинг маъноси ва ифодаланаётган тушунча ўртасидаги муносабатни мантиқ текширади. Мантиқ сўзлар, бирикмалар ва гаплар орасидаги маъно

алоқаларини таъминлаш учун хизмат қилади. Мантиқий фикрлаш, мантиқий хулосалар чиқариш шахснинг дунёқараши ва илмий- назарий савияси билан боғлиқ бўлади.



6. Билиб олинг. 1.Ўша давр назариётчилари биринчи иш муайян мавзунини аниқлаб олиш, сўнгра шу мавзуга хос бўлган ва уни ёритувчи фактларни ўрганиш ва уларни тўплаш, 2-тўпланган ва ўрганиб чиқилган факт ва ҳужжатларни режа асосида жойлаштириш, 3-нутққа қўйилган талаблар асосида, яъни тўғрилиқ, аниқлик, ўринлилиқ ва юксакликка риоя қилган ҳолда ёзма шаклда баён этиш, 4-матнни хотирада сақлаб қолиш, 5-нотиқ ва нутқ шаънига мос равишда нутқ сўзлаш жараёни бўлишини ишлаб чиққанлар.

2. Аристотелнинг риторика назарияси ҳақидаги қарашлари бизга 335 йилда ёзилган “Риторика” номли асари орқали етиб келган. Бу асар уч китобдан иборат бўлган:

1. Нутқ хизмат қилиши лозим бўлган тамойиллар таҳлили.
2. Нотиқ учун зарур бўлган шахсий хусусият ва қобилият.
3. Нотиқ нутқида қўлланиладиган нутқ техникаси, нутқ усуллари.

Асарнинг биринчи китобида ишонтиришнинг турли усуллари топиш хусусиятларини аниқлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилади. Буларнинг 3 тури мавжудлиги, биринчиси, сўзловчининг характериға, иккинчиси, тингловчининг кайфиятиға, учинчиси, нутқиға боғлиқ бўлади.

2-китобда нотиқ донолик, ўзига хайрихоҳ ва мойиллик уйғота олувчи хислатларға эға бўлса, тингловчиларни ишонтира олади, лекин буларнинг барчаси фақат ҳақиқатға асосланиши лозим деб ҳисоблайди. Нотиқ тингловчиларнинг ёши, ижтимоий аҳволи кабиларға доимо эътибор қаратиш лозимлигини уқтиради.

3-китобда нутқ мантиқиға жуда катта аҳамият берилади. Нутқ услубини тўғри танлаш, яъни ҳар бир предметға мос услубни қўллаш, барча учун тушунарли бўлган сўз ва сўз бирикмаларини танлаш, сунъийликка йўл қўймаслик, нутқ муסיқийлиги ва юксаклигиға катта эътибор қаратилган. Масалан, муҳим воқеалар енгил-елпи, ҳазил-хузул билан баён қилинмаганидек, мақтов нутқлари жиддий баён қилинмаслигини таъкидлайди.



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Нотик (оратор), ритор, софист, нутқ, аудитория, сўзга чечанлик, нутқ маданияти терминларининг маъносини изоҳланг.

2-машқ. Қуйида келтирилган ҳикоят нима ҳақидалигини аниқланг ва ўзингизнинг муносабатингизни оғзаки баён қилинг.

1-матн.

Бир куни жабрланган бир киши келиб, мени биров урди, уни судга бердим, мени ҳимоя қилсангиз, деб Демосфенга илтимос қилибди.

“Ёлғон,-дебди Демосфен. – Сени ҳеч ким урган эмас, тухмат қияпсан”.

Шунда ҳалиги киши нотикқа қараб, жон-жаҳди билан бақариб дебди:

- Ҳой, Демосфен? қандай қилиб мени урмаган бўлсин?

- Ана энди мен жабрланган киши овозини эшитяпман,-дебди Демосфен.

2-матн. Периклнинг нотиклик маҳорати ҳақида шундай дейди: “У сўзда донолиги жиҳатдан ҳаммадан устун туради. Унинг лабларига Ишонтириш худоси макон қурган: у шу қадар мафтун эта олардики, нотиклар ичида, тингловчиларида ўз ништарини қолдирадиган яккаю-ягона эди”.

3-машқ. Қуйидаги Тиберий Гракх нутқидан келтирилган парчани таҳлил қилинг. У қандай ғояни илгари сурган. Унинг ғоялари мазмунини оғзаки гапиринг ва ўз муносабатингизни билдиринг.

Италияда изғиб юрган ваҳший йиртиқичларнинг ҳам тунаш учун ғор ва яйловлари бор, Италияни деб курашаётган ва қурбон бўлаётган кишиларда эса сув билан ҳаводан бошқа нарса йўқ.... Солдатлар бошқа бировларнинг ишрати ва бойиши учун жанг қияпти; уларни “борлиқнинг ҳокими” деб айтишади, аслида эса уларнинг бир қаричгина ери ҳам йўқ”

4-машқ. Қуйида берилган йўл-йўриқлар бўйича истаган мавзуда нутқ тузинг.

Бирор воқеа, жойга, вақтга эътиборни қаратиш; қизиқиш уйғотиш; қарама-қаршилиқларга, курашга эътиборни жалб қилиш; қандайдир нарсани намоиш қилиш; ўз ҳаётингизда юз берган воқеа-ҳодисалар, ўқиган нарсалар ҳақида гапириш; танишингизнинг гапидан мисол келтириш; машҳур кишилар фикрларидан мисоллар келтириш; тарихий воқеа; ахборот манбаига илова; риторик сўроқ.

Топшириқни бажариш намунаси: “Мен нима учун шахримизни яхши кўраман?”

Бирор воқеа, жойга, вақтга эътиборни қаратиш: “Ҳар бир кишининг ўз уйи, маҳалласи бор. Лекин биз сиз билан бир шаҳарда – Тошкент шаҳрида яшаймиз. Унинг текис кўчаларида юрамиз, боғларида сайр қиламиз, маҳалланинг шинам боғчаларида дам оламиз. Барча тошкентликларга маълум бўлган Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Амир Темур хиёбони ва бошқа сўлим гўшаларни яхши биламиз. Агар биз узоққа сафар қилсак, тезда юртимизни соғиниб, уйга қайтгимиз келади. Нега шундай? Бунда не синоат бор?”

Қизиқиш уйғотиш: “Мен бир қанча катта ва кичик шаҳарларда бўлганман, телевизор орқали ҳам жуда кўп шаҳарларни томоша қилганман, лекин яқинда ўз шаҳримнинг барча шаҳарлардан ортиқ эканлигини тушундим. Нимага шундай?”

Қарама-қаршиликларга, курашга эътиборни жалб қилиш: Самарқандликлар энг зўр шаҳар – Самарқанд, тошкентликлар – Тошкент, бухороликлар – Бухоро, хоразмликлар – Хива деб ҳисоблашади. Бу шаҳарлар ўртасида неча асрлардан бери тортишув давом этади. Тортишувда ким ҳақ? Энг яхши шаҳар номига қайси бири лойиқ? Бунга самарқандликлар нуктаи назари билан қарасак?

Қандайдир нарсани намойиш қилиш: Мана менинг кўлимда Самарқанд усталари томонидан ясалган заргарлик буюмлари. Бу тақинчоқлар узоқ тарихга эга. Мана шу тақинчоқларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйса бўлади. Ҳозир нимага шу нарса ишлаб чиқарилмайди? Қанча фахрлансак арзийди. Яна бошқа фахрланадиган нарсамиз йўқми? Асло ундай эмас.

Ўз ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисалар, ўқиган нарсалар ҳақида гаптириш: Мен асли самарқандликман. Бувам, бувим, отам, онам ва қариндош-уруғларимнинг барчаси шу ерда туғилиб ўсган. Бувам бувим билан, ота-онам ҳам шу шаҳарда танишиб турмуш қуришган. Шаҳримиз тарихининг гувоҳи улар. Шунинг учун ҳам мен ўз шаҳримни жуда севаман.

Маиҳур кишилар фикрларидан мисоллар келтириш, тарихий воқеа: Буюк саркарда Амир Темур ҳам бежизга Самарқандни ўз улкан давлатининг пойтахти қилиб танламаган. Буюк ипак йўли ҳам шу ердан ўтган. Биз шу шаҳардан етишиб чиққан олимлар, буюк шахслар билан фахрланамиз. Ҳозирги замонавий Самарқанд билан ҳам жуда фахрланамиз.

Ахборот манбаига илова: Бизнинг шаҳримизда ҳар йили “Шарқ тароналари” фестивали ўтказилади. Фестивалга дунёнинг турли бурчакларидан санъат ошуфталари келиб, шаҳримизнинг йилдан йилга гўзаллашиб ва

ривожланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдалар. Шунинг учун шахримизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Риторик сўроқ: Ўз туғилиб ўсган шахрини севмайдиган одам бўлмаса керак?



8.Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

1-топшириқ.Тилшунос М.В.Ломоносов ритор сифатида барча нотикларни нутқ матнини ёд олишга даъват этади. Ана шундагина нотик равон, хотиржам ва ишонч билан гапиради. Акс ҳолда матнни ёд билмаслик натижасида қоғозда акс эттирилган баркамолликка зарба бериб қўйиш, тўла ишонч билан гапира олмаслик мумкин.

М.В.Ломоносовнинг фикрига қўшиласизми? Ўз фикрингизни ёзма шакллантиринг ва оғзаки гапириб беринг.

2-топшириқ.”Риторика”, “Амалий риторика” терминларини қандай тушунасиз?

3-топшириқ. Риторика нима сабабдан юзага келган?

4-топшириқ. Равон, чиройли ва таъсирчан гапиришни туғма иқтидор дейиш мумкинми?

5.Машқ. Қуйида берилган далилларни ўқинг, уларнинг ичидан ўзингиз учун зарурларини танланг ҳамда ўз фикрингизни қўшиб “Нима учун мен телевидениени яхши кўраман?” мавзусида нутқ сўзланг.

1. Телевизор кўриш қизиқарли. 2.Телевизор ноҳуш нарсаларни унуттиради. 3.Телевидение пулни тежайди. 4.Телевидениесиз ҳаётимизни тасаввур қилолмаймиз. 5.Телевидение пул топиш йўлини ўргатади. 6.Телевидениедан бериладиган рекламалар – янгиликлар манбаи. 7.Телевидение аёлларга пардоз қилишни ўргатади. 8.Телевидение ошпазлик сирларини ўргатади. 9.Телевизор кўраётганимда ота-онам мени безовта қилишмайди. 10.Телевизорни эрталаб ҳам, кечқурун ҳам кўриш мумкин. 11.Телевизор уйга безак бериб туради. 12.Телевидение орқали бериладиган диний кўрсатувлар маънавиятни шакллантиради. 13.Телевидение оиланинг жамулжам бўлишига имкон беради. 14.Телевидение - текин дам олиш тури. 15.Муסיқий кўрсатувлар замонавий муסיкадан хабардор қилади. 16.Хорижий

телевизорлар жуда яхши. 17.Телевидение оркали оламдаги янгиликлардан хабардор бўламиз. 18.Телевидение нозик диднинг пайдо бўлишига ёрдам беради. 19.Телевидениени ҳамма яхши кўради. 20.Телевидение инсон дунёқарашини кенгайтиради, бойитади. 21.Телевидение турмуш ташвишларидан чалғитади. 22.Телевидение ёлғизликдан қутқаради. 23.Телевидение беминнат маслаҳатчи. 24.Дунё хабарларидан бохабар қилувчи асосий манба.



9. Топшириқлар. (Индивидуал ишлаш учун).

1-топшириқ. Риторика ва нутқ маданияти фанининг фарқли томонларини таҳлил этиш бўйича ВЕНН диаграммасини чизинг ва тушунтиринг.

2-топшириқ. Ишонтирувчи маъруза тайёрланг:

- 1) риторикани ўрганишнинг зарурияти ҳақида;
- 2) чекишни ташлашнинг зарурлиги ҳақида;
- 3) нутқий малакага эга бўлиш зарурлиги ҳақида;
- 4) кийиниш одобининг инсон характери билан боғлиқлиги ҳақида.



10. Топшириқ: Уйга вазифа (индивидуал ҳолатда ишлаш).

10.1. Берилган кўрсатмалар ёрдамида куйидаги мавзуда эссе ёзинг “Нега риторикани ҳам фан, ҳам нотиклик санъати деб ҳисоблайдилар?”

1.Берилган мавзунинг муаммосини тушунтириш ҳамда тўғри ва аниқ очиб бериш лозим.

2.Муаллиф позициясини ифодалаш.

3.Илмий-оммабоп услубда фикрни ифодалаш.

4.Фикрни мантиқан тўғри ва равон ифодалаш.

5.Эссенинг ҳажми 200 та сўздан кам бўлмаслиги керак.

10.2. Тест устида ишлаш.

1.Антик нотиклик санъатининг назарий асосларини ишлаб чиқувчи ва шу соҳадан дарс берувчи ўқитувчилар нима деб аталган?

А.Риторлар.

В.Ораторлар.

С.Нотиклар.

Д.Эристиклар.

Е.Педагоглар.

2. Антик нотиклик санъатининг сиёсий нутқида нотик қайси категориялардан келиб чиқиб нутқ тузган?

- А.Фойда ва зарар.
- В.Яхшилик ва ёмонлик.
- С.Ҳақ ва ноҳақлик.
- Д.Ҳақиқат ва ноҳақлик.
- Е.Фойда ва зиён.

3.Риториканинг 3 манбаи кўрсатилган қаторни топинг.

- А.Ишонтириш, табиий истеъдод, амалий машқлар.
- В.Табиий истеъдод, назарий билим, амалий машқлар.
- С.Табиий истеъдод, назарий билим, тақлид.
- Д.Табиий истеъдод, амалий машқлар, ҳаяжонлантириш.
- Е.Ишонтириш, тақлид, назарий билим.

4.Риториканинг 3 мақсади кўрсатилган қаторни топинг.

- А.Ишонтириш, таъсирлантириш, ҳаяжонлантириш.
- В.Ишонтириш, роҳатлантириш, далиллаш.
- С.Ишонтириш, далиллаш, таъсирлантириш.
- Д.Ишонтириш, роҳатлантириш, ҳаяжонлантириш.
- Е.Ишонтириш, талқин қилиш, ҳаяжонлантириш.

5.Нутқнинг кириш қисмидан мақсад нима?

- А.Эътиборни жалб қилиш, эҳтирос уйғотиш.
- В.Эътиборни жалб қилиш, хайрихоҳ этиш.
- С. Эътиборни жалб қилиш, таништириш.
- Д. Эътиборни жалб қилиш, далиллаш.
- Е. Эътиборни жалб қилиш, ишонтириш.

6. Софистларнинг камчилиги қайси қаторда келтирилган?

- А.Нима қилиб бўлса ҳам баҳсда ютиб чиқиш.
- В.Хайрихоҳлик ҳиссини уйғотиб баҳсда ютиб чиқиш.
- С. Эътиборни жалб қилиб баҳсда ютиб чиқиш.
- Д. Далилларни келтириб баҳсда ютиб чиқиш.
- Е.Ҳақиқатни келтириб баҳсда ютиб чиқиш.

Назорат саволлари

1. Риторика сўзининг маъносини биласизми?
2. Риторика фанининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат бўлган?
3. Риторика билан нутқ маданияти фанининг боғлиқ томонлари нимада?
4. Риторика фани билан нутқ маданияти фанининг фарқли томонлари нимада?

5. “Риторика” асарининг муаллифи ким ва у ҳақда нималарни биласиз?
6. Софистлар кимлар ва уларнинг риторикага қандай алоқаси бор?

Глоссарий

Риторик – риторикага, нотиқлик санъатига оид сўз.

Риторика – нотиқлик назарияси ҳақидаги таълимот. Нотиққа ўз билими ва дунёқарашига суянган ҳолда тўғри, чиройли, жозибадор, таъсирчан сўзлаш йўлларини ўргатади.

Пафос – юксак даражали туғёнкор ҳис-ҳаяжон.

Этос – ғоят мулойим, меъёрли ҳис-ҳаяжон.

Юмор – кулги ва истехзо кучи билан рақибнинг даъво ва далиллари йўққа чиқариш.

Нафосат – нафислик, гўзаллик, нафосат.

Мантиқ – нутқ, тил, сўзлаш деган маъноларни англатади. Гап, фикр, ҳаракат ва шу кабининг ақлга монандлиги, асослилиги.

Эстетика – 1. Нафис санъат ва бадиий ижодиётни, табиат ва турмушдаги гўзалликнинг моҳияти ва шакллари, инсон ва одам ўртасидаги қадриятлар муносабатини ўрганувчи фалсафий фан. 2. Бирор нарсанинг гўзаллиги.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1973.
2. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
3. М.Л. Гаспаров. Цицерон и античная риторика. (Қаранг: Цицерон. Три трактата об ораторском искусстве. – М.: Наука, 1972. – С. 25.)
4. Бегматов Э., Турсункулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
5. Бегматов Э., Жиянова Н. Нутқ маданияти асослари. (Маърузалар матни). – Т.: 2009.

3- МАВЗУ: Ғарб нотиқлик санъатининг шаклланиши. Грек ва Рим мактаби вакиллари

1. Дарснинг мақсади: Талабаларда ғарб нотиқлик тарихи, Юнон ва Рим нотиқлик вакиллариининг ижодий фаолияти ва нотиқликка қўшган ҳиссаси ҳақидаги назарий билимларни шакллантириш.

2.Режа:

- 1.Ғарбда нотиқлик мактабларининг шаклланиш тарихи.
- 2.Грек нотиқлик мактабининг шаклланиши.
- 3.Рим нотиқлик мактабининг шаклланиш даври.
4. Ғарбда нутқ турларининг шаклланиши.
- 5.Ғарб нотиқлик мактаби намояндалари.
6. Ғарб нотиқларининг нотиқликка қўшган ҳисаси.

3. Таянч сўзлар: Беш юзлар кенгаши, суд органи, халқ мажлислари, демократия, сиёсий нотиқлик, суд нотиқлиги, эпидейктик нутқ, синегор, логограф, диалогик мулоқот, уйғунлашган мулоқот, фикрий мулоқот.



4.Эслаб қолинг. Қадимги Грецияда давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айланган. Шу эҳтиёж қонун доирасигача борган. Одамлар мансаб пиллапоясидан юқорига кўтарилишни истаганлари учун ҳам нотиқлик санъати сирларини ўргатадиган махсус мактабларда таълим олган ҳамда чиройли нутқ эгаси бўлишга ҳаракат қилганлар. Юнон демократиясининг ҳал қилувчи органи – қонун чиқарувчи Халқ мажлиси эди. Беш юзлар муҳокамасидан ўтган масала ва лойиҳаларни кенг умумхалқ муҳокамасига қўйишар ва ана шу муҳокама натижасида муайян масала ёки лойиҳа қабул қилинарди ёки узил-кесил инкор этиларди. Шу жараёнда фуқароларнинг барчаси эркин иштирок этиш ва эркин муҳокама юритиш ҳуқуқига эга эди. Демократик асосга эга бўлган бундай муҳокама ва мунозаралар жараёнида шаҳар фуқаролари орасидан ўнлаб забардаст нотиқлар етишиб чиқар ва улар минг-минг кишилардан иборат кенг муҳокама этувчи аудиториялар олдида юртдошлари манфаатини, ўз давлати манфаатини ва ўзларининг хусусий позицияларини ҳимоя қилган ҳолда нутқ сўзлашарди.

Римда нотиқликнинг, асосан, уч турини кўрсатиш мумкин:

1. **Суд нотиқлиги** - оқловчи ва қораловчи нутқлар асосида шаклланган.
2. **Сиёсий нотиқлик** – турли дипломатик ёзишмалар асосида шаклланган.

3. Мақтов нотиқлиги – ўша даврнинг юқори табақа вакиллари ва мансабдор шахслар номига айтиладиган мақтов матнларидир.



5. Ёдда тутинг. Суд нотиқлиги Юнонистонда энг катта мавқе ва эътиборга, шунингдек, амалий аҳамиятга эга бўлган нотиқлик турларидан биридир. Антик демократия қоидаларига кўра ҳар бир эркин фуқаро хоҳлаган пайтида, хоҳлаган иши бўйича судга мурожаат этиши ва ўз манфаатини ҳимоя қилиши мумкин бўлган. Суд жараёнида суд ҳайъати чинакамига демократик, одилона позицияда турар, суд ҳукмининг қайси томон фойдасига ҳал бўлиши кўпинча уларнинг нотиқлик санъатидаги маҳоратига боғлиқ эди. Қайси томон ўзининг мантиқий фикрлари, асосли далиллари орқали ишонтириш кучига эга бўлиб, суд ҳайъатини ишонтира олса, ҳукм ўшанинг фойдасига ҳал бўлар эди.

Синегорлар суд жараёнида бошқа бировнинг манфаатини кўзлаб нутқ сўзловчи кишилардир. Синегорлар нотиқлик санъати ва ҳуқуқшуносликдан махсус таълим олган кишилар бўлган.

Логографлар эса нутқ матнларини тузиб ёки ёзиб берувчи иқтидорли кишилар ҳисобланган. Улар қонуншунос мутахассис, таъсирчан, мантиқий, изчил ва ишонтирувчи нутқларни ёзиб беришган, ўрни келганда нотиқ сифатида ўз ҳимояларидаги кишиларни кенг омма олдида, демократик суд олдида оқлаб чиқувчи билимдон шахслардир.

Эпидейктик нутқ кўриниши нотиқлик санъатига бўлган катта қизиқишнинг маҳсули бўлиб, фақатгина суханпардозлик мақсадини кўзда тутган.



6. Билиб олинг. 1. Периклнинг нотиқлик маҳорати ҳақида Эвполид шундай дейди: ”У сўзда донолиги жиҳатдан ҳаммадан устун туради. Унинг лабларига ишонтириш худоси макон қурган: у шу қадар мафтун эта олардики, нотиқлар ичида, тингловчиларида ўз ништарини қолдирадиган яккаю яғонаси эди.”

2. Нотиқлик санъатининг йирик намояндаси Цицерон бу санъатга юксак баҳо бериб, икки хил санъатни — лашкарбошилиқ ва нотиқлик санъатини тан олади: «Тарихда ном қолдириш учун ё яхши саркарда, ё яхши нотиқ бўлиш керак».

3. Цицерон “Брут” (47 йил), “Нотиқ” (56 йил) номли бошқа асарларида Рим нотиқлик санъати тарихи ҳақида батафсил назарий фикрлар юритиб, аттикачиларнинг назарияларига тамомила қарши мулоҳазалар билан майдонга чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай нотиқнинг кўзда тутган асосий

мақсади тингловчининг завқини уйғотиб, уларни ўзига мойил қилишдан иборатдир. Нотик шароитга қараб мавжуд услубларнинг ҳаммасидан баравар фойдаланиши зарур. **Цицерон бу қондасини давом эттириб**, “кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улў ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади” дейди.

Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа хижолаарнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, **бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик**, сўзларни турли талаффуз этиш, грамматик қоидаларга катта эътибор бериш каби нотиклик санъатининг муҳим масалалари ҳам Цицерон асарларида ўзининг тўла ифодасини топган.

4. Демосфен ўз нутқидаги камчиликларни бошқа такрорламаслик учун астойдил бош қотиради. Ҳар куни бир неча соатлаб нотўғри талаффуз этаётган сўзлари устида қайта-қайта машқ қилади. Оғзига тош солиб олиб, қаттиқ ва равон гапиришга ҳаракат қилади. “Р” товушини тўғри талаффуз этиш мақсадида кучук боласининг ириллашини кузатади ва ўзи ҳам худди шу товушни қайтаради. Ниҳоят, узоқ муддатли тинимсиз машқлардан сўнг Демосфен ўз мақсадига эришади. Натижада, дунё тан олган машҳур нотик бўлиб етишади. Аммо шунга қарамай, у ҳеч қачон тайёргарликсиз нутқ сўзламас, олдиндан ёзиб қўйилган матнни ёдлаб олар, ҳар бир сўз устида пухта ўйланар, жумлаларни аниқ ва чиройли тузишга ҳаракат қилар эди. Улў нотикнинг нутқи шу қадар содда, равон, мантиқан пухта ва жозибали бўлардики, бу фақат машаққатли меҳнат самараси эди.

Демосфен бўлмағур сафсаталарни ёқтирмас, хотиржамлик билан тингловчиларни ўзига тортар, уларни ўзи ҳимоя қилаётган ишнинг ҳақлигига ишонтириш учун бутун куч-қувватини сарфлар эди.

5. Шундай қилиб, қадимда давлат ишларини бошқаришда қатнашишни хоҳлаган ҳар бир киши учун чиройли сўзлаш санъатини эгаллаш мажбурий бир эҳтиёжга айланган. Шу эҳтиёж қонун доирасигача борган. Улар ўз лавозимларининг юқори бўлишини истаганликлари учун ҳам нотиклик санъати сирларини ўргатадиган махсус мактабларда таълим олишган. Чиройли нутқ эгаси бўлишга ҳаракат қилишган. Чиройли нутқ эгасигина юқори лавозимларни эгаллаган. Шунинг учун ҳам улар доимо ўз нутқини ўстириш устида тишмай меҳнат қилишган.



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Қуйидаги матнни ўқинг ва нотик Демосфеннинг нутқ услуби,

яъни тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати қандай бўлганлигини изоҳланг.

Юнонистон тупроғидан македониялик Филиппни қувиб чиқаришда давлат арбоби ва ҳарбий нотик сифатидаги фидоийлиги ва жасорати учун Демосфен 3-марта олтин гулчамбар билан тақдирланади. Шу муносабат билан сўзлаган “Гулчамбар ҳақида” номли нутқида рақиби нотик Эсхинга қарата шундай дейди: “Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мактовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнардим, мен бўлсам хуштак чалардим”.

2-машқ. Қуйида берилган Цицероннинг нутқ композицияси бўйича ўзингиз “Гиёҳвандликка қарши курашиш керакми?” мавзусида нутқ тузинг.

1. Нутқнинг кириш қисми.
2. Ишнинг моҳиятини очиш.
3. Кейинги қисмларнинг режаси.
4. Асосий қисм.
5. Охири қисм, яъни нутқ давомидаги асосий масалаларни қисқа-қисқа эслатиб ўтиш.
6. Хулоса.

3-машқ. Цицероннинг қуйида берилган фикрлари ҳақида ўз мулоҳазангизни айтинг.

«Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади”.

4-машқ. Берилган матнни диққат билан ўқинг ва ажратиб кўрсатилган гапни изоҳланг. Саволларга жавоб беринг.

Узум ҳақида масал

Бир-бирини тушунмаслик дўстни душманга айлантириши ҳақида Румийнинг шундай масали бор.

Турли тилда турлича айтилган бир сўз баъзан ўзаро низога сабаб бўлади. Турк, араб, форс ва юнон миллатидан бўлган тўрт нафар йўловчига бир сахий одам танга ҳадя этади. Йўловчилар ўртасида тангани қандай сарфлаш борасида жанжал чиқади. Форсий тилда сўзловчи йўловчи шерикларига:

-Юринглар, бозорга борамиз-да, ангур сотиб оламиз,-дейди.

-Эй фирибгар!- унинг сўзини бўлади араб. -Мен ангур эмас, эйнаб ейишни хоҳлайман!

Туркий йўловчи эса уларнинг ҳар иккаласига эътироз билдириб, шундай дейди:

-Биродарлар, нега шовқин кўтарасизлар, балки бу пулга узум сотиб олармиз?

Юнонистонлик йўловчи эса:

-Қандай одамсиз ўзи. Келинглари, стафил сотиб оламиз-да, маза қилиб еймиз,- дейди.

Шу тариқа тўрт йўловчи бир-бирини тушунмай, жанжаллашиб қоладилар. Аслида улар айнан бир нарсани иташарди.

Тўрт йўловчи билимсизлик, нодонлик туфайли бир-бирларини роса дўппослашди.

Агар уларнинг орасида юз тилни биладиган одам бўлганда бир сўз билан низога чек қўйиш мумкин эди.

Саволлар:

1. Нима сабабдан йўловчилар жанжаллашиб қолишди?
2. Нега бу ҳикояда тўрт йўловчини билимсиз, нодон дейиляпти?
3. Сизнингча, неча тилни мукамал ўрганиш мумкин?
4. Сиз неча тилни билишни истасиз?



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

1-топшириқ. Юнон нотикларидан кимларни биласиз?

2-топшириқ. 2 гуруҳга бўлиниб, Юнон нотиклари кластерини чизинг ва ҳар бир нотик ҳақида маълумот беринг.

3-топшириқ. 2 гуруҳга бўлиниб, Рим нотиклари кластерини чизинг ва ҳар бир нотик ҳақида маълумот беринг.

4-топшириқ. Қуйида берилган матн асосида Демосфен ва Цицероннинг нутқини ВЕНН диаграммаси бўйича тушунтиринг:

1. Демосфен нутқ матнида ҳам, нутқ жараёнида ҳам архаизмдан қочган, жуда латиф ва жозибадор сўзларни қўлламаган, янгича сўз ва ибора ва терминларни тўқимаган. Гоҳ-гоҳида ҳикматли сўзлардан ва мақол-маталлардан фойдаланган.
2. Нутқида синонимлардан кўп фойдаланган.

3.У нуткида қисқа бўғин, калта-калта жумлаларни ишлатмаган, аксинча, чўзиқ бўғинларни қўллашни хуш кўрган.

4.Нутқ матнларини тайёрлаш жараёнида гапнинг боши ва охирига мантиқий урғу тушувчи, муҳим маъно касб этувчи сўзларни қўйган.

5.Нутқда мусиқийлик ва таъсирчанликка эришиш учун жумлаларнинг охири насрий шеър билан, муайян вазн билан тугашига алоҳида эътибор берган.

6.Сўз ва жумлаларни қарама-қарши қўйиб ифодавийлик ва образлиликка эришишни ёқтирган, жумладан, “Тулчамбар ҳақида” номли нуткида Эсхинга қарата дейди: Сен савод чиқарардинг, мен бўлсам мактабга қатнардим, сен мактовлар тайёрлардинг, мен мактанувчи эдим, сен хорда рақсга тушардинг, мен хорнинг хўжайини эдим, сен котиб эдинг, мен бўлсам халқ мажлисида қатнашардим, сен майда ролда чиқувчи актёр эдинг, мен эса томошабин эдим, сен расво қилиб ўйнарддинг, мен бўлсам хуштак чалардим.

7.Риторик саволлардан унумли ва ўринли фойдаланган, масалан, “Хўш, бунинг ҳаммасига сабаб нима?”, “Нега энди мен буни ҳозир гапиряпман?” каби риторик саволлар кўплаб учрайди.

8.Демосфеннинг нутқлари энг аввал ўзининг мазмунлилиги, сиёсий ўткирлиги билан диққатга сазовор эди.

9.У нутқ талқини жараёнида эмоционал ҳаяжон, жестикуляция, мимика каби психофизик ва ташқи ифода воситаларидан унумли фойдаланган.

10.Демосфен ўзининг нотиқлик миссиясини фақатгина Ватанга ва халқига ҳалол хизмат қилишдан иборат деб тушунган. Ўзи айтганидек, “нотиқнинг овози ва сўзлари қимматли эмас, аксинча ундаги энг қимматли нарса шуки, халқ нимага интилаётган бўлса, у ҳам шунга интилсин, ватани кимни севса ёки ёмон кўрса, у ҳам ана шу кишиларни севсин ёки ёмон кўрсин”.

Цицерон:

1.Нотиқларнинг одамлар дилига кўрқув, ғазаб ва қайғу сола билиши ва аксинча, бу хилдаги ҳаяжонли ҳолатлардан кишиларни ҳалос қилиб, уларнинг руҳида хотиржамлик, меҳр-шафқат ҳисларини уйғота олиши кераклигини таъкидлайди.

2. Нотиқнинг кўзда тутган асосий мақсади тингловчининг завқини уйғотиб, уларни ўзига мойил қилишдан иборатдир.

3.Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади.

4. Поэзия тилининг вазни ва оҳангдорлиги, узун ва қисқа ҳижоларнинг, унли ва ундош товушларнинг алмашинуви, **бир сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида икки унлининг қатор келишига йўл қўймаслик**, сўзларни турлича талаффуз этиш, грамматик қоидаларга эътибор беришга катта аҳамият берган.

5. Тингловчини толиқтириб қўймаслик учун нутқ давомида кўтаринки усулни бир парда пасайтириб, нутқ мавзуйига алоқадор шахслар бўлса, уларнинг гоҳ салбий, гоҳ ижобий характеристикасини бериш, илгари ўтган машҳур зотлар ҳақидаги бирон латифани эслатиб кетиш, лозим бўлганда баъзи бир ҳаётий манзараларни, драматик воқеаларни эшлаш, ўрнига қараб бироз ҳикматли сўз, мақол ёки қочириқ гапни қистириб ўтиш — Цицероннинг энг севган усулларидан эди.

6.У нутқнинг композицияси, жумладан, кириш қисмига, хотимаси ва репетициясига алоҳида эътибор берган. Яъни мантикий далилларга ва кишиларнинг ҳиссиётига таъсир қиладиган қисмига кўпроқ аҳамият берган. Шунинг учун ҳам унинг нутқларида баландпарвоз сўз, ибора ва жумлалар кўп бўлган, нутқ услуб юқори бўлган.

7.У оддийлик, маишийлик, ҳазил-мutoйиба, риторик саволлардан ҳам фойдаланган.

8.Муболағадан кенг фойдаланган.

9.Цицерон нутқ матнининг равонлиги, гўзаллиги ва ифодалилигига ва мусикийлигига эътибор берган.

10.Унинг нутқларида фикр эркинлиги ҳукмрон бўлган ва нотикнинг фалсафий, ахлоқий ва сиёсий қарашлари доимо уйғун тарзда мужассамлашган.



9.Топшириқлар. (Индивидуал ишлаш учун).

9.1.1-топшириқ. Қуйидаги матнни диққат билан ўқинг ва ўз мулоҳазаларингизни оғзаки баён қилинг.

Машҳур донишманд Суқрот ҳаким айтади:

— Оқил, доно одамлар ҳалол касб билан шуғулланиб, шу касбларидан топган мол-дунёларидан муҳтожларга инъом-эҳсон қиладилар. Аччиғланган вақтларида тилларини ёмон сўзлардан, қўлларини одамларга озор беришдан сақлайдилар. Агар бир одам сенинг айбингни юзингга солса, камчиликларингни танқид қилса, уни дўст деб бил, гўзал хулқ-атворли бўлишга, ярамас ишлардан сақланишга ғайрат қил.

Байт:

Ҳар ким ўз айбини билса марддир,
Бошидан айлангил аҳли дарддир.

2-топшириқ. Қуйидаги матнни диққат билан ўқинг ва ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.

Афлотун ҳаким айтади:

— Фарзандларингизнинг илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангизга тегишли эмас, улар келгуси замон одамларидир.

9.2.Топшириқ: Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

1-топшириқ. “Мен ёқтирган нотик” мавзуси бўйича матн тайёрлаш ва сўзлаб бериш.

2-топшириқ. Юнон ёки Рим нотиклари ҳақида реферат тайёрлаш ва сўзлаб бериш.



10.Тест топшириқларини бажаринг.

1.Қадимги Грецияда нутқ матнларини ёзиб берувчи шахсни нима деб аташган?

- А. Синегорлар.
- Б. Сатирлар.
- С. Логографлар.
- Д. Риторлар.
- Е. Нотиклар.

2. Нотиклик ҳақида илк маълумот қайси асарда берилган?

- А. Брут, Илиада.
- Б. Илиада, Нотик ҳақида.
- С. Нотик, Илиада.
- Д. Одиссея, Гиппий.
- Е. Одиссея, Илиада.

3. «Тарихда ном қолдириш учун ё яхши саркарда, ё яхши нотик бўлиш керак». Ушбу фикр муаллифи ким?

- А. Цицерон
- В. Демосфен
- С. Перикл
- Д. Менелай
- Е. Арасту.

4. Аристотелнинг нотикликка бағишланган асари -

- А. Риторика.

- В.Илиада.
- С. Нотик.
- Д. Брут.
- Е.Одиссея.

5. Логографлар кимлар?

- А.Нутқ матнларни ёзиб берувчи кишилар.
- В. Фан билан шуғулланувчи кишилар.
- С. Фалсафа билан шуғулланувчи кишилар.
- Д. Илм билан шуғулланувчи кишилар.
- Е.Нутқ сўзловчилар.

Саволлар:

- 1.Нотиклик санъати дастлаб қаерда шаклланган?
- 2.Нотиклик санъат даражасига кўтарилишига нима сабаб бўлган?
- 3.Нотиклик ҳақида илк бор маълумот берган асар қайси?
- 4.Қадимги юнон ва рим нотиклиги ҳақида нималарни биласиз?
- 5.Аристотелнинг нотикликка қўшган ҳиссаси нималарда кўринади?
6. Сукротнинг нотикликка қўшган ҳиссасини биласизми?
- 7.Логографлар билан синегорларнинг асосий вазифаси нималардан иборат бўлган?
8. Демосфеннинг нотиклик санъати тарихидаги ўрни нималарда кўринади?
9. Лисийнинг нотикликка қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот беринг?
- 10.Цицероннинг нотикликка доир асарлари?

Глоссарий

Синегор – қадимда маълум ҳақ эвазига судда томонларнинг манфаатини ҳимоя қилиб нутқ сўзловчи шахс.

Логограф – қадимда нутқ матнини тузиб берувчи шахс.

Эпидейктик нотиклик – тантанали нотиклик.

Диалогик мулоқот - ўзаро суҳбат вақтида ҳал этилиши зарур бўлган масалани ниҳоясига етказиш жараёни.

Уйғунлашган мулоқот - суҳбат, баҳс-мунозара жараёнида мулоқот қатнашчиларининг умумий мақсадга эришиши учун бирлашишлари.

Фикрий мулоқот – мулоқот жараёнида нутқнинг мақсади муҳокама мавзусида яширинган, топиш мумкин бўлган ҳақиқатни, маънони излаш.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. –Тошкент: Фан, 1973.
2. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. -Тошкент, 1982.
3. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
4. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Жуманиёзов Р., Салимов С. Ғоявий тарбияда нотиклик санъати.-Тошкент, 2002.
6. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Тошкент, 2002.
7. Бекмирзаев Н. Ўзбек нутқ маданияти. –Тошкент, 2007.

4-МАВЗУ: X-XV аср Шарқ ва Марказий Осиё нотиқлик санъати тарихи

1. Дарснинг мақсади: X-XV аср Шарқ ва Марказий Осиё нотиқларининг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида, шунингдек, нотиқликка қўшган ҳиссаларини билиш ва улардан амалиётда фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш.

2. Режа:

1. Шарқ ва Марказий Осиё нотиқлик санъати тарихи.
2. Уйғониш даври нотиқлиги тарихи.
3. Шарқ алломаларининг нотиқлик санъати ҳақидаги қарашлари.
4. Кайковуснинг нотиқ ва нотиқлик ҳақидаги фикрлари.
5. Ваъз ва воизлик хусусида.
6. Шарқ алломаларининг нотиқлик хусусидаги қарашлари.

3. Таянч сўзлар: Ваъз тушунчаси, воиз тушунчаси, нутқ тузиш, нутқ одоб, шарқ нотиқлиги, одобнома тушунчаси, дидактик адабиёт тушунчаси, нутқ одоби, мантиқ, нотиқ.



4. Эслаб қолинг. 4.1. Ваъзхонлик (чечанлик, нотиқлик) санъатининг услуби баробарида нутқ олдига қўйилган талаблар замонга мос ҳолда шакллантириб борилди. Буюк алломалар Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сиймолар нутқ одоби масалаларига, умуман, нутққа жиддий эътибор беришга даъват этиш билан бирга тилга, луғатга, грамматика ва мантиқ, тилшуносликка бағишланган асарлар ёзишди ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор назарий ва илмий фикрлар билдирдилар.

4.2. Буюк қомусий олим Беруний (973-1048) нинг фикрича грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу эҳтиёжнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши, материалга кўра ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаши мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган “мезон”ни яратади. Бу мантиқ фани эди. Инсон нутқида шубҳали ўринлар сезилса, маълум “мезон” ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмасдан, уни маломат қилганларга ҳайрон қолади ва уларга ачиниб: “Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган наҳв (грамматика), аруз (шеър ўлчови) ва мантиқни (логика) мутолаа қилганида эди, сўзнинг (нутқ) наср ва назмга ажралишини билган бўларди” — дейди. (Беруний. 64-бет)

4.3. Ҳазрат Алишер Навоий майин, ёқимли, ширали овоз билан сўзлаш

одоби ҳақида, ўйламасдан сўзламаслик ҳақида ёзади: “Тилдин азубат дилписанддур ва мийнат судманд. Чучук тилки ачиғликка эврулди, зарари он бўлди. Чучук сўз соф кўнгилларга нушдур... Сўзни кўнглингда пишқирмагунча тилга келтурма, ҳарнаким кўнглингда бўлса, тилга сўрма” (“Тилнинг ширин ва ёқимли ҳамда юмшоқлиги фойдадур. Чучук тил аччиқ айланса, оммага (тингловчига) зарар етади. Кишини маст қилувчи қилсалар, ҳаром бўлади. Чучук сўзни тоза кўнгиллар симиради... Сўзни кўнглингда пишитиб олмагунча сўзлама, кўнглингда бўлган ҳар қандай қонидани ҳам айтаберма”).



5. Ёдда тутинг. 5.1. Улуғ файласуф Абу Наср Фаробий (870-950) нутқ

ва ақл тарбиясига оид илмлар тўғрисида қимматли фикрлар айтган. Тўғри сўзлаш, тўғри мантикий хулосалар чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай дейди: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, нутқий қонидани қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўзлаш ва қандай жавоб бериш (масаласи) га келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси — жисмларга ва ҳодисаларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман”. Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган номларни қандай тартибга солишни ҳамда нарсалар (субстанция) ва ҳодисаларнинг (акциденция) жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади. Учинчи илм мантиқдир: “маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”. (Абу Наср Фаробий. Рисолалар. 54-бет)

5.2. Аҳмад Югнакий Рост, соғлом ва мазмунли сўзлашни, керак бўлганда, сир сақлай олишни мақтаб, лақмалик, ёлғон сўзлаш ва сергапликни қоралаган шоир тилни тийиш одобнинг боши дейди.



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва ўқиб олинг.

6.1. Ибн Синонинг фикрича, инсон тили шунчаки алоқа воситаси бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсирэтишини ҳам кўзда тутди. Шу сабабли Ибн Сино “*Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади*” деб ҳисоблаган.

Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгиларидан ташқари нутқ

техникаси, нотиқ амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: *“Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқишни наст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак”*.

6.2.Кайковус нотиқларни “билағонлик” қилиб тилдаги сўзларни бузиб сўзламасликка, ҳамма вақт мавжуд тил меъёрларига амал қилишга чақиради: “Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир. Кўп билу, оз сўзла, кам билсанг кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи даҳо ақлли одам бўлса ҳам халқ уни ақлсиз дейди...”



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Қуйида Кайковуснинг “Қобуснома” асаридан келтирилган матнни ўз фикрларингиз билан давом эттиринг ва мазмунини оғзаки нутқ орқали гапириб беринг.

Эй фарзанд, демак, ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур. Ҳар кишига сўз айтур бўлсанг, қарағил, ул сенинг сўзингга харидорму ёки харидор эмасму?...

2-машқ. Қуйидаги матнни ўқинг, топшириқлари бўйича ўз муносабатингизни ёзма шакллантиринг ва оғзаки изоҳланг.

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Сулаймоннинг: “Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи”, -деган сўзлар ўйиб ёзилган узуги бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули онларида узукдаги ана шу ҳикматли битикни ўқиб, таскин топган.

Бир куни унинг бошига шундай бахтсизлик тушадики, узукдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулаймон ғазаб билан узукни ечиб, отиб юборади ва думалаб бораётган узукнинг ички томонида ҳам аллақандай битик борлигига ногаҳон кўзи тушади. Ўрнидан туриб, узукни қўлига олади-да, битикни ўқийди. Сулаймон аччиқ кулимсираб, узукни бармоғига тақади ва умрининг охиригача уни ечмайди.

Топшириқлар:

1. Узукнинг ички томонида қандай ёзув бор эди?
2. Сулаймон узукни нега ғазаб билан отиб юборди?
3. Сулаймон нега узукни яна қўлига тақиб олди?

3-машқ. Қуйида берилган матннинг аввал топшириқларини бажаринг, сўнгра “Ёлғончилик касаллиқми ёки характер” мавзусида эссе ёзинг.

Бир куни чўпон йигит: “Сурувларимга бўри ташланди, бўри, бўри!”- деб ёлғондан додлади. Қўшни чўпонлар тезда тўпландилар, аммо ҳеч қандай бўри йўқ эди. Қўшни чўпонлар:

-Бўри қани, қаерда?!-деб сўрадилар.

Ёлғончи чўпон:

-Ёлғондан бақирдим, сизларни алдадим,-деди.

У яна бир куни: “Бўри,бўри, бўри қўйларимни таламоқда”, деб бақирди. Аммо қўшни чўпонлардан бирортаси ёрдамга келмади. “Ёлғончи чўпоннинг ёлғон сўзларидир”, деб ўйладилар. Аслида ўша куни чўпоннинг сурувиға бўри оралаган эди. Бўри ёлғончи чўпоннинг қўйларини бўғиб еб кетди.

Ёлғон сўзни гапириш ёки аралаштириш жуда ёмон иллатдир. У бошқаларга катта зарар келтиради. Сўзловчининг ўзи ҳам ундан азият чекади, жамият олдида бебурд бўлади.

Топшириқлар:

1. Чўпон тўғри иш тутдими?
2. Нега унинг қўйларини бўри бўғизлаб кетди.
3. Қўшни чўпонлар нега унга ёрдам беришмади?
4. Ёлғончиликка сизнинг муносабатингиз?

4-машқ. Алломаларимизнинг фикрини диққат билан ўқинг ва ўз қарашларингизни ҳам ёзма ҳам оғзаки баён этинг.

АБУ ШУКУР БАЛХИЙ:

“Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чиқар индан илон-мурдор ҳам”.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ:

“Кимки қисқа сўзда деди кўп маъно
Равонлик бобида ул киши аъло”.

“Кимда беҳуда сўз гар бўлса бисёр,
Ул нутқ мажлисида доим бўлур хор”.

НОСИР ХИСРАВ:

“Сўз ичра мудом ақл яшириндур,
Сўз чимилдиғу ақл келиндур”.

“Эй биродар, бўлса эс-хушдан нишон,

Бўл мулойим, боадаб, ширин забон”.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ:

“Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор”.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ:

“Сўз жою вақтига бўлар экан мос,
Сеҳру афсун учун у бўлур асос”.

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ:

“Қисқа сўзлик, қара, не яхши ҳолдир,
Сергаплик бўлса-чи, дилга малолдир”.

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ:

“Эй оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,
Ўзга сўзга сўзинг қистирма, зинҳор,
Ақлу ҳуш эгаси, тадбирли инсон
Сўз бошлар суҳбатдош жим, бўлган замон”.

А.ҚОДИРИЙ: “Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак”.

С.ИБРОҲИМОВ: “Нутқ маданияти темаси жуда кенг тушунча. У энг аввало тил маданиятига амал қилиши, нутқ нормалари асосида тўғри, ўринли, тушунарли бир тарзда гапириш ва ёзиш, шу билан бирга, нутқ эстетикасига риоя этиб хушсухан бўлиш, силлиқ, ёқимли гапиришдан иборатдир”.

Э.ВОҲИДОВ: “Қани энди ўзини зиёли деб ҳисоблаган ҳар бир одам тилимизга керакли бир сўзни олиб кирса, унутилган бирор сўзимизни тирилтириб луғатларимизга қўшса (“Тилга меҳр”).

С.ИБРОҲИМОВ: “Ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқида билинади”.

5-машқ. Берилган матнни диққат билан ўқинг. Матнда ажратиб кўрсатилган гапни изоҳлаб беринг.

Дехқон ва шер

Бир куни тунда шер деҳқоннинг оғилхонасига кириб, сигирини ебди-да, ўша ернинг ўзида дам олгани чўзилибди. Деҳқон эса тунда уйғониб, шамни ҳам ёқмасдан сигиридан хабар олиш учун оғилхонага йўл олибди. У оғилхонага кирибди-да, пайпасланиб шернинг елкасини силабди. Шунда шернинг хаёлидан шундай сўзлар ўтибди: “Эҳ, икки оёқли нодон-а! У мени сигир деб ўйлади.

Кундуз куни бўлганда мени кўриб, танамга қўл теккизиш у ёқда турсин, кўрққанидан ўтакаси ёриларди!”

Эй доно одам, сен энг аввало нарсаларнинг моҳиятини бил, уларнинг алдамчи шаклига ишонма!



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

1.Топшириқ. Абу Наср Форобийнинг қуйида келтирилган фикрини изоҳлаб беринг.

Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим. Акс ҳолда одамлар ҳукмдорни тушунмайдилар ёки унинг талабини бажаролмайдилар. Ҳукмдорлар дорини беморнинг севимли ва кўп тановул қиладиган таомига қўшиб ичирадиган маҳоратли табибга ўхшамоқлари лозим. Зеро, меҳру муҳаббат ва рағбатлантиришлар фуқаролар билан муомаланинг энг асосий усулидир.

Ҳукумат раҳбарида қуйидаги 12 та туғма сифатлар жам бўлмоғи жоиз: хушбичимлик, фаҳм-фаросатлилиқ, ўткир хотира, идроклилиқ, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиш, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олижаноблик, бойликка нафрат, адолатпарварлик, қатъийлик.

2.Топшириқ. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида қўлланган ўхшатишларни топиб таҳлил қилинг.

Сўзни ҳамиша сир сақлаш жоиз, сақланмаган сўз ўлимга ёндоштиради. Кишининг оғзи ўрага қиёс.

Эл-юрт эшитгандан кейин бу сўзларни пардалаб бўлмайди. Киши сўзласа, оғзидан гоҳо ўт, гоҳо сув чиқади, уларнинг бири яшнатади, бири эса ишларни бузади. Кераксиз сўз ёнар ўт мисолидир, уни оғзингдан чиқарма, чиқарсанг у аввал ўзингни куйдиради.

Ширин ва ўзга сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади.

Сир сақланиши керак бўлган сўзларнинг жойи-дилнинг туби:

Кўнгил сирин асра, чиқарма сирин,
Чиқарсанг мўл этар кўнгилнинг кирин.
Қизил тил қора бош ёви беаёв,
Ёвин ким тутеди, бетушов, эмин?!

Тилингни кўдазгил, тишинг синмасун.

3.Топширик. Аҳмад Югнакийнинг қуйидаги тўртликларини изоҳлаб беринг.

Хирадликму бўлур тили буш киши.
Телим башни еди бу тил, сўз буши.
Ўчуктурма эрни тилин бил бу тил,
Башақ турса бутмас, бутар ўк баши.

Сафиҳ эр тили ўз баши душмани,
Тилиндан тўкулди телिम эр қани.
Ўкуш сўзлаганда ўкунган телим,
Тилин беклаганда ўкунган қани.

Аҳмад Югнакий қуйидаги шеърий парчада сўзни нимага ўхшатган?

Кўни сўз асалтег, бу ялған-басал,
Басал еб ачитма ағиз, е асал.
Бу ялған сўз игтег, кўни сўз-шифа,
Бу бир сўз ўзағи урулмиш масал.

“Қутадғу билиг”дан олинган қуйидаги парчаларни изоҳлаб беринг.

Тил арслон турур. Кўр, эшикда ятур,
Ая эвлуг, арсиқ бошингни еюр.

Э Юсуф, керак сўзни сўзла кўни,
Кераксиз сўзуг кезла, қилға қўа.????

Сўзингни асрагин, башинг бармасун,

4.Топширик. Матнни ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

Сут билан кирган жон билан чиқар

Бир куни бир тошбақа дарё қирғоғида турар экан, чаён чиқиб келди. Чаён дарёнинг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлди-ю, жасорати етмади, кўркди. Тошбақага ёлбора бошлади:

-Дўстим тошбақажон, мени елкангда дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиб қўйсанг. Илтимос, ўтиниб сўрайман, нима қилишни билмай бошим қотиб қолди. Бу яхшилигингни ҳеч унутмайман, умрбод сендан миннатдор бўламан.

Тошбақа:

-Биродар, сенга ишонмайман. Менинг яхшилигимга ёмонлик қайтарасан, деб қўрқаман. Йўқ, ўтказиб қўёлмайман,-деди.

-Чаён:

-Ўтиниб сўрайман, қўлингни, оёғингни ўпайин. Мендан яхшилигингни аяма, мен ҳам бир кун сенга яхшилик қиламан,-деб ширин сўзлаб ёлборди.

Тошбақа чаённинг ширин сўзлари ва ёлборишига эриб кетиб, елкасига чиқариб олди. Дарёдан сузиб ўтиб, энди қирғоққа оёқ босмоқчи бўлаётган эди, чаён чаёнлигини қилиб, заҳарли игнасини тошбақага санчди. Бечора тошбақа, яхшилик қилиб, ёмонлик кўрди. Фарёд солиб чаёнга қичқирди:

-Хоин, нима қилдинг? Сендан ёмонлик кўриш учун яхшилик қилганмидим? Ваъданг қаерда қолди? Ёлборган эдинг-ку! Яхшилик, дўстлик, қариндошликдан лоф урган эдинг-ку. Нима бўлди? Қани у ширин сўзлар? Менга ёмонлик қилган, деб дарёдан ўтказиб қўйдимми?

Бадфеъл чаён унга жавобан:

-Бу бадфеълimgа эътибор берма, дўстим. Бу ёмонлик мендан эмас, у қонимда бор. Бу ёмон феълimgа сенга айтмаган эдим, қандай ҳам айтардим?-деди.

Саволлар:

1. Нега чаён дарёнинг нариги қирғоғига сузиб ўтолмади?
2. У тошбақага нима деб ёлворди?
3. Нега тошбақа “ менинг яхшилигимга ёмонлик қайтарасан” деди?
4. Тошбақа чаённинг берган сўзларига ишондими?
5. Чаён ваъдасида турдими?
6. Нима учун чаён: “бу ёмонлик мендан эмас, у қонимда бор” деб жавоб беради?



9. Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

9. 1. Буюк алломаларнинг нутқ ва тил ҳақидаги фикрларини биласизми?
2. Берунийнинг грамматикага оид фикрларида қандай илмий ғоялар илгари сурилган?
3. Нотиклик ҳақида Абу Али Ибн Синонинг маслаҳатларини айтиб беринг.
4. Абу Наср Форобий мазмундор ва гўзал нутқ тузишда қайси фанларни билиш кераклигини айтади?
5. Кайковуснинг сўз ҳақида қандай фикрлари бор?
6. Юсуф Хос Ҳожиб бекларни ҳам, тилни ҳам арслонга ўхшатади? Нима учун?
7. Аҳмад Югнакий “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарининг нечанчи бобида тил, нутқ одоби ҳақида фикр юритган?

8. Алишер Навоийнинг нотиклар ва сўз қудрати ҳақидаги фикрларидан келтира оласизми?

9.3. М. Бобур хатида қандай илм ҳақида фикр юритган?

9.2. Топширик. Румийнинг қуйидаги ҳикматли гапларини изоҳланг.

1. Кўзгуда ҳамма нарса тескари кўринади. Аммо биз кўзгусиз ўзимизни ҳеч қачон кўролмаган бўлардик.

2. Сен менга сўз ожиз дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзнинг ожизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам ожиздир.

9.3. Топширик. “Илм бойликдан устундир”, “Инсон тавозели бўлмоғи керак”, “Бошқани кўриб, ўз ҳолингга шукр қил”, “Ўзинг суймагани бошқага раво кўрма” мавзуларидан бирини танлаб матн тузинг ва сўзлаб беринг.



10. Топшириқлар: Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

10.1. Қуйида берилган матнга ўз муносабатингизни билдиринг ва “Ҳалимлик қандай фазилат?” мавзуида эссе ёзинг.

Ҳалимлик – юмшоқ муомалалик, дунё ишларида ғазабланмаслик одам фарзанди учун энг гўзал фазилатлардан бири. Одам бу фазилатлардан узоқ бўлса, яъни жаҳлини жиловлай олмаса, ғазаб ақлдан устун келади ва оқибат гуноҳ ишлардан ўзини тўхтатишга ожиз бўлади. Бошқаларга, айти дамда ўзига зиён етказади. Жаҳл туфайли қалбда ғалаён кўтарилиб, васваса кучаяди. Дастлаб ичкарида бошланган ғалаён ташқи кўринишга кўчади в инсоннинг афт-ангори кўрқинчли тус олади. Нафрат милтиғини ғазаб ўқлари билан ўқлаб, энди тепкини босаман, деб турганда ақл ҳайкириғига қулоқ тутиш ва бу милтиқни улоқтириш – жасоратдир. Ҳасан Басрий ҳазратлари айтганлар: “Э, Одам фарзанди! Ҳар ғазабланишинг бир сакрашдир. Ҳар сакрашинг сени дўзах томон элтади. Яна бир сакрасанг, жаҳаннамга қулайсан”. (Т.Малик. Кўнгил нимадан қораяди, 43-бет)

10.2. Марказий Осиё нотиклари бўйича матн тўплаш ва сўзлаб бериш.

10.3. Марказий Осиё нотикларининг нутқ одоби, сўзлаш қоидалари, муомала маданияти ҳақидаги фикрларини тўплаб ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

10.4.Топширик. Қуйидаги тест саволларининг тўғри вариантларини топинг.

1.Қайси олим гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика, мантик фанларининг аҳамияти катта деб айтади?

- А)Беруний
- Б)Форобий
- В)Абу Али ибн Сино
- Г)М.Кошғарий

10.2.Тест устида ишлаш.

2.Қайси олим нутқнинг икки хил-наср, назм кўриниши борлигини таъкидлайди?

- А)Беруний
- Б)Форобий
- В) М.Кошғарий
- Г)Юсуф Хос Ҳожиб

3.”Мафотих ул-улум” (Илмлар калити) номли асар кимга тегишли?

- А)М.Кошғарий
- Б)Беруний
- В) Форобий
- Г)Ал-Хоразмий

4.Қайси муаллиф “ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб атаган адабий парчалар ҳақида гапириб ўтган?

- А)М.Кошғарий
- Б)Юсуф Хос Ҳожиб
- В) Кайковус
- Г)А.Югнакий

5.М.Кошғарийнинг “Ума келса, қут келар” мақолининг мазмуни тўғри берилган қаторни топинг.

- А)меҳмон келса, барака келар
- Б)куз келса, ҳосил келар
- В) меҳнат қилсанг, рихсинг келар
- Г)тинчлик бўлса, бахт келар

6.Кайковуснинг “Қобуснома” асари неча бобдан иборат ва нечанчи бобида суҳандонлик ҳақида гапирилган?

- А) 43 бобдан, 3-бобида
- Б) 44 бобдан, 5-бобида
- В) 46 бобдан, 7-бобида
- Г) 44 бобдан, 7-бобида

7. А. Югнакий ижодида ишлатилган “Кўни сўз” маъносини топинг.

- А) тўғри сўз
- Б) аччиқ сўз
- В) ёлғон сўз
- Г) фойдали сўз

8. Шеъринг парча кимга тегишли?

Сафих эр тили ўз боши душмани
Тилингдан тўкулди телим эр қони
Ўкум сўзлаганда ўкунган телим,
Тилин беклаганда ўкунган қани

- А) А.Югнакий
- Б) Юсуф Хос Ҳожиб
- В) М.Кошғарий
- Г) Ал-Хоразмий

9.”Қутадғу билиг”нинг нечанчи бобида тил одобини ҳақида гапирилган?

- А) 5-бобида
- Б) 3-бобида
- В) 10-бобида
- Г) 7-бобида

10. “Билгилким, ҳамма хунардан сўз хунари яхши”, “Киши суҳандон ва нотик бўлиши керак”-деб ким айтган?

- А) Кайковкс
- Б) Юсуф Хос Ҳожиб
- В) М.Кошғарий
- Г) А.Навоий.

Саволлар:

1. Буюк алломаларнинг нутқ ва тил ҳақидаги фикрларини биласизми?
2. Берунийнинг грамматикага оид фикрларида қандай илмий ғоялар илгари сурилган?
3. Кайковуснинг нотикликка қўшган ҳиссаси ҳақидаги фикрларингиз?
4. Алишер Навоийнинг нотиклар ва сўз қудрати ҳақидаги фикрларидан келтира оласизми?
5. З.М.Бобур хатида қандай илм ҳақида фикр юритган?

Глоссарий

Мутафаккир—чуқур фалсафий фикрлаш истеъдодига эга бўлган киши, тафаккур эгаси.

ахлоқий — муомала, хатти-ҳаракат одоби.

маънавият — инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш.к. тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи.

маърифат —таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, диний, фалсафий ғоялар асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган фаолият.

эътиқод— ишонч, ишониш; кўнгилда тасдиқлаш; имон, маслак.

хулқ - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи.

сарф - морфология

наҳв —синтаксис

дидактик адабиёт — ибратли, таълим берувчи адабиёт, ўғит-насихат берувчи адабиёт.

мантиқ —тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

Адабиётлар:

- 1.Бобур. Бобурнома. —Т.:Юлдуз, 1960.
- 2.Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. — Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. —Тошкент: Фан, 1971; 2015.
4. Аҳмад Югнакий. Ҳибат-ул-ҳақойиқ. -Т., 1971.
- 5.Қаюмов А. Қадимият обидалари. —Т.:Адабиёт ва санъат, 1972.
- 6.Беруний. Ҳикматлар. —Т.:Ёш гвардия, 1973.

7. Беруний. Тўпланган асарлар. III том, 1982.
8. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. –Т:Адабиёт ва санъат, 1979.
9. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. –Т.:.
10. Беруний. Танланган асарлар. -Ж.III. –Т., 1982.
11. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари.-Тошкент:Ўқитувчи, 1982.
- 12.Тоҳир Малик. Кўнгил нимадан қораяди, Тошкент, 2014, 43-бет.

5-МАВЗУ: Уйғониш даврида воизлик санъати (Ваъз ва воизлик ҳақида)

1. **Дарснинг мақсади:** Талабалар онгида уйғониш даври нотиқлари хусусида, шунингдек, ваъз ва воизлик санъатининг назарий томонларини шакллантириш ҳамда амалда қўллай олиш малакасини ҳосил қилиш.

2.Режа:

- 1.Шарқ воизлик санъати тарихи.
- 2.Алишер Навоийнинг воизлар ҳақидаги фикрлари.
- 3.Хусайн Воиз Кошифийнинг воизликка қўшган ҳиссаси.
- 4.Шарқ воизларининг нотиқлик маҳорати.
5. Муин Воизнинг нотиқликка қўшган ҳиссаси.
- 6.“Қобуснома” асарида нутқ одоби масалалари.

3.**Таянч сўзлар:** ваъз, воиз, нотиқлик, сўз санъати, панд-насихат, нутқ одоби, сўз санъаткори, маънавий олам, суҳбат одоби, мулоқот одоби, тўғри сўзлаш, ростини айтиш қодалари.



4. **Эслаб қолинг.** 1. Воиз – арабча “ваъз” сўзидан олинган бўлиб, “даъват” маъносини англатади. Воиз одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахсни билдиради.

2.Ўзбек халқи IX-XV асрларда дунё маданияти тараққиётида олдинги сафлардан бирига кўтарила олган эди. Умуман, ўрта асрларда фан ва маданиятнинг ривожига Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Кошғарий, Навоий каби улуғ сиймолар катта ҳисса қўшганлар. Улар яшаган давр Шарқ тарихида Уйғониш даври ҳам деб юритилади.

3. Қадимги Шарқда (9- асргача) воизлик вазифасини шоҳлар, халифалар бажарган. Улар жума кунлари, ҳайит ва бошқа байрамларда жамоани йиғиб, давлат сиёсати, фуқароларнинг мажбурият ва бурчлари, бошқа мамлакатлардаги вазият, душманларнинг кирдикорлари, мудофаа масалалари ҳақида ва бошқа мавзуларда ваъз айтганлар. IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидаги махсус сўз усталарига юклаб, уларни воизлар деб атаётганлар. “Воиз” сўзи ҳатто уларнинг исми-шарифларига қўшиб айтилган ва ёзилган. Марказий Осиё воизлик санъати хазинасига даставвал Баҳовуддин Валад, Жалолиддин Румий, Хусайн Кошифий, Муин Воиз каби сўз усталари катта ҳисса қўшганлар.



5. Ёдда тутинг. 1. XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисоалар ёзилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг “Авбоб ул-жинон”, Воиз Казвинийнинг “Зилолу мақол”, Воиз Ширвонийнинг “Аҳсан ул-аҳодис”, Муҳаммад Воизнинг “Ҳидоят ул-тақвим”, Қурайш Саидийнинг “Анис ул-воизин”, Воиз Самарқандийнинг “Равозат ул-воизин”, Қози Ўшийнинг “Мифтоҳ ул-нажжих”, Воиз Кошифийнинг “Даҳ мажлис”, “Махзан ул-иншо” каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, муҳаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён қилинган. Тарихнавис Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, “Мантиқ ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Хамса”, “Чор девон” асарларида; Зайнуддин Восифийнинг (15 аср) “Бадое ул-вақое”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” рисоласида атоқли воизларнинг маҳорати, исътеъдоди, ваъзхонлик услублари ҳақида мулоҳазалар юритилган.

2. Тарихчиларнинг маълумотига кўра, соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Мирзо Улуғбек каби давлат арбоблари воизлик санъатини пухта эгаллаб, ўз фаолиятларида ундан моҳирона фойдаланганлар.

3. Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган ва уч хил номланган:

- 1) юқори табақа аъёнлари ва зодагонлари учун мўлжалланган бўлиб, султониёт;
 - 2) жанггоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланган бўлиб жиҳодия;
 - 3) оддий фуқаролар учун мўлжалланган бўлиб ғарибона деб юритилган.
- Султониётда- ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган; улар кўкларга кўтариб мақталган, яъни шахсга сиғиниш, хушомадгўйлик, лаганбардорлик ўз ифодасини топган; жиҳодия- жанговарлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фодойилик, ватанпарварлик улуғланган, барча жиҳодга чақирилган; ғарибонада эса-меҳнат аҳлини итоаткорликка, ювошликка чақириш кабилар ифодаланган. Ҳар бирининг ёзилиш, ўқилиш, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули, оҳанги ҳам ҳар хил бўлган.



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва уқиб олинг.

6.1. “Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсидир, деб сўрасалар, Худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз, деб жавоб

бергил,” — дейди Ҳусайн Воиз Кошифий.

6.2. Ҳусайн Воиз Кошифий тилни сақлаш лозим бўлган ҳолатларни қуйидагича кўрсатади:

1. Ёлғон гапиришдан, зеро, ёлғончи худонинг душмандир.
2. Ваъдага ҳилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан.
3. Ғийбат ва бўхтон гаплардан (чунки бўхтон фосиқлар ишидир).
4. Беҳуда баҳсу мунозарадан, айб қидиришдан ва гап ташишдан (бўлар шайтон васвасасига киради).
5. Ўзини мақташ ва таърифлашдан (бу худбинликка олиб келади).
6. Навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан.
7. Қарғашдан, дуойибад қилишдан (чунки бу жону дилнинг офатидир).
8. Мазах-масҳара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан.

6.3. Алишер Навоий: Мавлоно Риёзий ҳақида шундай фикр берадилар: “... ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиғлаб важди хол қилур эрди”, — дейди.



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Берилган матнни диққат билан ўқинг. Рост гапириш ва ваъдага вафо қилиш ҳақида фикрларингизни изоҳланг. Саволларга жавоб беринг.

Рост гапиришнинг хосиятлари

Абдуқодир Гилоний болалигида ўқишга бориш учун онасидан рухсат сўради. Онаси рухсат берди, фақат қаерга бориб ўқишини сўради. Ёш Абдуқодир онасига ўша пайтларда Ислом дунёсининг илм-маърифат маркази бўлган Бағдодга бориб ўша ерда ўқимоқчи бўлганлигини айтди. Онаси рози бўлди. Онаси кичкина Абдуқодирни жуда севар, ундан айрилиши қийин бўлса ҳам, Аллоҳ йўлида илм ўрганиши уйда ўйнаб юришидан яхшироқ деб тушунди ва ўғлининг тўнини ичига тушиб қолмасин ва йўқолмасин деб, қирқ олтин тикиб қўйди. Ўғлига: “Ўғлим, ҳеч ёлғон гапирма. Мусулмонлик тўғрилиқ динидир, тўғрилиқдан айрилма деб насихат қилди.

Шундан кейин она-бола хайрлашдилар, ёш Абдуқодир бир карвонга қўшилиб йўлга чиқди. Йўлда карвон қаршисидан олтмишта отлиқ чиқиб тўсди. Булар йўлтўсар, карвонларни талайдиган қароқчилар тўдаси эдилар. Кўпчиликни ўлдирдилар. Қароқчилардан бири боладан нимаси борлигини сўради. Бола ёлғон гапирмаслик ҳақида онасига берган сўзини хотирлаб: “Қирқ олтиним бор”,-деди. Қароқчи бу бола мени алдаяпти деб ўйлаб ундан нари кетди. Кейин бошқа бири келди: “Эй бола, қанча пулинг бор?”-деб сўради. Бола яна ўша гапни қайтариб: “Қирқ олтиним бор”,-деди. Юпун кийинган бу болада

қирқ олтин нима қилади, у мени алдаяпти, деб ўйлаб у ҳам нари кетди. Кейин учинчи йўлтўсар келиб: “Қанча пулинг бор, бола?” деб сўради. Унга ҳам: “Қирқ олтиним бор”, деб жавоб берибди. Қароқчи болани кўлидан ушлаб бошлиқлари олдига олиб борди ва: “бу бола қирқ олтиним бор деяпти”,-деди. Қароқчилар бошлиғи “олтининг қани” деб сўради. “Тўним ичида” деб жавоб берди бола. Бош қароқчи буйруғи билан тўнни йиртиб кўришди, ҳақиқатан унинг ичидан қирқ олтин чиқди. Қароқчилар бошлиғи ҳайрат билан: “Нега тўғрисини айтдинг, ёлғон гапирганингда олтинларингни қутқариб қолардинг”,-деди.

Ёш Абдукодир, кулимсираб:

-Ҳеч ёлғон гапирмайман, деб онамга сўз берганман,-деб жавоб берди.

Кўзлари қон ва гуноҳга ғарқ бўлган қароқчиларнинг бошлиғи диққат ва синовчи бир назар билан Абдукодирнинг юзига тикилди. Бирдан қароқчининг кўзи очилди, ҳайрат ва ҳаяжондан кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиқиб юзига оқди ва меҳрибонлик билан:

-Қаранг, бу бола онасига берган сўзида турибди ва унга вафо қилмоқда! Мен эса шунча йиллардан бери Аллоҳимга хиёнат қилиб келаман. Бу йигитча менинг ҳалоскорим бўлди, мен барча разил ишларимдан тавба қиламан!-деди.

Қалби, қаҳри тошдай қаттиқ бошлиқларининг атрофидаги қароқчилар баробарига:

-Шу кунга қадар йўл тўсиб, одам ўлдириб қароқчилик қилишда бошлиғимиз эдинг, энди гуноҳларимизга тавба қилиш ва яхши, хайрли ишларда бизга бош бўл,-деб ҳайқирдилар.

Бошлиқларининг буйруғи билан карвонда кимдан нима олган бўлсалар қайтариб бердилар, карвон эсон-омон йўлида давом этди. Қароқчиларнинг тоғ қояларидек қаттиқ, тош қалблари юмшаб, тавба қилдилар. Қилган ёмон ишларидан пушаймон бўлдилар.

Эй, олижаноб қардошим! Бу-сўзида турадиган, ростлик, тўғрилиқдан айрилмайдиганларнинг мукофотидир!.. Барча йўлтўсарлар тўғри йўлга кирдилар, ёмон ишлардан воз кечдилар. Бир боланинг онасига берган сўзида турганлиги- барча бойлиги олиб қўйилган йўлчиларга бойликларини қайтариб берилишига, ўзларининг омон қолишларига сабаб бўлди. Бу тўғри сўзлик ва сўзга содиқ бўлишнинг келтирган яхшилиги, фойдаси ва мукофотидир.

Саволлар:

- 1.Нима учун она ўғлига: “Ўғлим, ҳеч қачон ёлғон гапирма” деб насиҳат қилади?
- 2.Бола онасига берган ваъдасида турдими?
- 3.Нега қароқчилар боланинг тўғри гапига ишонишмади?
- 4.Боланинг рост гапига нега қароқчилар тўдаси ҳайрон қолди?

5. Ёш боланинг ростгўйлигини, ваъдасида турганини кўриб қароқчилар бошлиғи қандай хулоса чиқарди?

6. Болага тарбияни қачондан бериш керак деб ўйлайсиз?

2-машқ. Берилган матни диққат билан ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

Ҳукмдор ва оқ от

Бир ҳукмдорнинг оқ оти бор экан. Ҳукмдор бу отни жуда севар экан. Бир куни у ҳамма амалдор ва аъёнларига:

-Бу отимнинг ўлими хабарини олиб келган одамнинг калласини оламан, эҳтиёт бўлинг, чунки бу оқ отни жуда қадрлайман. Унинг ўлгани тўғрисидаги хабар мени қайғуга солади,-дейди.

Кунлардан бир кун, ҳар нарсанинг охири бўлганидек, оқ отнинг ҳам ажали етди ва ўлди. Ҳукмдорнинг хизматидагилар саросимада қолдилар. Ҳеч ким ҳукмдорга саман отнинг ўлгани ҳақидаги хабарни айтишга ботинолмас эди. Отбоқар бошлиғига худди ажалини истагандай “мен унга айтаман, чунки айтсам ҳам, айтмасам ҳам бошим кетади”,-деди. Отбоқар ҳукмдорнинг олдига борди ва:

-Ҳукмдор, сизнинг оқ саман отингиз бор эди-я,-деди.

-Бор,-деди ҳукмдор.

Шунда отбоқар:

-Отингиз ётибди, оёқлари чўзилган. Кўзлари юмук, қорни шишган, ҳеч нафас олмаяпти,-деди.

-Эй, отбоқар! Оқ саман от ўлди демоқчисан шекилли? –дебди ҳукмдор.

-Ҳукмдорим! Мен бундай демадим, сиз шундай деяпсиз,- дебди отбоқар ва бошини қутқариб қолибди.

Саволлар:

1. Ҳукмдор оқ оти ҳақида ҳамма амалдор ва аъёнларига нима деди?

2. Аъёнлар оқ отнинг ўлими ҳақида нега ҳукмдорга айтолмадилар?

3. Ақлли отбоқар қандай йўл тутди?

4. Подшоҳ ўлган оти ҳақида нима деди?

5. Ҳукмдорнинг кўл остига одамларга бўлган муносабатини тўғри деб ўйлайсизми?

3-машқ. А.Навоийнинг сўз ҳақидаги қуйидаги мисраларини ўз сўзингиз билан тушунтириб беринг.

Жон бўлиб ул, руҳ анинг қолиби,

Ким танида рух, анинг толиби.

Тил бу чаманнинг варағи лоласи,
Сўз дулардин бўлубон жоласи...

Сўздин ўликнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин ҳалок.

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар они наздида доно рисанд.

4-машқ. Берилган матни диққат билан ўқинг ва ифвогарлик, ғийбат каби иллатларга бўлган муносабатингизни билдиринг. Саволларга жавоб беринг.

Ифвогарлик бир балодир

Бир одам кул сотиб олаётган эди, сотувчи: “Унинг бир айби бор, сўз ташувчи-ифвогар”, деди. Харидор: “Бунинг аҳамияти йўқ”, деб сотиб олди. Бир неча кун ўтганидан кейин кул уй соҳибининг хотинига “Сени эринг яхши кўрмайди, яқинда бир аёлга уйланиш ниятида. Мен сенга бир яхши маслаҳат берайми?”,-деди. Хотин: “Майли”-деди. “Эринг ухлаётганда устара билан унинг бошидаги сочидан кесиб ол, шунда уйлана олмайди”,-деди кул ақл ўргатиб, хотин рози бўлди. Кечки пайт уй соҳиби келганида унга: “Сенинг хотининг бошқа бир эркак билан ўйнашади, ундан қутулишни истайсанми?”-деди ва яна: “Кечаси ётганинда хотининг сени устара билан сўймоқчи бўлади, сен унинг ўзини ўлдир”,-деди.

Кечаси ётганларидан бироз вақт ўтгач, хотин туриб устара олиб келар экан, “эри у мени сўймоқчи”, деб хотинини ўлдиради. Хотиннинг қариндошлари уни ўлдирдилар, унинг қариндошлари хотинининг қариндошларини ўлдирдилар. Икки тараф бир-бири билан қир-пичоқ бўлди.

Ифвогарлик, гап ташиш инсонларни шу аҳволга солиб душман этадиган бир балодир. Ифводай бир ёмон фитна йўқдир. Фитнанинг катта-кичиги бўлмайди, кичигидан қочмаган каттасидан қутула олмайди.

Саволлар:

1. Нега харидор кулнинг сўз ташувчи, ифвогар эканлигини билса ҳам “бунинг аҳамияти йўқ” деб сотиб олди?
2. Уй соҳиблари нима учун кулнинг маслаҳатига рози бўлишди?
3. Ифвогарлик натижасида қандай ҳодиса рўй берди?

4. Ҳаётда бўлган шунга ўхшаш воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганмисиз?
5. Кимларни ифвогар деб ҳисоблайсиз?

5-машқ. Берилган матни диққат билан ўқинг ва саволларга жавоб беринг.

Ёмон феъл-жаҳаннамга олиб боради

Асҳоби Киром севимли Пайғамбаримиз (САВ) дан сўрадилар:

-Ё, Расуллоҳ! Бизнинг маҳаллада бир хотин бор. Кундузлари рўза тутаяди, кечалари уйғоқ, ибодат қилади. Фақат қўшнилари билан яхши муомалада эмас. Уларга хунук гаплар гапираяди. Бу аёл ҳақида нима дейсиз?-дедилар.

Расули Акрам (САВ):

-Ул хотинда ҳеч эзгулик йўқ. У жаҳаннамга борғувчидир,-дедилар.

Эй, жаннат йўлчиси! Расулуллоҳ(САВ) бир ҳадиси шарифларида “Ҳақиқий мусулмон ул кимсадирки, унинг қўлидан, тилидан ҳеч ким жабр кўрмайди”-деб марҳамат қиладилар.

Севимли Пайғамбаримиз (САВ)дан:

-Энг қимматли, қадрли мусулмон кимдир?-деб сўраганларида, Расулуллоҳ (САВ) юқоридаги ҳадисни келтириб:

-Бировга жабр қилмаган одамдир,-дедилар.

“Намоз ўқиган, рўза тутган одам”, демадилар.

Пайғамбаримиз (САВ) гўзал ахлоқ ўргатиш учун, яхши феълларни билдирмоқ учун келганлар. Гўзал ахлоқ, яхши феъл-атвор исломнинг асосидир. Фақат намоз, рўза билан иш битмайди. Намозсиз, рўзасиз ҳам яхши ахлоқ бўлмайди. Ҳар иккаласи биргаликда жаннатга йўл бошлайди. Бу ҳақиқатларни тўғри тушуниб, тўғри қўллашда ҳамма мусулмонлар учун кўп фойдалар бордир.

Саволлар:

1. Қўшнилари билан қандай муомалада бўлиш керак?
2. Нима учун Расулуллоҳ(САВ) бир ҳадиси шарифларида “Ҳақиқий мусулмон ул кимсадирки, унинг қўлидан, тилидан ҳеч ким жабр кўрмайди”-деб марҳамат қиладилар ?
3. “Энг қимматли, қадрли мусулмон кимдир?”-деб сўраганларида, Расулуллоҳ (САВ) нима деб жавоб бердилар?
4. Феъли ёмон деганда нимани тушунайсиз?



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

8.1.Топширик. Қуйидаги берилган муаммоли вазиятни ўқинг, тўғри вариантни танланг ва фикрингизни билдиринг.

1-вазият: Алишер Навоийнинг фикрича, воиз қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- 1.Воиз керакки “Қолаллоҳ” сўз айтса.
- 2.Ваъз бир муршид ва огоҳ ишидур ва анинг насиҳатин қабул этган мақбул кишидур.
- 3.Воизким, бўлғай олим ва муттақийанинг насиҳатидин чиққан шақий.
- 4.Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай.
- 5.Ўзи киргондин сўнгра насиҳат била элни ҳам кивурса. Юрумагон йўлга элни бошқармоқ-мусофирни йўлдин чиқармоқдур ва биёбонга кетурмак ва бодияда итурмақдур.
- 6.Воиз улдурки, мажлисиға холи кирган тўлғай ва тўла кирган холи бўлғай.

Муаммо: Воиз (нотик) қандай хусусиятларга эга бўлиши лозим? Бугунги кун нотикларига ҳам шу хусусиятлар тегишлими?

8.2-вазият: Эй фарзанд, билгилки, халойиқ уч турли бўлади, нутқ эса тўрт хил бўлади:

Халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади..., бири шуки, билади, билганини билмайди; бири шундайки, билмайди, билганини ҳам билмайди.

Сўз тўрт нав бўлади: биринчиси билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар, иккинчиси, билишга ва айтишга ҳожати йўқ сўзлар, учинчиси, билишга зарурати йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар, тўртинчиси билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар.

Бу тўрт хил сўзнинг икки томони бордир: бири гўзал томони, иккинчиси хунук томонидир. Сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил. Ҳамма вақт тўғри гапир, билмаган илмдан гапирмагин. Кўнгилларга севимли бўлишни истасанг, халойиқнинг мақсадини кўзла, ёлғонга ўхшаган ростни сўзламагил.

Муаммо: “Қобуснома” асарининг муаллифи сўз (нутқ) ва одамлар ҳақида нима деган?



9.Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун)

9.1.1-топширик. Саволларга жавоб беринг.

- 1.Қадимги шарқда IX асргача ва ундан кейин воизлик вазифасини кимлар бажарган?
- 2.XII асрдан бошлаб воизлик санъати назариясига доир қандай асарлар юзага келди?
3. Воизлик санъати неча шаклда бўлганлигини айтиб беринг.
- 4.Воизлик санъати тингловчиларнинг келиб чиқишига қараб неча турга ажратилган?
- 5.Воиз Иршод ҳақида нималарни биласиз?
6. Қози Ўшийнинг воизлик санъатига доир қандай асари бор?
- 7.Хожа Муайяд Меҳнагий ҳақида қандай маълумотлар бор?
- 8.Мавлоно Риезий ҳақида А.Навоий қайси асарида маълумот беради?
- 9.Кошифийнинг қандай асарлари бор ва унда нутқ одобига доир қандай маслаҳатлар берилган?
10. Муин Воизнинг нотиклиги ҳақида айтиб беринг.

9.2.Топшириқлар. Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

1.Топшириқ. Қуйидаги афоризмларни ёд олинг ва сўз хусусида эссе ёзинг.

- 1.Ақлли сўз дур-жавоҳирлару тож-тахтдан ҳам қимматлироқдир. (Фирдавсий)
- 2.Ҳақимнинг уч қуроли бор: сўз, гиёҳ ва тиф. (Абу Али Ибн Сино)
- 3.Сўз-либос. Маъно шу либос остига яширинган сир.(Жалолиддин Румий)
- 4.Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин. (А.Навоий)
- 5.Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар. (Замахшарий)
- 6.Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин. (Юсуф Хос Ҳожиб)
- 7.Ўқуб сўзла сўзни эва сўзлама,
Сўзунг қизла кедин, бошинг қизлама. (Аҳмад Югнакий)
- 8.Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,
Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор. (Саъдий Шерозий)
- 9.Сўз жою вақтига бўлар экан мос,
Сехру афсун учун у бўлар асос. (Абдурахмон Жомий)
- 10.Кўп бил-у,оз сўзла; кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди.(Кайковус)

9.2. Топшириқ. “Ёлғон ҳамма ёмонликнинг бошидир”, “Сабр, қаноат энг катта бойликдир”, “Яхшилик қилсанг, яхшилик кўрасан” мавзуларидан бирини танлаб, ҳаётий воқеалардан мисоллар келтириб матн тузинг, дафтарингизга ёзинг.

9.3.Топширик. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ишлатилган қуйидаги сўзларнинг маъносини изоҳли луғатдан топиб, маъносини билиб олинг.

Акобир, муҳожир, нужум, риёзиёт, баҳр, восил, дарранда, дахма, дилтанг, душвор, жунун, забун, мусаллас, чавгон, чокар, шиковарлик, ғуруб, тароҳхуш, таҳвил, набиз, муғилон, муждаҳид, истисқо, кариз, манзар, порсо, суруд, тарийқ, хар.



10.Топширик. Қуйидаги тест саволларининг тўғри вариантларини топинг.

1.Қадимги Шарқда воизлик неча шаклда бўлган ва номларини кўрсатинг.

- А) 3та:дабирлик, хатиблик, музаккирлик
- Б) 2та:сухандонлик, хаттотлик
- В) 4та:бадихағўйлик, воизлик, маддоҳлик
- Г) 3та:қиссағўйлик, воизлик, хатиблик.

2.”Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо” асарлари кимга тегишли?

- А) Воиз Казвиний
- Б) Воиз Самарқандий
- В) Қози Ўший
- Г) Воиз Кошифий

3. А.Навоийнинг қайси асарининг нечанчи фаслида воизлар ҳақида фикр юритилган?

- А) “Арбаин” 22-фаслида
- Б) “Муҳокамат ул луғатайн” 20-фаслида
- В) “Мантиқ ут тайр” 15-фаслида
- Г) “Маҳбуб ул-қулуб” 24-фаслида

4.Қози Ўший ҳақида ким ва қайси асарида маълумот берган?

- А) А.Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”
- Б) Муҳаммад Мажидий “Зайнат ул-мажолис”
- В) Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”
- Г) Зайниддин Восифий “Бадое ул-вақое”

5.”Мифтоҳ ул-нажжох”, яъни “Сўз калити” номли асар кимга тегишли?

- А) Воиз Иршодга
- Б) Қози Ўшийга
- В) Муин воизга
- Г) Воиз Кошифийга

6.Султониёт-қайси инсонларга мўлжалланган нутқ кўриниши ҳисобланади?

- А) жанггоҳлар иштирокчилари учун мўлжалланган
- Б) юқори табақа аъёнларига мўлжалланган
- В) оддий фуқаролар учун мўлжалланган
- Г) барча жавоблар тўғри

7.А.Навоий “...ваъз айтиб, минбарда ўз ашъорин ўқуб, йиғлаб важди ҳол қилур эрди”-деб кимни айтади?

- А) Мавлоно Риёзий
- Б) Меҳнагий
- В) Муин воиз
- Г) Воиз Кошифий

8.Нутқ одоби ҳақида ёзилган “Футувватномаи султоний” асари кимга тегишли?

- А) Қози Ўший
- Б) Меҳнагий
- В) Муин воиз
- Г) Воиз Кошифий

9.Агар сўзнинг қиммати-кадри бўлмаса, уни тилга олмасун, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг, униб чиқаверади. Нутқ парчаси кимга тегишли?

- А) А.Навоий
- Б) Меҳнагий
- В) Муин воиз
- Г) Воиз Кошифий

10. Тил бу чаманнинг варағи лоласи

Сўз дураридин бўлубон жоласи мисрасида А.Навоий тилни нимага ўхшатган?

- А) лола бағрига
- Б) боғдаги гулларга

- В) уфққа
Г) кафасдаги булбулга

11.Нотиқнинг сўзи билан иши бир бўлмоғи лозим. Акс ҳолда нутқнинг таъсири бўлмайди. “Улки буюриб ўзи қилмағай, ҳеч кимга фойда ва асар анинг сўзи қилмағай” Нутқ парчаси кимга тегишли?

- А) А.Навоий
Б) З.М.Бобур
В) Мавлоно Риезий
Г) Воиз Кошифий

Назорат саволлари:

1. Ваъз нима, воизлик нима?
2. Воизлик тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Ўрта Осиё воизларидан кимларни биласиз?
4. Алишер Навоийнинг воизлар ҳақидаги фикрларидан келтира оласизми?
5. Хусайин Воиз Кошифийнинг воизлик ҳақидаги фикрларини биласизми?
6. Кошифий “Футувватномаи султоний” асарида нутқ одоби масаласини қандай ёритган?
7. Муин Воизнинг ваъзлари қандай характерга эга бўлган?
- 8.Мавлоно Риезийнинг воизлиги ҳақида қандай маълумотларни биласиз?

Глоссарий

Ваъз- даъват, хитоб.

Воиз – исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахс.

Маддох – бирор шахс ёки нарса, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчи.

Сухандон – Сўзга чечан, турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс.

Бадихагўй – Сўзга чечан кишиларнинг шеърий йўсинда бирданига сўз, шеър ёки қўшиқ айтиши.

Хулқ - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи.

Хутба – жума ва ҳайит намозларида ҳамда катта диний маросимларда диний арбобнинг расмий нутқидир.

Қиссагўй – афсона, эртак ва дostonларни равон ва ифодали ўқийдиган киши.

Адабиётлар:

1. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.-Тошкент, 1982.
2. Бегматов Э., Турсункулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз. – Тошкент, 1992.
4. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. -Т., 1994.
5. Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.
6. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. -Тошкент, 2002.

6-МАВЗУ: Нотиқлик санъати турлари. Академик, диний, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, суд нотиқлик. Оғзаки ва ёзма нутқ

1.Дарсининг мақсади: Талабалар онгида нотиқлик санъати турларининг илмий ва назарий томонларини шакллантиришдан ҳамда шу нутқ турларида матн туза олиш малакасини ҳосил қилишдан иборат.

2.Режа:

1. Нотиқлик санъати турлари.
- 2.Ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг нутқий кўринишлари.
- 3.Академик нотиқликнинг нутқий кўринишлари.
- 4.Суд нотиқлиги.
- 5.Ижтимоий-маиший нотиқлик.
- 6.Шарқ нотиқлиги турлари ҳақида.
7. Оғзаки ва ёзма нутқнинг аҳамиятли жиҳатлари.

3.Таянч сўзлар: нотиқлик турлари, нутқ кўринишлари, ижтимоий-сиёсий нотиқлик, ижтимоий-маиший нотиқлик, академик ва суд нотиқлиги, мадҳия, таъзия ва табрик нутқи, илмий нутқ, илмий шарҳ, қораловчи нутқи, оқловчи нутқи.



4. Эслаб қолинг. Нотиқлик турлари ҳам ўз нутқ кўринишларига эга.

1.Ижтимоий-сиёсий нотиқлик

Ижтимоий-сиёсий нотиқликнинг қуйидаги нутқ кўринишлари мавжуд:

- 1.Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий мавзудаги нутқ.
- 2.Сессия, конференциядаги нутқ.
- 3.Сиёсий нутқ.
- 4.Дипломатик нутқ.
- 5.Сиёсий шарҳ.
- 6.Ҳарбий ватанпарварлик нутқи.
- 7.Митинг нутқи.
- 8.Илмий-оммабоп нутқ.

2.Академик нотиқлик:

- 1.Ўқув юртлари маърузалари.
- 2.Илмий нутқ.
- 3.Илмий шарҳ.
- 4.Илмий ахборот.

3.Суд нотиқлиги:

- 1.Қораловчи нутқи.
- 2.Жамоатчи-қораловчи нутқи.
- 3.Оқловчи нутқи.
4. Жамоатчи-оқловчи нутқи.
5. Ўз-ўзини ҳимоя қилиш нутқи.

4. Ижтимоий-маиший нотиқлик:

1. Мадҳия (юбилей ёки мақтов нутқи)
- 2.Таъзия (мотам) нутқи.
- 3.Табрик нутқи (тост)

5. Диний нотиқлик:

1. Хутба.
2. Ваъз.



5. Ёдда тутинг. Диний нотиқлик Нотиқлик санъати маҳорати қадим тарихга эга бўлиб, бу санъат ғарбда ҳам шарқда ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турган ва даврлар оша шаклланиб борган. Шарқда нотиқлик санъатининг қуйидаги кўринишлари мавжуд бўлган:

Оғзаки нутқ

1. Воизлик.
2. Нотиқлик.
3. Сухандонлик.
4. Қиссагўйлик.
5. Бадиҳагўйлик.
6. Аскиячилик.
7. Маддохлик.
8. Қироатхонлик

Ёзма нутқ

- 1.Дабирлик.
- 2.Муншийлик (мирзолик)
- 3.Хаттотлик.

1.Хутба мусулмон давлатларида кенг тарқалган диний нутқ кўринишларидан бири бўлиб, узоқ тарихга эга. Хутба нутқи диний арбобнинг жума ва ҳайит намозларида ва бошқа диний маросимларда айтиладиган расмий нутқидир.

Хутба нутқлари таркибан қуйидаги тузилишга эга бўлган:

- 1)ҳамд ва наът (оллоҳ ва пайғамбар шаънига мадҳия);
- 2)хутбаи аввал (диний пандлар);
- 3)хутбаи сония (информация);
- 4)хулоса.



6.Билиб олинг. Табрик нутқи қадимдан мавжуд бўлган нутқ кўринишларидан бири ҳисобланади. Табрик нутқлари 2 кўринишда бўлади:

1.Расмий-дипломатик табрик нутқи.

2.Кундалик-маиший табрик нутқи.

Расмий-дипломатик табрик нутқи давлат аҳамиятига эга бўлган анжуманларда йирик сиёсий арбоблар томонидан сўзланадиган нутқ бўлиб, мазмун жиҳатдан табрик билан халқаро аҳволга, турли мамлакатлар ва давлатларнинг ўзаро муносабатларига доир масалаларни қисман ёки умумий тарзда ёритишга бағишланган бўлиши мумкин. Айниқса, мустақилликдан кейин йирик давлатлар сиёсий арбобларининг расмий ва норасмий ташрифлари туфайли табрик нутқларининг халқаро аҳамияти ортиб бормоқда. Шу дўстона жараёнда қанчадан-қанча кескин масалалар мўътадил тус олади, баъзи муаммолар бартараф этилади, халқлар ва давлатларнинг ўзаро яқинлашувига, мавжуд муаммоларнинг тинч-тотув ҳал қилинишига замин яратилади. Бу типдаги табрикномаларда феъл + -гай шакли фаол қўлланилиши кузатилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий тилакларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, қодир Аллоҳдан бундай қутлуг айёмни мусулмонларга такрор насиб қилишини, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатингиз ва унинг саховатли халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ,
Қувайт Давлати Амири

Кундалик-маиший табрик нутқларига зиёфатлардаги табрик нутқлари, тўй-ҳашамлардаги муборакбод кабилар киради. Нутқнинг бу кўриниши вазият тақозосига кўра хилма-хил мазмунга ва ҳажмга эга бўлиши мумкин. Табрик нутқлари чиройли, силлиқ ва бадий безакларга бой ҳолда тузилади ва уларни сўзга уста нотик оғзидан эшитиш катта завқ-шавқ бағишлайди.

Ҳар иккала табрик нутқи ёзма матнга эга бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин расмий дипломатик нутқлар кўпинча ёзма матнга эга бўлса, кундалик-маиший матнлар эса бадиҳа характериға эга бўлади.



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Қуйидаги матн нотикликнинг қайси тури ва кўриниши эканлигини аниқланг. Муайян нутқ турида ишлатилган тил бирликларини изоҳланг.

*Ўзбекистон Қаҳрамони,
халқ ёзувчиси Саид Аҳмадга*

Муҳтарам Саид Аҳмад ака!

Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ кун – табаррук 80 ёшингиз билан қутлаймиз.

Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равнақиға улкан ҳисса қўшган бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Юртимизда сеҳрли қаламингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, сахна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Миллатимиз руҳининг бадиий ифодаси бўлмиш “Уфқ” романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намоиш этилаётган “Келинлар қўзғолони” драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда ажодларимиз кўрсатган матонат ҳақида Сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу одам яхши ният йўлида сабру қаноат билан меҳнат қилса, албатта, бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Қадрли Саид Аҳмад ака!

Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг.

Чексиз эҳтиром ила

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти

2-машқ. Қуйида берилган табрик нутқларининг бошланишини ўзингиз тузинг.

1. Барча ўйлаган ниятларингизга етинг. 2. Ушбу хонадон сизга бахт келтирсин. 3. Бахтимизга ота-онамиз соғ-саломат бўлишсин. 4. Ҳаётингиз асалдек ширин, зилол сувдек тиниқ бўлсин. 5. Илмий ишингизда янада улкан муваффақиятлар тилайман. 6. Болалар тарбияси билан шуғулланаётган устозларга тасаннолар.

3-машқ. Қуйида берилган матнни ўқинг. Н.Жумахўжа ўғлининг оғзаки ва ёзма нутқ ҳақидаги фикрларига қўшилассизми? Оғзаки ва ёзма нутқни ВЕНН диаграммаси асосида тушунтиринг.

“Иншо” сўзини ўқир экан, кўпчилик гап мактаб таълими ҳақида деб ўйлар. Ўй, гап миллий тафаккур тарзимиз ҳақида. Нутқни ёзма равишда баён этмоқ – иншо демакдир. Асли бу ҳам нотиқлик санъатининг бир қирраси, санъат ичра санъатдир. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган бирор нотиқни учратиш қийин. Зеро, нотиқларнинг ҳеч бири ёзма нутқни сайқал топтирмасдан чинакам санъаткор даражасига кўтарилмаган бўлса керак. Қадим-қадим замонлардан иншо санъатига жуда катта эътибор берилган. Энг оддий мактублардан тортиб ҳикоя, қисса, роман, эпопея, ҳатто, мураккаб услублардаги илмий асарларгача – барча ижодий тафаккур маҳсулларининг онаси иншо санъатидир.

Ёзма нутқ билан оғзаки нутқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган нотиқ нутқининг ривожига суи, сайқал топиши қийин кечади. Унинг сўз бойлиги ва ифода имкониятлари чекланган бўлади. Иншо машқларида тобланмаган нутқнинг услуб ғализлиги, тафаккур даражаси саёзлиги, суръати секинлиги, яққол сезилиб туради. Ёзма нутқ оғзаки нутқнинг равиш топишига муҳим омил сифатида хизмат қилади. Айни пайтда оғзаки нутқ ҳам ёзма нутқнинг ривожига ижобий таъсир этади. Нотиқнинг фикри ўйлари, қалб кечинмалари ёзма нутқ жараёнида роса ишланади, пишиб мумтоз даражага етади. Сўнг оғзаки нутқда жамол кўрсатади. Оғзаки нутқ ҳам ижод жараёни. Унда ҳам инсон фавқуллодда ноёб фикр-ғояларни, бадиий ифодаларни кашф этади. Уларни сўзлаб юриб ёзма нутқда териб ёзади. Шунинг учун аввалдан мактабларда ёзма иш ва синовнинг асосий турларидан бири сифатида иншо жуда тўғри киритилган. Оғзаки нутқ сўзлаганда ҳар қандай маҳоратли нотиқ ёзаётганидек хотиржамлик билан чуқур ўйлаб фикр юритолмайди. Ёзма нутқ билан муттасил шуғулланадиган нотиқ эса ўйлаб гапиришга одатланиб қолади. Узоқ машқлар натижасида, инсоннинг ёзма тафаккур тарзи билан

оғзаки тафаккур тарзи мувофиқлашади. Ҳозир иншо машқларига эътибор камайиб кетди. Иншо синовлари ўрнини тест синовлари эгаллади. Бу нотиқлик санъати учун муаммодир. Шунинг учун кейинги вақтда кўзга кўринган назаркарда нотиқлар етишиб чиқмаяпти. Оддий ўқувчидан тортиб раҳбарлик лавозимларида ишловчи шахсларгача ёзиш деса зириллайди. Афсуски, пул муомаласи ҳақида кўп ўйлаймиз, лекин сўз муомаласи ҳақида ўйламаймиз. Аслида эса, пул ҳам, сўз ҳам бойлик. Пул – моддий бойлик, сўз эса маънавий бойликдир.

Ёзувчи ёзма машқларда сўзнинг янгидан-янги маъно ифодалаш имкониятларини излаб топади ва амалда қўллайди. Унинг услубида сўз ва ифода танқислиги умуман учрамайди. Оддий нотиқ бир сўзни доимо бир маънода қўлласа, ёзма машқи кучли бўлган нотиқ бир сўзни ўн хил маъно товланишларида қўллаши мумкин. Иншо машқида тобланган нотиқ гапираётган чоғида ифодаламоқчи бўлган фикрига сўз излаб, муносиб сўзни тополмай қийналмайди. Чунки ёзма машқлар мобайнида унинг хотираси айтилмоқчи фикр туғилиши билан, унинг ифодаси учун зарур сўзни аниқ ва тезкорлик билан топиб беришга компьютердек мослашган бўлади. Нутқ жараёнида бундай нотиқнинг хотирасида керакли сўзлар маънодошлар қатори автомат магазинидаги ўқлардек тайёр тизилиб туради. Нотиқ улардан энг муносибини яшин тезлигида танлаб ишлатади. Ёзма малакаси бўлмаган нотиқнинг эса сўз жамғармаси камбағал, хотираси паришон бўлади. У сўзлаётганда керакли сўзни тополмай қийналади. Нотиқ шошилинич изланаркан, ҳаяжонланади, довдирайди. “Ҳалиги”, “Ҳалиги сингари”, “Нима эди?”, “Нима десам экан?”, “Демоқчиманки”, “... э-э-э”, “...э,э,э” каби нутқий ортикчаликлар шундан келиб чиқади. Нутқнинг сифати бузилади, таъсирчанлиги пасаяди, нотиқнинг обрўи тушади. Нотиқлик маҳорати маъно ифодалашда нишонга беҳато уриш санъатидир. Фикрга мос ифодани ўз вақтида топиб қўлламаган нотиқ мўлжалдан, албатта, адашади. Нотиқлик санъатини иншо машқлари тарбиялайди. Мантиқий изчиллик ҳам иншо машқлари самарасидир.

4-машқ. Компьютер, интернет, уяли алоқа, видеотелефонларнинг пайдо бўлиши билан оғзаки ва ёзма нутқ ўртасидаги муносабат ўзгардими? Фикрингизни хат шаклида баён қилинг.



8.Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар.

8.1.Топшириқ. Қуйида берилган бандлар бўйича бирорта нотиқ нутқини таҳлил қилинг. Нотиққа маслаҳатлар беринг.

1.Мавзу ва мақсад (долзарбми, ўринлими, қониқарлими?)

- 2.Кириш (жалб қилувчи усулларни қўладими?)
- 3.Асосий қисм (Режа тузилганми, материал бошидан охиригача мавзуга тааллуқлими?)
- 4.Хулоса (Хулоса қилиндими?)

2.Топшириқ. Ўзингиз қуйида берилган нотиқлик турлари бўйича нутқ тузинг. Тузган нутқингизга сарлавҳа қўйинг ва сўзлаб беринг.

- 1.Мақтов нутқи тузинг.
- 2.Ташвиқот нутқи тузинг. Ушбу нутқни тузиш қоидалари:
 - 1)нутқ ҳиссий таъсирчанликка эга бўлиши керак;
 - 2)қисқа ва образли иборалар қўлланилиши лозим;
 - 3)ўртадан юқори овозда гапириш керак;
 - 4)тингловчиларнинг тезда қарор қабул қилишлари учун зарурий маълумотлар берилиши керак;
 - 5)ҳеч қандай ноаниқлик ва тўмтоқ гаплар бўлмаслиги лозим;
 - 6)аудитория тавсия қилинаётган ҳаракатларни амалга ошириш-оширмаслигини ҳисобга олиш керак (масалан, тавсия қилинаётган буюмни сотиб ола оладиларми ёки чақириқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган одамларга нисбатан айтиляптими?);
 - 7)аудитория розилигига эришиш лозим;
 - 8)нутқни муайян ҳаракатни амалга ошириш даъвати билан тугатиш керак.



9.Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

1. Топшириқ. Нотиқликнинг неча тури ва нутқнинг нечта кўриниши бор? Кластерини чизинг ва тушунтиринг.

2.Топшириқ. Қуйидаги матн нотиқликнинг қайси тури ва кўриниши эканлигини аниқланг. Ушбу турга хос тил бирликларини ажратиб кўрсатинг.

Кечагина, албатта, биз дунёдан озми-кўпми хабардор эдик. Дунё ҳам, ёлғон бўлмасин, бизни озми-кўпми биларди. Лекин фожиамиз шунда эдики, биз дунёни тугал танимасдик. Дунё ҳам бизни тугал танимас ва тан олмасди. Номимиз Ўзбекистон бўлгани билан бизни бепоён империянинг бир чекка вилояти деб билар, халқимиз эса дунё афкор оммаси назарида ҳақ-ҳуқуқларини танимаган, олижаноб шиорлар билан пардаланган мустабид зулм остида яшаётган, бу зулмдан қутулиб чиқишга ўзида куч-ғайрат тополмаётган бир халқ эди.

Қаранг. Ўзбекистон халқаро ўзаро манфаатли муносабатларга қанчалар шитоб ва дадиллик билан кириб борапти! Жаҳоннинг турли мамлакатларидан атоқли давлат арбоблари, сиёсатдонлар, қудратли банклар ва корхоналарнинг раҳбарлари ва кордонлар пайдарпай келиб турибдилар.

Ҳозир Ўзбекистонга қанчалаб учувчилар, алоқачилар, шифрлар билан ишловчилар, корчалонлар, ҳарбий мутахассислар, зобитлар, барча ички ва ташқи ишларимизни энг юксак савияда олиб борадиган сиёсатдонлар, дипломатия ходимлари – элчилар, консуллар керак!

Мустақиллик ҳар бир соҳада шукуҳ ва миллий сарватга эга бўлишлиликни талаб қилади.

3.Топшириқ. Қуйидаги матн нотикликнинг қайси турига хос? Ушбу турга хос тил бирликларини ажратиб таҳлил қилинг.

Ўқитувчининг маҳорати фақат ўқитишнинг хилма-хил методларини ўринли ва тўғри қўллай олишидангина иборат эмас, балки ўқувчи билан мулоқотидаги асосий қуроли – тилдан усталик билан фойдалана билиши билан ҳам белгиланади. Таъсирчан нутқи билан ўқувчи диққатини бутун дарс давомида тутиб тура олмаса, ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Дарснинг мазмуни ва самарадорлиги ўқитувчи нутқининг таъсирчанлиги, умуман, маданий бўлиши билан бевосита алоқадордир. Агар ўқувчи ўқитувчи нутқида ноизчиллик, туссизлик, қашшоқлик, мантиқсизлик, ноаниқлик, услубий ғализлик, грамматик янглишлик каби нуқсонлардан лоақал бирортасини сезса, унинг диққати бўлинади, баён қилинаётган материалга бўлган қизиқиши сусаяди. Қолаверса, материал бундай нўноқ нутқ билан баён қилинганда, табиийки, ўқувчи уни қабул қилишда қийналади, дарсдан кўзланган самарага эришиш мушкуллашади. Ўқитувчи нутқ маданиятини нафақат ўзи пухта эгаллаган бўлмоғи, балки ўқувчиларини ҳам унга одатлантирмоғи керак.

4.Топшириқ. Қуйидаги матн нотикликнинг қайси тури тури ва кўриниши эканлигини аниқланг. Ушбу турга хос тил бирликларини ажратиб таҳлил қилинг.

Мухтарам судья! Жиноят содир этган шахс Саидов Қосим, терговчининг маълумотларига қараганда, у ҳақиқатдан ҳам 29 мартдан 30 мартга ўтар кечаси соат 21 ларда босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-тарож қилиши мақсадида Обидов Бахтиёр хонадонига кириб, 7 миллион 250 минг сўм миқдордаги тилла буюмларни ўғирлаб чиқаётганда Обидов Бахтиёр сезиб қолади ва унга қаршилик кўрсатади. Айбланувчи Саидо Қосим унга пичоқ уради ва қочиб кетади. Ушбу жараёнларни ўрганиб чиқиб, “Жиноят

кодекси”нинг 164-моддаси, яъни “босқинчилик, ўзганинг мол –мулкани талон-тарож қилиш мақсадида ўзга хонадонга бостириб кириб, ҳаёт учун, соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд ноқонуний қуроллар билан қўрқитиб содир этилган жиноят” нинг а ва б бандларига мувофиқ тегишли жазо беришингизни сўрайман.

5.Топшириқ. Қуйидаги матн нотикликнинг қайси турига хос? Ушбу турга хос тил бирликларини ажратиб таҳлил қилинг.

Муборак, домла, саксон ёш, умрга битта боб ўлсин,
Кўпайсин боблару скасонга боблик бир китоб ўлсин.
Яна саксону саксон йил ўтиб қомат бкункдай тик,
Юзу кўнгил букундай моҳитобу офтоб ўлсин.
Қўлингиздан яна саксону саксон тушмасин ҳома,
Етолмай илкингизга ҳасса саксон йил хуноб ўлсин.
Умр ҳам кексалиқдан, хасталиқдан бўлсину холи,
Юзу саксонда шоир ўн саккиз ёшдек шабоб ўлсин.
Битиб сонсиз ғазал дил мулкани забт айласангиз ҳар дам,
Мухаммас ҳам саноксиз, қитъаю фард беҳисоб ўлсин.
Арузий вазни номарғуб деган баъзи мунаққидлар
Сўзи шудгорга оксин қишга қолсину яхо ўлсин.
Домулло юзга етгач ўттиз икки янги тиш чиқса,
У дам ичғони юз-юз, егани кавказ кабоб ўлсин.
Ҳабибий ёши саксон бўлди деб айтган хато қилгай,
Ики ўн бир, ики ўн тўрт, ики ўн беш ҳисоб ўлсин.

6-Топшириқ. Қуйидаги матн нотикликнинг қайси тури ва кўриниши эканлигини аниқланг. Муайян нутқ турида ишлатилган тил бирликларини топиб изоҳланг.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби
Олийларига*

Жаноби Олийлари,

Япония Бош вазири лавозимига сайланганим муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари менга йўллаган самимий табригингиз учун Сизга чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз. . . .

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат этгайсиз,

Эҳтиром билан,

9.2..Топшириқлар: Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш).

1.Топшириқ. Қуйида берилган мавзулар бўйича ташвиқот нутқи тузинг. Тузган матнингиз қайси услубда эканлигини айтинг ва гапириб беринг.

Ўзбек фильмларини яхши кўраман.
Зарарли фильмлар.
Бахт бойликда эмас.
Ҳар куни ўқиш керак бўлган китоб.
Спорт билан шуғулланайлик.
Лоқайд бўлмайлик.
Огоҳ бўлинг, одамлар!
Каттага ҳурматда – кичикка иззатда бўл.
Нон ҳам нон – ушоғи ҳам нон.
Ўзини севган инсонгина,ўзгаларни ҳам сева олади.



10.Топшириқ. Тест устида ишлаш.

1.Академик нотикликнинг кўринишлари қайси қаторда берилган?

- А. Ўқув юртлари маърузалари, илмий-оммабоп нутқ, илмий нутқ, илмий шарҳ.
- В. Ўқув юртлари маърузалари, илмий нутқ, илмий ахборот, илмий шарҳ.
- С. Илмий ахборот, илмий-оммабоп нутқ, илмий нутқ, илмий шарҳ.
- Д. Ўқув юртлари маърузалари, сиёсий ахборот, илмий нутқ, илмий шарҳ.
- Е.Сиёсий шарҳ, илмий-оммабоп нутқ, илмий нутқ, илмий шарҳ.

2. Қадимда нотиклик неча турга бўлинган?

- А. Бешта
- В. Иккита
- С. Тўртта
- Д. Учта
- Е.Олтита

3. “Сўз донишманди, сўзлаш устаси, сўз ижодкори” деб қайси нотиклик кўриниши билан шуғулланувчи шахс ҳақида айтилган?

- А.Сухандон.
- В.Ваъзхон.
- С.Қиссахон.
- Д.Бадиҳағўй.
- Е.Маддох.

4.Қайси нутқ ўзининг жанговар руҳи, сиёсий кескин характери ва юксак пафоси билан ажралиб туради.

А.Сиёсий нутқ.

В.Митинг нутқи.

С.Ҳарбий-ватанпарварлик нутқи.

Д.Ташвиқот-тарғибот нутқи.

Е.Академик нутқ.

5. Ваъз қандай маънони ифодалайди?

А.Нотик, нутқ.

В. Даъват, хитоб.

С. Қисса, хитоб.

Д. Доно, даъват.

Е.Сухандон, хитоб.

6.Воизлик бу.....

А. Нотиклик, яъни диний нотиклик

В. Академик нотиклик

С. Суд нотиклиги

Д. Ижтимоий нотиклик

Е.Сиёсий нотиклик

Саволлар:

1. Нотикликнинг қандай турларини биласиз?

2. Сухандонлар билан дикторларнинг фарқи борми?

3. Қадимда маддоҳларнинг вазифаси нималардан иборат бўлган?

4. Қиссахонларнинг вазифаларини биласизми?

5. Ёзма ва оғзаки нутқнинг аҳамиятли томонларини фарқлаб бера оласизми?

Глоссарий

Ваъз- даъват, хитоб.

Воиз – исломда одамларни эзгуликка ва яхшиликка чақирувчи, жамоат олдида нутқ сўзловчи шахс.

Маддоҳ – бирор шахс ёки нарсa, воқеа-ҳодисани мадҳ этувчи.

Сухандон – Сўзга чечан, турли мавзуларда нутқ сўзлайдиган маданиятли ва маърифатли шахс.

Бадиҳагўй – Сўзга чечан кишиларнинг шеърий йўсинда бирданига сўз, шеър ёки қўшиқ айтиши.

Хулқ - феъл-атвор, табиат, кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи.

Хутба – жума ва ҳайит намозларида ҳамда катта диний маросимларда диний арбобнинг расмий нутқидир.

Қиссагўй – афсона, эртак ва дostonларни равон ва ифодали ўқийдиган киши.

Аскиячи - ҳозиржавоб, ўткир зеҳн эгаси.

Дабирлик- котиблик.

Хаттот-чиройли ҳуснихат билан ёзиш санъатини эгаллаган киши, каллиграф.

Мунший-ёзув ишларини олиб боровчи котиб.

Адабиётлар:

- 1.Хондамир. Тарих-и ас-сийар фи ахбар афрад башар. Ба муқаддима ба калам-и Жалал ад-дин Хумайи. –Ж.4. –Техрон, 1954. 378-б.
- 2.Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 5-жилд, 2-китоб, 373-385-бетлар.
- 3.З.М. Бобур. Бобурнома. Т.: Фан, 1960.
- 4.А.Навоий “Муҳокаматул луғатайн”. -Т.Фан, 1982.
- 5.Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. –Тошкент:Ўқитувчи, 1982.
- 6.Жумахўжа Н. Истиклол ва она тилимиз. –Тошкент:Шарқ, 1992.
- 7.Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.

7-МАВЗУ: Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари (нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, ифодалилиги, мақсадга мувофиқлиги)

1. Дарсинг мақсади: Талабаларга маданий нутқнинг коммуникатив сифатларини ўргатиш ва нутқ жараёнида уларга амал қилиш кўникмаларини шакллантириш.

2. Режа:

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги.
3. Нутқнинг тозалиги (софлиги).
4. Нутқнинг мантиқийлиги.
5. Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги.
6. Нутқнинг ифодавийлиги (таъсирчанлиги).

3. Таянч сўзлар: Маданий нутқ талаблари, лисоний омиллар, нутқнинг тўғрилиги, нутқнинг талаффуз маданияти, луғавий маданият, нутқнинг аниқлиги, нутқнинг ихчамлиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг тозалиги, нутқнинг таъсирчанлиги, нутқнинг жозибадорлиги.



4. Эслаб қолинг. Нутқнинг аниқлиги – Аниқлик – бу айтиладиган сўз ёки иборанинг ўзи ифодаладиган воқеликка мос ва мувофиқ келишдир.

Нутқнинг ифодалилиги – таъсирчанлик деб ҳам айтилади, нутқнинг тингловчи ёки ўқувчи эътиборини жалб қила олиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг мантиқийлиги – Яхлит бир тизим (система)га бирлашиб, фикрлар ривожини изчил бўлган, луғавий ва грамматик шакллар аниқ ҳамда мақсадга мувофиқ ишлатилган нутқ мантиқий нутқдир.

Нутқнинг тозалиги – Тоза нутқ - бу тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир. Маданий нутқнинг тозалиги фонетик, орфоэпик жиҳатдан сўз ва кўшимчаларнинг тўғри талаффузи билан белгиланади.

Нутқнинг тўғрилиги – Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ **тўғри нутқдир**.

Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги— нутқнинг коммуникатив сифати. Сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш кўникмаси билан белгиланади.

Нутқнинг таъсирчанлиги (жозибадорлиги) -тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқдир. Нутқнинг таъсирчанлигини оширишда нутқнинг алоқавий сифатлари бўлиши, тўғрилиқ, мантикийлиқ, тозалық кабилар аҳамиятлидир, яъни нутқ тўғри бўлса, у таъсирчан бўлади, нутқ мантикий бўлса – таъсирчан бўлади.

Орфоэпик хатолар – асосан у ёки бу товушни нотўғри талаффуз этиш туфайли юзага келади.



5. Ёдда тутинг. Нутқнинг маданийлигини таъмин этадиган тўғрилиқ, аниқлик, мантикийлиқ, ифодалилиқ, бойлиқ, софлиқ, жўялилиқ каби бир қатор коммуникатив сифатларни ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади. Ҳар қандай нутқнинг асосий мақсади муайян ахборотни тингловчига етказиш, шу йўл билан унга таъсир қилишдан иборат бўлиб, мазкур сифатларнинг жами нутқнинг таъсирчанлигини юзага келтиради.



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва уқиб олинг.

Сўзларингда бўлса фикру ўй ёник,

Бўлсин ҳар сўзингда бир нуқта аниқ. (А.Х.Дехлавий)

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,

Маъно гули нутқининг баҳорида дурур;

Сўзким демасун улки ихтиёрида дурур,

Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур. (А.Навоий)



7.Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Қуйидаги матндан нутқнинг аниқлиги ва таъсирчанлигини ифодаловчи тил воситаларини топинг ва оғзаки нутқ орқали ифодалаб беринг.

1-матн. Кишининг нутқи ҳам унинг маданияти қай даражада эканлигини кўрсатувчи омиллардан биридир. Маданиятли одамнинг нутқи содда, равон ва маъноли бўлади. У жумалаларнинг ортиқча жимжимадорлигини ёқтирмайди, нутқига “зеб” бериб, ўзини бошқалардан алоҳида ажратиб кўрсатмайди.

Маданият ҳақида кўп гапириб, ҳатто бошқаларга ўғит айтиб, аммо ўзи унга амал қилмайдиган кишиларни ҳам ҳақиқий маданиятли одам деб бўлмайди. Чинакам маданиятли киши маданият ҳақидаги билим ва тушунчаларини ўзининг кундалик ҳаётига тадбиқ этиш билан бирга таниш-билишларига, атрофдаги кишиларга ҳам бу борада ижобий таъсир кўрсатади (Я.Шермухаммедов, Я.Турмухаммедов. Хулқ ва муомала маданияти).

2-матн. Сухбатлашиш санъатини эгалланг. Зеро, инсон сухбатларида намоён бўлади. Ҳаётда унинг иштирокисиз кечадиган ҳеч нарса йўқ. Сухбат сабаб ҳаммани йўқотиш мумкин, сухбат сабаб ҳаммани ютиш мумкин. Хат ёзиш – сухбат, пухта ўйлаш – сухбат, ақлнинг оний имтиҳони – сухбат. Сухбатларингиз сизнинг кимлигингизни ошкор қилади. Мулоҳазали сухбат сўзамолликдан муҳимдир. Сухбатлашиш санъатини эгалламоқчи бўлсангиз, мулоҳаза билан савол беришни, диққат билан тинглашни, мулойим жавоб қайтаришни ва сукут сақлашни ўрганинг (Балтасар Грасиан. Чўнтак фоли.)

2-машқ. Амир Хусрав Деҳлавийнинг ҳикматларини ўқинг ва мавзуга мос ҳолда, адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда, нутқнинг коммуникатив сифатларидан фойдаланган ҳолда эссе ёзинг. Эссени оғзаки нутқ орқали гапириб беринг.

Жон аро кирсин санъаткор суҳан,
Жонга пайванд бўлгач ўлмайди экан.

3-машқ. Берилган ривоятни ўқинг ва топшириқларни бажаринг. Матнда нутқнинг коммуникатив сифатларига амал қилинган ўринларни оғзаки нутқингиз орқали изоҳлаб беринг.

Гап навосида

Навоий билан Биноий яна бир куни кўчада кетишаётган экан, бир боғдан ғазал эшитилиб қолибди. Ғазал Биноийники экан. Биноий ғазал ўзига қарашли эканлигини билдирмоқчи бўлиб Навоийга:

- Боққа кирайлик, жуда яхши ғазал ўқишяпти,- дебди.

Навоий боққа кириб, ғазал тингласак – тинглабмиз-да, деб рози бўлибди. Икковлашиб боққа киришибди. Ғазалхон ғазални ўқиб бўлгач, Биноий мақтаниб:

- Ҳой, иним, - шеърни бинойидек битибсан, ўқишинг ҳам бинойидек, раҳмат, офаринлар бўлсин сенга! – дебди.

Бу сўзни эшитган Навоий:

-Аммо лекин, бу дўстим шеърнинг навосини жойига қўёлмабди, озгина фаҳму-фаросатни ишга солиб, пешона тери тўкканларида ғазалнинг навоси жойига келармиди...- деб жавоб берибди.

Бу лутфдан Биноий хижолат чекиб, ерга қараб қолибди.

Топшириқлар:

1. “Гап навоси”, “шеър навоси”, “ғазал навоси” бирикмаларининг луғавий маъносини изоҳланг.

2. Алишер Навоий Биноийга қилган лутфида нимага ишора қилганини изоҳлаб беринг.

3. Шарқда устоз ва шогирд муносабатига оид ахлоқ-одоб этикаси ҳақида сўзлаб беринг.

4-машқ. Қуйидаги шеърдан нутқнинг таъсирчанлигини оширувчи тил воситаларини топинг ва уларни турлари бўйича ажратинг, фикрларингизни оғзаки ифодаланг.

Сўз

Менинг арзим тингловчи – паноҳ,
Фармонимни элтувчи чопар.
Зулмат аро чакнагувчи – моҳ,
Умри узун, мағрур сўзлар бор!
Ўзлигидан қайтмаган у ҳеч.
Машраб бошин элтса ҳам дорга,
У шундайин завол топмас куч.
Қудрат берар ўзига зорга.
У менинг момоннинг, онамнинг тили,
Заминим, Ватаним, хонамнинг тили.
Халқим билан унинг умри баробар,
У битган кун юртим, элим ҳам тугар. (Хосият Бобомуродова)

5-машқ. Қуйидаги матндан нутқнинг аниқлигини таъминловчи воситаларни топинг ва матнни давом эттиринг. Матнга ўз муносабатингизни оғзаки баён этинг.

Омадли бўлишга ҳаракат қияпсизми, омадсизликларни ҳам қабул қилинг. Чунки булар ғалабангизнинг гарови бўлади. Бирон нимага эга бўлишни хоҳладингизми, ҳеч нарсасиз қолишингиз мумкинлигини ҳам назарда тутинг. Икки ёқлама оламнинг бир томонида умрбод қолиб кетманг...

6-машқ. Қуйидаги сўзлардан фойдаланиб, нутқнинг коммуникатив сифатларига риоя қилган ҳолда матн тузинг ва тузган матнингизни оғзаки сўзлаб беринг. Нутқ таъсирчанлигини оширувчи тил воситаларидан фойдаланганингизни изоҳланг.

Маданият, киши, одам, театр, кино, китоб, бадий , адабий, шеър, таъсирчанлик, комиллик, фазилатлилик, туйғу, онг, шуур, ҳис этмоқ, тафаккур, тушунча, ибрат, бўлмоқ.



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

8.1. Балтасар Грасианнинг фикрича “Инсонга йигирма ёшида туйғулар, ўттизида истеъдод, қиркида ақл-заковат ҳукмронлик қилади”. Ушбу фикрга сизнинг муносабатингиз.

8.2. “Нутқ – амалнинг соясидир” бу фикрга сиз қўшиласизми?

8.3. “Ақл донишмандликнинг тахтидир” деган фикр тўғрими?



9. Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

1.Топшириқ. Даврий газеталар устида ишлаш.

2. Топшириқ. Реклама матнлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш.

3.Топшириқ. Даврий матбуотда фикр мантикийлигини бузувчи омиллар ҳақида матн тайёрлаш ва оғзаки нутқи орқали ифодалаб бериш.



10.Топшириқ: Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

10.1.Нутқнинг коммуникатив сифатлари асосида ўзи хоҳлаган нотик ёки сухандоннинг нутқини таҳлил қилиш.

10.2.Ихтиёрий равишда ҳозирги нотиклардан бирининг нутқини видеотасмага ёзиб олиш ва аудиторияга эшиттириш. Нутқидаги ютуқ ва камчиликлар бўйича оғзаки фикр ифодалаш.

10.1. Матн устида ишлаш. Қуйидаги берилган гапларни матнга айлантиринг ва мазмунини гапириб беринг.

Мирзо Улуғбек ҳақидаги матн

Мақсади – илм-фан билан чуқур шуғулланиш эди. Чексиз самога тикилиб, юлдузлардан кўзини узмас, осмон сирларини тушунишни истарди. Ёш шахзода риёзиёт (математика), хандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тарих ва мусиқани тинмай ўрганарди.Буюк Амир Темурнинг беҳос вафотидан сўнг мамлакатда алғов-далғовли давр бошланди.Айниқса, қоронғи тунларда унинг саволлари кўпайиб кетарди. Амир Темурнингсуюкли хотини Сароймулкхоним тарбиясида бўлган Мирзо Улуғбек илм-фан билан жуда қизиқарди. Бироқ хаёл бошқа-ю, ҳаёт бошқа экан. Қаерда бўлмасин, билимдон

одамларни турли саволлар билан безовта қилар эди. (Шомухиддин Мансуров. Минг бир хазина)

Саволлар:

1. Нутқ тўғри бўлиши учун асосан қайси меъёрларга қатъий амал қилиш талаб қилинади?
2. Нутқнинг тўғрилигига таъриф беринг.
3. Нутқий алоқа учун нутқий талаффузнинг қандай аҳамияти бор?
4. Нутқнинг аниқлиги деганда нимани тушунасиш?
5. Аниқ нутқ яратиш сўзловчидан нималарни талаб қилади?
6. Аниқ нутқ яратишда синонимларнинг роли.
7. Нутқнинг софлиги деганда нимани тушунасиш?
8. Нутқимиз софлигининг бузилишига, асосан, нималар таъсир қилади?
9. Нутқнинг таъсирчанлиги қандай воситалар ёрдамида амалга оширилади?
10. Нутқнинг мантиқийлиги қандай омилларга боғлиқ бўлади?

Глоссарий

Нутқнинг аниқлиги — сўзнинг тилдаги маъноси ва ўзи ифодалаган нарсага қатъий мос келиши билан ўлчанадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг ифодалилиги — таъсирчанлик деб ҳам айтилади, нутқнинг тингловчи ёки ўқувчи эътиборини жалб қила олиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг мантиқийлиги — фикр ривожининг воқеалар ривожига қатъий мос ва мувофиқ келиши билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг тозалиги — нутқнинг адабий тилнинг луғавий (лексик) меъёрларига ёт унсурлардан холи экани билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг тўғрилиги — нутқнинг адабий тилнинг маълум вақтда қабул қилинган меъёрларига қатъий мувофиқлиги билан белгиланадиган коммуникатив сифат.

Нутқнинг мақсадга мувофиқлиги — нутқнинг коммуникатив сифати. Сўзларни ўз ўрнида қўллай олиш кўникмаси билан белгиланади.

Орфоэпик хатолар — асосан у ёки бу товушни нотўғри талаффуз этиш туфайли юзага келади.

Адабиётлар:

- 1.. Қунғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари.-Тошкент, 1992.
2. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
3. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. -Тошкент, 2002.
4. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
- 5.Я.Шермухаммедов, Я.Турмухамедов. Хулқ ва муомала маданияти. –Т.: Ўқитувчи, 1974, 52-бет.
6. Шомақсудов Ш., Шорахмадов Ш. Ҳикматнома. Тошкент, 1990.
- 7.Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.
- 8.Головин Б.Н. Основы культуры речи. -Москва: Высшая школа, 1988.
- 9.Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992, 22-23-бетлар.
- 10.Мансуров Ш. Минг бир хазина. -Т., 2009, 28-бет.
- 11.Балтасар Грасиан. “Чўнтак фоли” ёки зукколик ва ўткир ақл санъати. Тошкент. “Янги аср авлоди” нашриёти, 2015 йил 71-бет.

8-МАВЗУ: Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари

1. **Дарсинг мақсади:** Талабаларда нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг назарий томонларини, тўғри, равон ва аниқ нутққа эришиш учун зарур бўлган тилнинг тасвирий воситаларидан фойдалана олиш кўникмаларини шакллантириш.

2.Режа:

- 1.Нутқ маданияти билан амалий услубиятнинг боғлиқ ва фарқли жихатлари.
2. Нутқда тасвирий воситаларнинг аҳамияти.
3. Троплар ва уларнинг турлари.
4. Ёзма нутқда услубий фигураларнинг қўлланилиши.
5. Оғзаки ва ёзма нутқ кўникмаларига эга бўлишда тилнинг тасвирий воситаларининг ўрни.
6. Тилнинг тасвирий воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланишга эришиш.

3.Таянч тушунчалар: тасвирий воситалар, троплар, услубий фигуралар, эпитет, ўхшатиш, метфора, метонимия, синекдоха, муболаға, аллегория, символ, киноя, антифраз, сарказм, перифраз, жонлантириш, апострофа, антитеза, градация, эллипсис, анафора.



4. Эслаб қолинг. Нутқ маданияти тушунчасининг моҳиятини, унинг мақсад – вазифаларини белгилаш, нутқ маданияти билан услубият фани орасидаги муносабатни аниқлаш ниҳоятда муҳимдир. Мавжуд ишларда бу масалада қуйидаги нуктаи назарлар баён қилинган:

1. Нутқ маданияти – бу услубиятнинг ўзидир.
- 2.Нутқ маданияти – бу амалий услубиятдир.
- 3.Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғланган соҳадир.
- 4.Нутқ маданияти ва услубият ўзаро зич алоқадор, аммо ҳар бири ўзича лисоний ҳодиса ва мустақил илмий соҳалардир.

Сўнгги йилларда **амалий услубият** билан нутқ маданиятининг алоқадор ва фарқли жихатлари маълум даражада аниқланди;

-Нутқ маданияти ва услубият тилшуносликнинг бир-бирига алоқадор, аммо алоҳида мустақил соҳаларидир;

- Услубият соҳаси, айниқса, амалий услубият нутқ маданиятини яхшилашга ёрдам бера оладиган омиллардан биридир.

- Нутқ маданияти соҳаси нутқни ва умуман тил ҳодисаларини услубий планда, тилнинг барча услубий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиши зарур.

Мавжуд адабиётларда тилнинг тасвирий воситалари ва услубий фигуралар қуйидагича фарқланади:

1. Троплар: эпитет, ўхшатиш, метафора, метонимия, синекдоха, муболаға ва кичрайтириш, аллегория, символ, ирония, антифраз, сарказм, перифраза, жонлантириш, апострофа ва х.к.

2. Услубий фигуралар: антитеза, градация, риторик сўроқ, кўп боғловчилик, жим қолиш, такрор ва х.к.



5. Ёдда тутинг. Сўзловчи ўз фикрини аниқ, лўнда, ифодали, мазмунли шу билан бирга таъсирли қилиш учун тилнинг махсус ифода воситаларидан фойдаланиши лозим бўлади. Бу воситалар троплар ва фигуралар деб юритилади. Нутқда сўз ва ибораларни кўчма маънода қўллаш **троп** саналади. Моҳир сўз усталаридан бири Турсуной Содикова айтганидек, ”Мақсадга сўз билан етишни орзу қилдингми, шундай айтки, сўзингни ҳаводай симирсинлар, гул ҳидлагандай вужудлари яйрасин... қувончли сўзни қувнаб айт!.. Хафа сўзни ҳасрат билан айт!”



6. Билиб олинг. Эпитет (сифатлаш). Киши, нарса ёки воқеанинг бирор белгисини, сифатини ифодалаши сифатлаш дейилади. Оддий эпитетлар кишида кучли ҳиссийликни уйғотмайди. Масалан, *мусаффо осмон, қора кўз*. Сўзловчи услубий эпитетда воқеа-ҳодисани маълум нуқтаи назардан туриб баҳолайди, унга муносабат билдиради. Бадиий эпитетлар кўчма маъно асосида ҳосил бўлади. Нутқда *қора тун, яшил водий, оппоқ юз* каби сифатлашлар кўпроқ қўлланади. Бундан ташқари *гунча лаб, ширмой юз, чароз кўз* каби бадиий сифатлашлар ҳам нутқнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутади.



7. Мавзу бўйича мустаҳкамловчи машқлар.

1-машқ. Қуйидаги шеърини парчаларда тропнинг қандай турлари қўлланган? Таҳлил қилиб дафтарингизга ёзинг.

1. Одессага етиб боргач эртагача кема,

Зинасига чиқиб келган азамат.

Сизни «иззат-икром билан» кутиб олади,

Қўлингизга тақишади ажойиб занжир.
Бир занжирки, жаранглаши кўкрагингизда,
Жаранглаган орденларга жуда ҳамоҳанг.
2.Бошлиғинг кўнглини бил сен,
Кетма пинжидан нари,
Пайтини топсанг мабодо,
Бирга юзта-юзта қил.
3.Мен надоматларни унутганман. Мен мерос
Довламайман. Мен молпараст ҳам эмасман.
Лекин қани менинг етти маъдандан эритиб қўйилган
Дарвозам?
Жаҳоннинг бир мўъжизаси?
Олтин, темир, курч, қалай, пўлат, мис, кумуш
Дарвозам?
Бибиҳоним дарвозаси?
Йўқолган дарвоза...
Ўғирланган дарвоза...
Танга қилиб майдаланган дарвоза... (И.Ғофуров)

2-машқ. Матнларни диққат билан ўқинг, ўз фикрларингиз асосида давом эттиринг ва тасвирий воситаларни топинг.

Бузилган никоҳ

Уйни қонуний бўлишдингиз... Мол-мулкни қонуний бўлишдингиз...
Муҳаббат бўлакланди... Садоқат бўлакланди... Бола-чи? Болани қайси қонун билан бўлишасиз? Онаси билан бўлса, отасиз қолса. Отаси билан бўлса, онасиз қолса... Яхшиси, униям иккига бўлинг! Бир нимтаси-эрига! Бир нимтаси – хотинга! Қани кўтаринг болтани, боланинг уволи тутгурлар! (Ў.Ҳошимов)

3-машқ. Қуйидаги матндан тасвирий воситаларни топинг ва оғзаки нутқ орқали сўзлаб беринг.

Тириклар ва ўликлар

Вақти-вақти билан қабристонга борасиз. Аждодларингиз бошида туриб ўтганлар руҳини хотирлайсиз... Кейин... ўз юмушингиз билан кетасиз.

Шошилманг. Дунё иши битганмас.. Иложи бўлса, қабристонни осойишта айланинг. Шунда... ғалати ҳолат рўй беради. Марҳумлар сизга кў-ў-ўп нарсалар айтади...

Ишонинг, ўликлар тириклардан кўра теранроқ фикрлайди... (Ў.Ҳошимов).

4-машқ. Қуйидаги матндан тасвирий воситаларни топинг ва оғзаки нутқ орқали сўзлаб беринг.

Соғинч

Эрта баҳор-чексиз соғинчининг уфқи. Музга айланишдан бош тортган исёнкор томчилар ёмғир бўлиб тўкилмоқда. Ёмғирнинг дарахтга, куртакнинг томчига айтадиган “шивири” йиғилганей-йиғилган. Хўнграб-хўнграб, бўзлаб-бўзлаб дил розини айтаётган эрта баҳор булути аслида осмон дардидан сўз очишга ботинган асов ғалаён. Ниш урмиш куртакка насиб этган ёмғир томчиси кўкнинг бекиёс эҳтироси парчаси. Ёмғир “шивири” умидларга тўла дарахт таъзимиға кутилмаганда дуч келса, бу ажиб бир шоёнлик таваллуди. Аслида бу “шивир-шивирлар” ришта, холос. Аслида улкан осмоннинг жажжи заминга айтадиган дарди кўп-ей... Замин эса дил изҳорини миннатдор тинглар экан, жажжи дарахтлари, энди унажак ўт-ўлани-ю, чамбар гуллари-ла таъзим этади. (Ё.Акрам).



8.Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар.

1-топшириқ. Қуйидаги саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Троплар деб нимага айтилади?
2. Троплар таркибига нималар киради?
3. Эпитет деб нимага айтилади?
4. Эпитетларнинг қандай турлари бор?
5. Бадиий эпитетга мисол келтиринг.
6. Ўхшатишнинг қандай турлари бор?
7. Лексик ўхшатиш қайси сўзлар ёрдамида ҳосил бўлади?
8. Грамматик ўхшатиш қайси қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлади?
9. Метафора деб нимага айтилади?
10. Метафоранинг қандай турлари бор?
11. Сингари, каби, гўё, худди, янглиғ сўзлари тропнинг қайси турида учрайди?
12. Ҳаракат қилмайдиган жонсиз нарсага, жонли нарсага мурожаат этгандек муносабатда бўлиш тропнинг қайси турига айтилади?
13. Қарама-қарши қўйиш маъноси лотинчада қандай номланади?
14. Босқичма-босқич кучайтириш лотинчада нима дейилади?
15. Сўз ва иборалар қўштирноққа олиниши тропнинг қайси турида учрайди?
16. Алоқадорлик, боғлиқлик кўчма маъноли сўзларнинг қайси турига хос?

2-топширик. Дафтарингизга услубий фигуралар ва тропларни акс эттирадиган кластер чизинг.

3-топширик. Қуйидаги шеърий парчаларда қўлланган метафораларни таҳлил қилинг.

Муҳаббат оташини
Ҳеч қачон дўзахга тенг қилмам,
Нечунким, менга нурли –
Талъатинг жаннат билан тенгдур. (Э.Воҳидов)

Ошиқ ўлдинг, эй кўнгил,
Ғам лашкаридан кўркмагил,
Бари чопқу олдда, Эркин,
Не учун ваҳм айладинг? (Э.Воҳидов)

Истадим сайр айламоқни
Мен ғазал бўстонида
Кулмангиз, не бор, сенга деб
Мир Алишер ёнида. (Э.Воҳидов)

4-топширик. Қуйидаги шеърий парчаларда қўлланган метонимияларни таҳлил қилинг.

Беқадр бўлса, наҳот,
Тиллардаги тароват!
Йўқолди бу кун, ҳайҳот,
Қабрларда ҳаловат! (Э.Воҳидов)

Эл борки, уфқнинг ҳар тўрт ёғида
Эгни бутун бўлди шу миллионлардан. (Э.Воҳидов)

Букун меҳмон бўлиб чўнг санъат келди,
Том-том китоб келди, шеърият келди. (Э.Воҳидов)

5-топширик. Қуйидаги шеърий парчада қўлланган услубий фигураларни аниқланг.

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
Росту ёлғон эртақларнинг борар ери Сен,
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен бари бир муқаддассан,
Муқаддас Аёл ! (Ҳ.Худойбердиева)

Менинг дилимга ҳам ғамлар тоши қулади,
Дейман: “Ҳаёт, ҳар мушкулни ўз вақтида еч...”
Жон талашиб ётган учқур нидо қилади:
“Турналарим кеч қолдингиз...”

Айтинг...

Нега...

Кеч...” (Ҳ.Худойбердиева)

Шунчаки ёзмок-чи, кўнгил тўлмайди,
Шунчаки ёзмокқа бормайди қўлим.
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,
Шунчаки ёзмок, бу-шоирга ўлим. (Ҳ.Худойбердиева)

6-топшириқ. Берилган шеърдаги ўхшатиш воситаларини аниқланг.

Шеър ёзар чоғидагидек ёнингиз,
Бунда дастурхонингиз—достонингиз.
Ўзингиз айланг товус янглиғ хиром,
Шеъриятдай тотли бўлсин бўлсин ҳар таом.
Ол яноғингиз каби олма, анор,
Кўзларингиздек чарос боксин хумор.
Эслатиб ҳам писталар хандонингиз,
Юзингиздек кулса ширмой нонингиз.
Бўлса бодомлар қабоғингиз каби,
Ҳам мураббolar дудоғингиз каби.
Лағмон эшиб тола-тола сочингиз,
Мисли ёйиб ташлагандай сочингиз.
Сочдаги баргакдайин кўк бодиринг,
Ҳам хино янглиғ патинжон олдириг.
Тарвузу қовунни сероб қилинг.

**7-топшириқ. Э.Воҳидов нима учун шеърларида антитезани қўллаган?
Фикрларингизни оғзаки баён этинг.**

Барча шодлик сенга бўлсин.
Бор ситам, зорлик менга.
Барча дилдорлик сенга-ю,
Барча хушторлик менга.
Бу жаҳоннинг роҳатин ол,
Бор азобин менга бер,
Сенга бўлсин барча ором,

Барча бедорлик менга.
 Дуторим тори иккидур:
 Бири кувноқ, бири маҳзун,
 Ки байтим сатри иккидур,
 Бири дилхуш, бири дилхун.



9.1.Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

1.Топшириқ. Қуйидаги сўзлардан кўчма маъноли сўзлар ҳосил қилиб матн тузинг ва дафтарингизга ёзинг. Матн қайси услубга хослигини аниқланг.

Ватан, юрак, гул, томир, бешик, истиқлол, киндик қони, булбул, хиёбон, муқаддас, уйғонмоқ, гиёҳлар, остона, бошланмоқ, асрамоқ.

2.Топшириқ. Ўзингиз тилга оид мақоллардан мисол келтириб, унинг тўғри ва кўчма маъноларини айтиб беринг.

3.Топшириқ. Ушбу матнда қандай троплар қўлланган? Матнни ўқиб, жадвални тўлдилинг.

Ҳар йили бир келадиган баҳор севинчи яна кўнгилларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдираган танларига илиқ қон ютуради. Толларнинг кўм-кўк сочпопуклари қизларнинг майда ўрилган қоқилларидай селқиллаб тушмоққа бошлади. Мўз тагида лойқаланиб оққан сувларнинг ғамли юзлари кулди, ўзлари ҳорғин-ҳорғин оқсалар-да, бўшалган кул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар. Симёғочларнинг учларида якка-якка кушлар кўрина бошлади. Биринчи кўринган кўклам куши биринчи ёрилган бодроқ нашъасини беради. Бўлтур экилиб кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди. Мулойим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасига ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан бу кўкат! Эркакларнинг гуллик дўпписига тегмай, яланг аёллар билан, уларнинг сочлари, гажаклари ва рўмол попуклари билан ҳазиллашиб ўйнаган салқин шабада... кўклам нашъаси билан шўхлик қилади.

Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?

№	Тропларнинг турлари	Мисоллар

--	--	--

4.Топшириқ. Берилган гапларда қўлланган кўчма маъноли сўзларни топиб, таҳлил қилинг ва дафтарингизга ёзинг. Кўчма маъно турларини аниқланг.

1.Неча юз йиллардан буён Қоплонбоп шундай гавжум яшайди. (С.Аҳмад).
 2.Кирган бўлса ўн тўққиз-йигирмаларга кирган. (С.Аҳмад) 3.Хонимчага ҳозир эшитувчи кулоқ керак эди, шу боис Манзуранинг саволига жавоб бермагани андак ғашини келтирган бўлса-да, гапни давом эттирди. (Т.Малик) 4.Шу учун у Зебининг сўнги сўзларидаги оғир маъюсликни пайқай олмади (Чўлпон). 5.Шу хаёл ва ташвишлар чангалида баттар қолиб кетган Тараша қандайдир илинжда Шокир қизилнинг чойхонасидан узилмасди. (З.Аълам).6.Зебининг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илиқ ҳовури билан очила тушган. (Чўлпон). 7.Мўйловнинг бригадаси Мингбулоқнинг ўнг томонида, Ўрозкулнинг узумзорига ёндош эди. (О.Ёкубов) 8.Кейин телефон трубкасини олиб боғни улашни буюрди. (С.Аҳмад) 9.Юлдузлар милтираб турган чўл кечасида Низомжон дилига ана шундай беғубор ниятни тугиб қўйди. (С.Аҳмад) 10. Шамол кучайиб оловнинг тили яна ҳам узунлашди. (С.Аҳмад).

9.2.Топшириқлар. Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

1.Бадий асардан тасвирий воситалар қўлланган тил бирликларидан 10та мисол топинг ва дафтарингизга ёзинг.

2.Қуйидаги мавзулардан бирини танлаб эссе ёзинг:

Буюк орзулар сари.

Она тилим – бу ўзбекнинг ғурури.

Олтин куз таровати.

Маънавият – қалбим қуёши.

Она – энг улуғ зот.

Ватан туйғуси энг олий саодатдир.

Ватан остонадан бошланади.

Биз юрт фарзандларимиз.



10.Қуйидаги тест саволларининг тўғри вариантларини топинг.

1.Риторик сўроқ гаплар қандай ҳосил бўлади?

А)сўроқ олмошлари билан

Б)сўроқ юкламалари билан

В)сўроқ оҳанги билан

Г)барчаси тўғри

2.Нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини кучайтириб боришдан иборат услубий фигурани топинг.

А)градация

Б)аллитерация

В)контаминация

Г)ассонанс

3.Кўнгил маъюс тортди йилнинг сўнгида,
Билмам, ниманг билан сеҳрладинг, қор
Бугун куппа-кундуз кўзим ўнгида,
Яна бир ёшимни ўғирладинг, қор. (М.Юсуф)

Қуйидаги шеърий парчада қандай услубий фигура қўлланган?

А)апострофа

Б)аллитерация

В)жонлаштириш

Г)антитеза

4.Қорачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша
Дунёни тор айлаган ўша
Меҳр қолур, муҳаббат қолур. (М.Юсуф)

Ушбу шеърий парчадаги услубий фигурани айтинг.

А)апострофа

Б)ирония

В)эпифора

Г)антифраза

5.Бурчак-бурчакда жим тортишар бурун,
Билмам қандай ўй-у хаёл ичида
Тузсиз шеърларим деб шириндан-ширин
Болаларим юрар оёқ учида... (М.Юсуф)

Ушбу шеърий парчада тропнинг қандай тури қўлланган?

А)метафора

Б)метонимия

В)синекдоха

Г)ирония

6. Бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш. Ушбу таъриф қайси тропга тегишли?

А)метафора

Б)метонимия

В)синекдоха

Г)ирония

7.Курашади икки тўлқин, қараб турайки?

Ёш тарихнинг темир қўлин четга бурайми? (Ойбек)

Ушбу парчада қандай услубий фигура қўлланган?

А)грамматик воситалар орқали ўхшатиш

Б)сўроқ юклаган такрор

В)сўроқ олмошлари орқали риторик сўроқ гап

Г)сўроқ юклаганлари орқали риторик сўроқ.

8.Саҳар чоғи... Кумуш каби шудрингдан

Сирға тақиб, япроғига бош қўйиб,

Гуллар туннинг қучоғида мудрайди. (Уйғун)

Парчада қўлланган услубий фигурани айтинг.

А)жонлаштириш

Б)муболаға

В)ирония

Г)градация

9. Шеърнинг сози – тўрт сатр,

Тўрт ажойиб – зўр сатр.

Шоир одам ўзини

Тўрт сатрда кўрсатур.(Э.Воҳидов)

Ушбу парчада қўлланган услубий фигурани аниқланг.

А)жонлаштириш

Б)муболаға

В)ирония

Г)аллитерация

10.Бир предмет номининг бошқа предметга бутун ва қисм муносабати асосида кўчиши, бутуннинг номи қисмнинг номи ёки аксинча бўлиб қолиши. Бу таъриф тропнинг қайси турига айтилган?

- А)синекдоха
- Б)метонимия
- В)ирония
- Г)метафора

Саволлар:

- 1.Нутқ маданияти билан амалий услубиятнинг боғлиқ ва фарқли томонлари нималардан иборат?
- 2.Тилнинг қандай тасвирий воситалари мавжуд?
- 3.Антифраза ва перифразанинг қандай фарқи бор?
- 4.Апострофа билан антитезанинг бадиий асардаги вазифалари нималардан иборат?
- 5.Градациянинг қандай турлари бор?
- 6.Услубий фигуралар қандай тил бирликлари ҳисобланади?

Глоссарий

Троп ва фигуралар - сўзловчи ўз фикрини аниқ, лўнда, ифодали, мазмунли ва шу билан бирга таъсирли қилиш учун тилнинг махсус воситаларидан фойдаланиш.

Эпитет – киши, нарсга ёки воқеанинг бирор белгисини ифодалаши сифатлаш ҳисобланади.

Аллегория – киноя, қочириқ, кесатиш маъносини ифодалайди.

Символ – мажоз турларидан бири.

Ирония –“зимдан кулиш”, “кесатиш” маъносида қўлланади.

Сарказм – “аччиқ заҳарханда”, “истехзоли таъна”, “пичинг” маъноларини англатади.

Перифраз – “айлана”, “атроф”, “бошқача гапираман”.

Градация – айтилаётган фикр борган сари кучайтириб борилади.

Адабиётлар:

1. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Тошкент, 1992.
2. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.

- 3.Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Самарқанд,1984.
4. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
5. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
6. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари.-Тошкент, 1994, 2006.
- 7.Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т., Ўзбекистон, 1992.
- 8.Қиличев Э., Қиличев Б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Бухоро, 2002.

9-МАВЗУ: Нутқ маданияти ва нутқий услублар

1. Дарсинг мақсади: Талабаларга нутқ маданияти ва нутқий услубларни ўргатиш ва нутқ жараёнида улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

2. Режа:

1. Нутқ маданияти ва нутқий услублар.
2. Нутқий услубларнинг турлари.
3. Расмий иш услубининг ўзига хос томонлари.
4. Илмий услуб турлари.
5. Сўзлашув ва бадиий услубнинг ўзига хос томонлари.
6. Публицистик услубнинг шакллари.

3.Таянч сўзлар: номинатив алоқа, коммуникатив алоқа, хабар, дарак, экспрессив вазифа, нутқ услублари, сўзлашув, бадиий, расмий, публицистик, илмий услуб турлари, оғзаки ва ёзма шакл, нутқий шароит, нутқий алоқа воситалари.



4.Эслаб қолинг. Гаплар бир нечта вазифани: номинатив–аташ, коммуникатив-хабар, дарак ва экспрессив кабиларни бажаради. Ҳар қандай тилнинг энг асосий вазифаси, аввало, коммуникатив вазифа бўлиб, кишилар бир-бирлари билан ўзаро ахборот алмашишда энг зарур алоқа воситаси сифатида гаплардан фойдаланадилар. Шунингдек, одамлар нутқий шароитга, кўзлаган мақсадларига қараб тил воситаларини танлаб ишлатадилар ва шу тарзда нутқнинг турли вазифавий услублари вужудга келади. Нутқнинг 5 та вазифавий услублари мавжуд: сўзлашув, бадиий, илмий, публицистик, расмий услублар.



5. Ёдда тутинг. 5.1.Вазифавий услубларнинг тил хусусиятларини билиш, уни мукаммал эгаллаш ҳамда ундан нутқ шароитига мос равишда ўринли фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айрим муаллифлар ўз ишларида илмий ва илмий-оммабоп услубни, бадиий ва публицистик услубни аралаштириб юборадилар, бу маълум хатоликларни юзага келтиради. Вазифавий услубларнинг ҳар бирига хос, мослашган тил воситаларини нутқий жараёнда тўғри танлай олиш ҳамда қўллаш муаллифдан билимдонликни, зукколикни, топқирликни талаб этади.

5.2. Нутқ маданияти соҳаси услубиятдан нуткий услубларга ёндашиш жихатидан ҳам фарқланади. Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил меъёрлари, ахлокий-эстетик қарашлар нуқтаи назаридан ёндашади, яъни жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмларни инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди. Шунингдек, нутқ маданияти сўзларнинг ёзилиши ва айтилишига кўра нотўлиқ, бузилган вариантларни салбий баҳолайди. Услубият тилнинг юқорида келтирилган воситаларини услубий вазифасига кўра ўрганади ва баҳолайди.

5.3. Нутқ услублари ўзларига хос белги ва фарқлардан қатъий назар, адабий тил меъёрлари асосида умумийликка эга. Адабий меъёр тилнинг товуш тизимини, грамматик қурилиши ҳамда унинг луғат таркибидаги энг тиник ҳаётий ва зарурий элементларни танлаб олиш асосида ташкил топади. У тилнинг энг юксак, ишланган, силлиқлашган шаклидир. Адабий меъёрлар фақат ёзма адабий тил учунгина тааллуқли бўлмай, у оғзаки адабий тил учун ҳам зарурий ҳолатдир. Шунинг учун ҳам адабий тилнинг оғзаки шаклида (маъруза, радио-телевидениедаги чиқишлар, жонли суҳбатлар) ҳам адабий меъёрга бўйсунилади, унинг қонун- қоидаларига риоя қилинади. Тилнинг вазифадош услублари нутқ кўринишларининг асосий функцияларига (алоқа- аралашув; таъсир этиш воситаси бўлишига) мувофиқ қисмларга бўлинишидир.



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва уқиб олинг.

Қисқа сўзни қара, не яхши ҳолдир,
Сергаплик эса, дилга малолдир. (А.Х.Дехлавий)
Кўнгилларнинг сурури илмдандир,
Кўрар кўзларни нури илмдандир. (З.Фуркат)
Кимки бўлса, ақлга йўлдош,
Йиқилганга бўлади қўлдош. (А.Х.Дехлавий)
Керакдир синаш аввал ақлин, ишин,
Улуғлаш керак қадрин ундан кейин.
Узоқ вақт ўтмай билишлик қийин,
Киши ақлини-ю, уни кимлигин. (Саъдий Шерозий)
Фикрлаш - ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир. (Испан мақоли)
Инсоннинг ақлига, дарахтнинг ёшига қараб ҳурматлайдилар.
(Озарбайжон мақоли)



7. Мустаҳкамловчи машқлар:

1.Машқ. Қуйидаги матнлар қайси услубга хослигини аниқланг ва ўз муносабатингизни оғзаки баён этинг.

1. **Матн.** Кучли қизиш пайтида қон томирлари тонуси шу даражада кучаядики, натижада, артериал қон босими ошади, баъзан томирлар ёрилиб кетади. Оқибатда инфаркт, инсульт келиб чиқади.

2.**Матн.** Адабий тил меъёрлари бузилишининг икки турини фарқлаш лозим. Биринчиси шуки, сўзловчи ёки ёзувчи адабий тил меъёрларини билмаганлиги учун бундай нуқсонга йўл қўяди ва у тузган нутқ нотўғри деб қаралади. Иккинчи ҳолатда эса сўзловчи ёки ёзувчи адабий тил меъёрларини мукамал билади, лекин турли, масалан, эстетик мақсад билан муайян қонуниятлар асосида бу меъёрларни бузади ва унинг нутқи нотўғри деб ҳисобланади.

3.**Матн.** Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ асос, мустақил маъноли сўзнинг қўшилиувидан ҳосил бўлади ва битта умумий тушунчани ифодалайди. Улар қўшиб ёки ажратиб ёзилади: ойболта, девқомат, шерюрак, сотиб ол, олиб кет каби.

4.**Матн.** Сўз айтиш – оғир иш. Гоҳида биргина инсонга сўз айтиш учун қанча тараддуд кўрасиз, ўзингизга қулай вақтни пойлайсиз, эшитадиган кишингизнинг кайфиятини мўлжаллайсиз, қоғозга ёзмасангиз ҳам, ичингизда айтар гапингизнинг бир неча нусхасини тайёрлайсиз, танлаб-танлаб, сўнггина айтасиз. Шугинага баъзан терлаб-пишиб кетасиз, юрагингиз ҳам бир неча бор ўйнаб тўхтайд.

5. **Матн.** Бағримнинг на кеча, на кундуз сўнмовчи мангу ўтини кўриб, Қуёш қизара-қизара ортга чекинди. Мени армон ичра ғарқ ва ёлғиз кўриб ой булутлар ортига бекинди. Юлдузлар пирпираб ой ортидан югурди. Кўксимдаги йиғланмаган дардларни кўриб булутлар йиғлаб юборди. Мен ошкор ҳайқириб йиғлай олмасдим. Осмон ошкор, ҳайқириб йиғлади. Сенинг ёдинг менинг кўксимни бутун умр бўйи пора-пора қилиб келади. Яшинлар эса омон бағрини лаҳзаларгагина поралади.

2.Машқ. Қуйидаги матнлар қайси услубга хослигини аниқланг ва тил бирликларини топинг ва турлари бўйича оғзаки таҳлил этинг.

1.**Матн.** Илмий услубда воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ, далилларга асосланган, изчил маълумотлар берувчи нутқ услуби бўлиб, унда ҳар соҳанинг махсус атамалари иштирокида мажхул ва мураккаб курилишли гаплар қўлланади.

2.**Матн.** Яхши ва гўзал инсонлар бу дунёда фақат дам олишу, кўнгилхушликлар учун эмас, балки ўз яқинларига ёрдам бериш учун яшайдилар.

3.**Матн.** Донишмандлик ва ақл-фаросат билан иш кўрган одамларни ҳақиқатпарвар дейишади. Ҳақиқатни ёқлаган кишилар доимо ҳақиқат тантанаси учун курашадилар.

Фалсафа билан шуғулланувчи кишилар ҳақида: “Улар бу дунёни барча хавф-хатарлардан сақлаб қолиш йўллари билан билишади”, дейишади.

4.Матн. Сиз севган онингиздан бошлаб ичингиз ёруғ нурга тўлади, ҳамма нарса уйғун бўлади, ҳаётнинг митти совғаларидан ҳам олам-олам қувонч ола биласиз.

3. Машқ. Қуйидаги сўзлар асосида илмий, расмий ва публицистик матн тайёрланг. Тайёр матнингизда қўлланилган тил воситаларини топинг ва оғзаки таҳлил этинг.

Тил, нутқ, маданият, кишилар, онги, тафаккури, тушунчаси, борлиқ, ижтимоий, ҳодиса, табиий, жараён, софлик, аниқлик, тўғрилиқ, мақсадли, билиш, ўрганиш, ўсиш, одоби, ақли, мантиқийлик, ўрганиш, изланиш, ўқиш, оғзаки, ёзма, шакл, иборат.

4. Машқ. Қуйидаги сўзлар асосида илмий, расмий ва публицистик матн тайёрланг. Тайёр матнингизда қўлланилган тил воситаларини топинг ва оғзаки таҳлил этинг.

Ота-она, дўстлик, алоқа, яхшилик, ҳамжиҳатлик, иноқлик, илмий, асосланган, текшириш, турмуш, чорраҳалар, гўзаллик, ошно, ҳис, тафаккур, қудрат, маънавий, маданий, тотувлик, топмоқ, бўлмоқ, ҳайратланмоқ, текширмоқ...

5. Машқ. Амир Хисрав Деҳлавий ҳикматларини келтирган ҳолда “Дўст билан обод уйинг” мавзuida эссе ёзинг. Ижодий матнда қўлланилган тилнинг тасвирий воситаларини аниқланг ва оғзаки тушунтириб беринг.

Татимас хуррамлик дўсту ёрсиз,

Шодлик ношодликдир дўст дийдорисиз.

6. Машқ. Қуйидаги сўзлар қатнашган матн тайёрланг. Тайёрлаган матнингизда тил воситаларидан қайси бири қатнашганлигини, қайси услубга хослигини оғзаки тушунтириб беринг.

Уфқ, қуёш, осмон, ёмғир, совуқ, жунжикмоқ, ҳолат, сарик, барг, дархт, кайфият, инсон, одам, жараён, кўнгил, айрилиқ, тушкунлик, ҳижрон, азоб, ўксиш, қалб.



8.Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

8.1. “Муомалада, одоб ва ахлоқда гўзалликка ошно бўлинг. Ҳамма ишда ва ҳар қандай суҳбатда сабр-қаноат лозим. Тилингизнинг ақлингиздан олдинга кетишига йўл қўйманг. Битта сўз билан ўзимизга ва ўзгаларга қандай зарар етказа олишимизни тасаввур қила олганимизда эди, унинг оқибатида вужудга

келадиган катта талофатларни тузатиб бўлмаслигини англаган бўлар эдик. Билинги, бепарволик билан айтилган бир оғиз совуқ сўз инсонни хафа қилиши, дилини оғритиши, ранжитиши, изтиробга солиши, ларзага тушириши, довдиратиб қўйиши мумкин. Яхши гапириш учун инсонда ақл етмаслиги ёки индамайгина қўя қолиши учун идрок етишмаслиги мусибатдир. Кўнгил нафосати руҳни юксалтирса, ҳаракатларнинг гўзаллиги юракка роҳат бахш этиши ёдингизда бўлсин”. Балтасар Грасианнинг ушбу фикрларига сизнинг муносабатингиз.

8.2. “Оқилона ва одилона сўз – асл ва қимматбаҳо тошдек яшириндир”. Ушбу фикрга сиз қўшиласизми?

8.3.”Асл нотиклик барча керакли нарсаларни меъёри билан айта олиш санъатидир” деган фикр тўғрими?



9. Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

9.1.Топшириқ. Қуйидаги мазмунда ариза ёзинг:

- а)академик таътил олишга рухсат беришларини сўраб;
- б)бошқа факультетга ўтказишлари ҳақида;
- в) ишга кириш ҳақида.

9.2. Топшириқ. Қандайдир воқеанинг гувоҳи бўлганлигингиз ҳақида репортаж тайёрланг.

9.3.Топшириқ. Матн устида ишлаш.

9.3. Қуйида берилган гапларни матнга айлантиринг ва мазмунини оғзаки тушунтириб беринг.

Абу наср Фаробий ҳақидаги матн

Бўш вақтларида ана шу китобларни ўқий бошлаган. Унинг буюк олим, қомусий билимлар эгаси бўлиб етишишига айнаи шу ҳол сабаб бўлади. Улар орасида Аристотелнинг ҳам бир қанча рисоалари бўлган. Фаробий мутолаага шу қадар берилиб кетадики, ҳатто қозилик вазифаларидан ҳам воз кечади. Қози бўлиб ишлаб юрган Фаробийга кунлардан бир кун унинг яқин кишиларида бири сақлаб туриш учун кўп китоб берган. Ривоятларга кўра, Фаробийнинг илмга бўлган қизиқишида қуйидаги воқеа катта аҳамият касб этган (Ш.Мансуров. Минг бир хазина.18-бет).



10.Топшириқ. Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

10.1. Бадий асарлардан парча келтирган ҳолда индивидуал шахс нутқидаги таъсирчанликни оширувчи воситаларни топиб сўзлаб бериш.

10.2. Абдулла Авлониининг “Ҳифзи лисон” бобидан берилган парчани ўқинг, саволларга ўз муносабатингизни билдиринг. “Она тилим ўлмайди” мавзuida матн тузинг ва оғзаки ифодалаб беринг.

“Ҳифзи лисон” деб ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётини(нг) сақламоғини айтилу. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур. Ҳайҳот! Биз, туркистонлилар миллий тилни сақламак бир тарафда турсин, кундан кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилиб, бир четига рус тилини ҳам ёпиштурмакдадурмиз.

Саволлар:

1. Абдулла Авлониининг фикрига қўшиласизми?
2. Сизнинг ўз тилингизга муносабатингиз қандай?
3. Ҳар бир миллатнинг кўзгуси нимада акс этади?
4. “Ҳифзи лисон” сўзининг маъносини биласизми?
5. “тил миллатнинг борлигини кўрсатадиган ойнаи жаҳони”, деганда нима назарда тутилган.
6. “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” фикрнинг моҳиятини изоҳланг.

Саволлар:

1. Нутқий услублар деганда нимани тушунаси?
2. Нечта услуб турлари бор?
3. Сўзлашув услуби билан бадий услубнинг ўзига хос томонлари нимада?
4. Илмий услуб бошқа услублардан нимаси билан ажралиб туради?
- 5.Расмий услубнинг ўзига хос томони нимада деб ўйлайсиз?
- 1.Нутқ маданияти билан нутқий малаканинг фарқи нимада?
- 2.Радио ва телевидение қайси тил нормаларига киради?
- 3.Нутқ маданияти малакасини эгаллашнинг қандай йўллари мавжуд?
- 4.Тилда оғзаки нутқ маданияти ва ёзма нутқ маданияти тушунчаларининг фарқи нималарда кўринади?
- 5.Ёзма нутқ доирасига кирувчи қандай услублар мавжуд?

6.Оғзаки нутқни юзага келтирувчи асосий омиллар нима?

7.Нутқ маданияти соҳасининг қандай асосий йўналиши мавжуд?

Глоссарий

Адабий тил – оғзаки ва ёзма шаклга эга бўлган, тилшунос олимлар томонидан қайта ишланган, шакллантирилган, меъёрлаштирилган тил.

Радио ва телевидение нутқи – радио ва телевидение орқали адабий тилда сўзловчи дикторлар ва шарҳловчилар нутқи.

Маърузачилар нутқи - бу кўринишга олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг, тарғиботчилар, олимларнинг маърузалари ва чиқишлари.

Саҳна нутқи – томошабинлар учун тушунарли, диалогик характерга эга бўлган оғзаки нутқ кўриниши.

Намунали ҳужжатлар - бошқарувнинг муайян бир хил вазиятлари билан боғлиқ, бир – бирига ўхшаш ва кўп такрорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни ўз ичига олади.

Қолипли ҳужжатлар - одатда олдиндан тайёрланган босма иш қоғозларига ёзилади, бундай ҳужжатларда икки турли ахборот акс этади, яъни ўзгарувчан ва ўзгармас ахборот берилади.

Хизмат ҳужжатлари - тайёрланишига кўра муассаса ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлса, шахсий ҳужжатлар - яқка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятларидан ташқаридаги ёки жамоат ишларини бажариш билан боғлиқ масалаларга тегишли бўлади.

Адабиётлар:

1. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари.-Тошкент, 1992.
2. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
3. Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. - Самарқанд,1984.
4. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. -Тошкент, 2002.
5. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
6. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
7. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
- 8.Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

10-МАВЗУ: Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари.

Нутққа тайёргарлик кўриш. Нутқ техникаси

1. Дарснинг мақсади: Талабаларга нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўлларини ўргатиш, шунингдек, нутққа тайёргарлик кўриш учун нималар қилиш зарурлиги бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш.

2. Режа:

1. Нутқ маданияти – нутқий малака.
2. Оғзаки нутқнинг вазифавий кўринишлари.
3. Тилни табиий ҳолда эгаллаш.
4. Тилни ўқитиш ва ўргатиш орқали эгаллаш.
5. Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш ва шуғулланиш орқали эгаллаш.
6. Тил ва нутқ маданиятини намунали нутқларга тақлид қилиш орқали эгаллаш.
7. Нутқ техникаси.

3. Таянч тушушунчалар. Нутқ маданияти, нутқий малака, норматив воситалар, ёзма нутқ маданияти, оғзаки нутқ маданияти, илмий нутқ, расмий нутқ, телевидение нутқи, ўқитувчи нутқи, талабалар нутқи, тўғри нутқ босқичи, нутқ техникаси.



4. Эслаб қолинг. Тилни эгаллаш ҳақида гап борганда икки сифатий нарсани фарқламоқ керак. Буларнинг биринчиси, умуман, ўзбек тилини - халқ тилини билиш, иккинчиси, ўзбек адабий тилини эгаллаш.

Нутқ маданияти шахснинг, умуман, тилни билиш даражаси билангина эмас, балки адабий тилни намунали билиши ва ундан нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида ўринли фойдалана олиши даражаси билан ўлчанади.

Кишилар оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллашлари учун қуйидаги томонларга ҳам эътибор бермоғи керак:

-ҳар бир киши ўзининг кундалик тилига эътибор қилмоғи, ундаги ютуқ ва нуқсонларни сеза билмоғи керак;

-ҳар бир киши ўз она тилисига, унинг қонун-қоидаларига онгли, илмий муносабатда бўлиши лозим. Бунинг учун ўша тил грамматикасини, фонетикасини, лексикологияси ва стилистикасини яхши билиши талаб қилинади;

- ҳар бир киши ўз ёзма ва оғзаки нутқи устидан онгли назорат ўрната олмоғи лозим. Бу шахсларнинг ўз нутқи устидан ютуқ ва камчиликларга танқидий ёндаша олиш кўникмасини юзага келтиради;

-кишиларда нутқ маданиятини эгаллашнинг муҳим шартларидан бири тилга ҳурмат билан қараш, унга муҳаббат қўйишдир;

-тилни ўрганиш, нутқ маданиятини эгаллаш киши ҳаётининг маълум даврига тўғри келадиган вақтинчалик иш, бир фасллик тадбир эмас, балки доимий интилиш ва шуғулланишни, бир умр такомиллаштириб боришни талаб қилувчи ҳодисадир.



5. Ёдда тутинг. Нотикнинг овозида қуйидаги хусусиятлар бўлиши лозим:

-жарангдорлик (товушнинг тозалиги ва тембрнинг ёрқинлиги);

-кенг диапазонлик (овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси);

-ҳаводорлик (эркин сўзлаганда яхши эшитилувчанликка эга бўлиши);

-ихчамлик, ҳаракатчанлик;

-чидамлилиқ (узоқ ишлаш қобилиятига эга бўлиш);

-мослашувчанлик (динамик, тембр, мелодиканинг эшитилиш шароитига мослаша олиши);

-қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик (халақит берувчи шовқинга қарши тембр ва тесситуранинг ўзгариб туриши);

-суггестивлик (овознинг хаяжон ифодалаш ва бу орқали қандай сўз айтилаётганидан қатъий назар тингловчининг хулқига таъсир қилиш хусусияти).



6. Билиб олинг. Донолар бисотидан. Ўқинг ва уқиб олинг.

6.1.Нутққа тайёргарлик кўришнинг 4 хил усули мавжуд:

1.Экспромт (бадиҳа) – ҳеч қандай тайёргарликсиз нутқ сўзлаш.

2.Нутқнинг план-конспекти – олдиндан режа тузилиб, ҳар бир қисмнинг асосий ғояси ва керакли фикрлар батафсил ёритилган бўлади.

3.Нутқ матни – тайёр нутқ матни тўлиқ ўқиб берилади.

4.Ёддан сўзлаш – ҳеч қандай матнга қарамасдан ёдланган нутқ сўзланади.

6.2.Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,

Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда,

Билимларни тўплаб ҳурмат этдилар,

Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:

“Одамлар қалбининг чароғи билим,

Балодан сақланиш яроғи билим”. (А.Рудакий)
Кимки ўрганишни уят-ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан лаъл-олмос. (Низомий Ганжавий)
Сўзни билган зарга бўлмайди муҳтож,
Зар қиммати топар сўз билан ривож. (Абдурахмон Жомий)
Дурга тўлар сўзла маъно денгизи,
Сўздир инсон таққан зирак-юлдузи.
Эски чархнинг садаф, биллури аро,
Сўздир унга лойиқ гавҳар бебаҳо. (Абдурахмон Жомий)



7. Мустаҳкамловчи машқлар.

1.Машқ. 3 кишидан иборат гуруҳ тузилади. Биринчи талаба семинар машғулотининг назарий материалидан бир масалани гапириб беради.

2-талаба нотиқнинг нафас олиши, овозининг кучи, жарангдорлиги, чидамлилиги, тембри, дикцияси ва ритмини кузатади ва таҳлил қилади.

3-талаба сўзловчининг модуляциясига эътибор бериб, унинг овозига образли характеристика беради. Масалан: маза-тамга нисбатлаш (овози хушбўй олма ҳидига ўхшайди), кўриш характеристикаси (оловрангга ўхшайди), эшитиш характеристикаси (кўнғирокнинг овозига ўхшайди), сезиш характеристикаси (ипакка ўхшайди).

Кейин роллар билан алмашадилар ва шу тарзда мавзу мустаҳкамланади.

2-машқ. Қуйидаги матнни ўқингва ўз муносабатингизни оғзаки ифодаланг.

Цицерон: “Ҳарбийлар қурол ишлатишни тинимсиз машқ қилганидай нотиқ ёшлигиданоқ тинмай сўзга эгалик қилишни машқ қилиши керак. Чунки нотиқликка туғилганидан кўра кўпроқ қийинчилик билан эришилади. Унга кўп билим ва меҳнат талаб этилади”, - деган эди.

3-машқ. Қуйидаги антонимлар иштирок этган мақолларни топиб ёзинг.

Ақлли-аҳмоқ, яхши-ёмон, тўғри-эгри, доно-нодон, дўст-душман, шоҳ-гадо, катта-кичик, кенг-тор, илмли-илмсиз, ёш-қари.

4-машқ. Мисоллар ичидан контекстуал антонимларни ажратиб ёзинг.

1.Айтувчи аҳмоқ бўлса, тингловчи доно бўлсин. 2. Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур, Ва лекин бири қанд, бири туз эрур. 3. Олий ҳимматли, мард одам бир

лахзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошналигини бир лахзада барбод қилади. 4. Дўстларнинг ҳасади, душманларнинг хусуматидан ёмондир. Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг балоси юқар. 5. Аёл меҳри - асалдек тотли, Аёл макри - захардек хавфли. 6. Одам ўз фарзандларининг йил сайин ўсиб, камол сари кетаётганини билади-ю, ўз ота-онасининг йил сайин чўкиб, завола сари кетаётганини билмайди.

5-машқ. Қуйидаги сўзлар воситасида иккита матн тузинг бири илмий ва иккинчиси публицистик матн бўлсин. Тузган матнларингизни адабий тил меъёрлари асосида оғзаки сўзлаб беринг.

Гул, бекат, урашув, бўлмоқ, жараён, йиллик, эга, ҳосил, ўстирмоқ, уй, хонаки, яввойи, ўсиш, чатиштирмоқ, турлича, биологик, ўсимлик, сув, тош, сув, тупроқ, озиқа, маданий, инсон, умр, ёшариш, яшамоқ...

6-машқ. Амир Хусрав Деҳлавий ҳикматини келтирган ҳолда ишно ёзинг. Ёзган иншонгизда нутқнинг коммуникатив сифатларига риоя қилинмаган томонларини аниқланг, оғзаки таҳлил этинг.

Агар яхши бўлмоқ эрсанг, яхши бўл,
Рост гапир, ростликда инсон нақши бўл.

7-машқ. Қуйидаги шеърда нутқ таъсирчанлигини оширувчи сўзларни топинг ва оғзаки таҳлил этинг. Шеърда қўлланилган салбийлик ва ижобийликни оширувчи сўзларни топиб, ўз муносабатингизни билдиринг.

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,
Лаганбардорлардан сўранг Чўлпонни...
Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,
Ўзи ҳам ортидан қилгач сафарлар.
Қодирий бобонинг қўлларин ўпиб,
Чоҳга итарган ҳам – лаганбардорлар.
Улар Иблис билан тили бир ўртоқ,
Улар Азроилга содиқ чопарлар.
Аввал Усмонларни сотиб, кейинроқ
Фарёд кўтарган ҳам – лаганбардорлар.

8-машқ. Қуйидаги синоним сўзларнинг инсон онгига тез, ижобий ва салбий таъсири доирасига кўра, шунингдек, даражаланишига кўра ажратинг.

Кулмоқ-жилмаймоқ- табассум қилмоқ- мийиғида кулмоқ- кулимсирамоқ- иржаймоқ-тиржаймоқ-ишшаймоқ-иршаймоқ.

Қарамоқ-назар ташламоқ-боқмоқ-қиё боқмоқ-бақираймоқ.

Юз-бет-чехра-рухсор-жамол-афт-турк-башара-ораз.

Қизик-ғалати-ажойиб.

Кеккаймоқ-керилмоқ-гердаймоқ-серраймоқ-чиранмоқ-шишинмоқ.

Қайғурмоқ-ачинмоқ-куймоқ-куйинмоқ-афсусланмоқ.



8. Талабаларнинг оғзаки нутқини ўстириш бўйича топшириқлар:

8.1.”Дўст танланг. Дўст сизнинг имтиҳонларингиздан ўз ақли, садоқати ва ишончи билан ўтсин. Дўстлар билан баҳам кўрилмаган ҳар қандай фароғат инсонга татимайди. Яхши дўст давлат ҳисобланиб, ҳаёт таъми у биландир” Балтасар Грасианнинг фикрига қўшиласизми?

8.2. “Ўзингизни эркин тутинг. Бу обрўни оширади, нутқни илҳомлантиради, ишга жон бахш этади. Ўзини эркин тутган инсон ҳамма жойда осонлик ва эпчиллик билан атрофидагилардан ўзиб кетади. Эҳтиёткорлик ва маҳорат билан эришолмаган мақсадга ўзингизни эркин тутишингиз ва фикрларингиздаги эркинлик билан эришиш мумкин. У жасорат, ақл ва донишмандлик белгисидир” деган фикрга сизнинг муносабатингиз?

8.3.”Сўз одами ва иш одами. Уларни фарқлай олинг. Сизга уларнинг қайси бири дўст эканлигини ажратишингиз жуда муҳимдир. Кимдан фойда, кимдан соя, тўғри баҳоланг” деган фикрга қўшиласизми?

8.4. Ёзувчи Лев Толстой шундай деган: “Бировнинг бахтсизлигига бахт куриб бўлмайди...” Шу жумлаларни давом эттириб, нутқ тузинг.



9. Топшириқлар: (Индивидуал ишлаш учун).

1.Топшириқ. Даврий газеталар устида ишлаш.

9.1.Боғча болалари нутқи бўйича публицистик мақола тайёрлаш.

9.2. Кексалар нутқига оид матнларни топиб, фикр билдириш.

9.3.Матн устида ишлаш. Қўйидаги матнни ўқинг ва мазмунини гапириб беринг.

Абу Али Инб Сино ҳақидаги матн

“Мантиқ, - деб ёзади у,- инсонга шундай бир фикр берадики, бу фикр ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади”. У Форобийдан сўнг мантиқ фанини билишнинг тўғри усули сифатида ривожлантиради. Бу масалада

ҳам олим Форобий бошлаб берган фанлар таснифи ҳақидаги масалани тараққий эттиришга ҳаракат қилади. Ибн Сино ижодида фаннинг таркибини текшириш, илмларнинг тартибини аниқлаш, уларни тасниф қилишга эътибор алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг асарлари енгил ўқилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Аҳамиятли томони шундаки, аллома ҳар бир фанни оддий тушунтира олиб, бу илмлардан хабардор бўлишимизга ёрдам беради. (Ш.Мансуров, 26-б)



10.Топшириқ. Уйга вазифа (индивидуал ҳолда ишлаш)

10.1. Қуйидаги матнда Ў.Ҳошимов “Муҳаббат” сўзининг ранг-баранг маъноларини келтирган. Сиз шу сўзларнинг маъно нозикликларини изоҳланг ва “Муҳаббатга асосланган никоҳ мустаҳкамми?” мавзусида нутқ тайёрланг.

Ўзбек тилида “муҳаббат” деган сўз шундай ранго-ранг маъноларга эгаки, ҳайратда қоласиз! Ёқтириб қолмоқ, кўнгил бермоқ, хуштор бўлмоқ, ошуфта бўлмоқ, мафтун бўлмоқ, дил бермоқ, бедил бўлмоқ, мубтало бўлмоқ, маҳбуб бўлмоқ, ошиқ бўлмоқ, яхши кўрмоқ, ишқи тушмоқ, ишқи фоний, ишқи боқий, севги, муҳаббат, меҳр ва ҳоказолар.

10.2. Топшириқ. Академик нотиқлик бўйича матн тузиш. (Бунда ўтилган мавзулар бўйича бир соатлик дарс ишланмасини тайёрлаб, дарс ўтиб бериш).

10.3.Топшириқ. Диний нотиқлик бўйича матн тайёрлаб, оғзаки нутқи орқали сўзлаб бериш.

10. 4. Қуйида берилган гапларни матнга айлантиринг ва ўз фикрингизни оғзаки ифодалаб беринг.

Хизматкор бир соатлардан кейин дастурхонни кўтариб кирганда уй соҳиби “Нега шунча қолиб кетдинг?”, деб унга танбеҳ берди.

-Уни шу ҳолда меҳмон олдига олиб чиқсам, одобдан бўлмас, дедим.

Хизматкор анча ҳаяллади. Меҳмонлар буни сезмагандай ўтиришди. Бу гапни эшитиб, меҳмонлардан бири дуо қилди:

-Тангри таоло дастурхонингизга барака ато этсин, устоз! Чунки шунча чумолига таом берибди... Мезбон уларни кутиб олиб, ичкарига бошлаб кирган хизматкорига “Дастурхон олиб чиқ!” деб буюрди. Мўътабар одамникига мухлислари меҳмон бўлиб келишди.

-Банда дастурхонни очиб қарасам, чумоли босиб ётган экан,- деди хизматкор узрли оҳангда.

-Уни шу ҳолда меҳмон олдиға олиб чиқсам, одобдан бўлмас, дедим. Яна нонни бечора нонхўрлардан тортиб олишни мурувватсизлик деб билдим ва чумолилар дастурхонни тарк этмагунларича кутдим. (Т.Малик, Кўнгил нега қораяди,156-бет)

Саволлар:

- 1.Нутққа тайёргарлик кўриш қандай амалға оширилади?
- 2.Нотикнинг овози қандай хусусиятларға эға бўлиши керак?
- 3.Овознинг ёқимли бўлиши нималарға боғлиқ?
- 4.Овоз бузилишиға сабаб бўладиган омиллар ва уни бартараф этиш йўллари қайсилар?
5. Чиройли нутқ эғаси бўлиш учун нималарға эътибор бериш лозим?
- 6.Нутқ маданиятини эғаллаш учун инсон қандай йўл тутмоғи лозим?
7. Нутқ маданиятини эғаллашнинг қандай йўлларини биласиз?
8. Ўз нутқингиз ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?
9. Таъсирчан нутққа эришиш йўлларини биласизми?

Глоссарий

Фонация – тўғри нафас олиш ва нафас чиқариш фазаси.

Темр – нутқ оқимининг маълум вақтдаги ҳаракат суръати бўлиб, нутқнинг артикуляцион таранглиги аниқлиги даражасини изоҳловчи тезлашуви ёки секинлашувидир.

Тембр – нутққа эмоционал-экспрессив жило берувчи товуш бўёқдорлигидир.

Дикция – ҳар бир товуш ёки сўзнинг тўғри талаффуз қилиниши.

Мелодика – нутқда овознинг баланд-паст тарзда тўлқинланилиши.

Жарангдорлик – товушнинг ёрқинлиги, баланд ёқимли овоз.

Суггестивлик – овознинг ҳаяжонли ифодаланиши.

Кенг диапазонлик – овознинг энг пастликдан энг юқоригача бўлган даражаси.

Адабиётлар:

1. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари.-Тошкент, 1992.
2. Бегматов Э., ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
3. Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. - Самарқанд,1984.
4. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. -Тошкент, 2002.

5. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
6. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
7. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
8. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. -Т.: Ўзбекистон, 1992.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАР

Бугунги кунда таълим жараёнини педагогик технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дарс жараёнида ўқитувчи янги замонавий педагогик

технологиялардан ўринли фойдалана олса, ўқувчи шахсининг эркин тафаккурини шакллантиришга имкон яратади.

Ҳар бир амалий машғулотда замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш мумкин. Амалий машғулотни бошлашда, талабаларни фаоллаштириш мақсадида ёки амалий машғулотнинг охирида мавзуга мос келадиган замонавий педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Амалий машғулот жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган айрим замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар қуйидагилар:

- 1.Зинама-зина
2. Чархпалак
3. Резюме
4. Муаммо
5. ФСМУ
6. Мулокот
7. Елпиғич
8. Блиц-сўров
9. Балиқ скелети
10. Нима учун схемаси?
- 11.Қандай диаграммаси
- 12.Нилуфар гули

1-илова

МУАММО ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу: Услубий хатолар ва уларни бартараф этиш йўллари

1.Муаммо технологиясининг мақсади. Ўқувчиларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммо, масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатиш, уларнинг муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларини шакллантириш. Ҳар қандай муаммоли вазиятлардан чиқиб олишларига ўргатиш.

2. Машғулотни ўтказиш тури. Гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштирган ҳолда, машғулотнинг тартиб-қоидаларини тушунтирган ҳолда ўтказилади. Ўқитувчи томонидан тарқатилган вариантлардан бирини танлаб олган ҳолда таҳлил этишган муаммони ёзишади.

№	Муаммонинг турлари	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
1.	Имловий саводхонлик даражасининг пасайиб кетиш ҳолатлари			
2.	Рекламалардаги турли хатоларнинг кўпайиши			
3.	ОАВларидаги хатоларнинг кўпайиши			
4.	Журналистлар нутқидаги ғализ жумлалар ва паразит сўзларнинг нутқда кўпайиш муаммолари			
5.	Ёшлар нутқида адабий тил меъёрларига амал қилмаслик ҳолатлари			

2-илова

МУАММО ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу: Ғарб ва шарқ нотиклик мактаби вакилларининг ижодий фаолиятини ўрганишдаги муаммолар

1.Муаммо технологиясининг мақсади. Ўқувчиларга ўқув предметининг мавзусидан келиб чиққан турли муаммо, масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишга ўргатиш, муаммонинг моҳиятини аниқлаш бўйича малакаларини шакллантириш. Ҳар қандай муаммоли вазиятлардан чиқиб олишларига ўргатиш.

2. Машғулотни ўтказиш тури. Гуруҳларга ажратиб, уларни мос ўринларга жойлаштирган ҳолда, машғулотнинг тартиб-қоидаларини тушунтирган ҳолда ўтказилади. Ўқитувчи томонидан тарқатилган вариантлардан бирини танлаб олиб таҳлил этган муаммоларини ёзадилар.

№	Муаммонинг турлари	Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари	Муаммони ечишда сизнинг ҳаракатларингиз	Муаммони ечишда учрайдиган тўсиқлар
1.	А.Навоий асарларини тўлалигича таҳлил этиш муаммоси	Олий таълим муассасаларида мумтоз адабиёт дарсларининг йўқлиги	Қисқа бўлса-да маълумотлар берилмоқда	А.Навоий асарлари луғатининг йўқлиги
2.	Ғарб нотиклари ҳақидаги батафсил маълумотларнинг камлиги	Риторика илми бўйича манбаларнинг ўзбек тилида йўқлиги	Ғарб нотиклари ҳақидаги манбаларни талабаларга ўзбек тилида тушунтириб беришга ҳаракат қилинмоқда	Талабаларга тўлиқ маълумот беришда ажратилган соатларнинг камлиги
3.	Шарқ нотиклиги тарихи ҳақидаги маълумотларнинг камлиги	Шарқ нотиклиги, ваъз ва воизлар ҳақидаги маълумотларни билмаслик	Мавжуд манбалардан маълумотлар беришга ҳаракат қилинмоқда.	Тўлиқ маълумотлар бериш учун соатларнинг камлиги
4.	“Нутқ маданияти” фани бўйича аниқ ва батафсил илмий	“Нутқ маданияти” фанига	Университет талабалари учун батафсил	“Нутқ маданияти” фани бўйича

	ва назарий маълумот берувчи ягона дарсликнинг йўқлиги	эътиборнинг камлиги	маълумот берувчи ўқув қўлланма яратиш устида иш олиб борилмоқда	тайёрланган ўқув қўлланмаларни нашр эттириш муаммосининг мавжудлиги
--	--	------------------------	--	--

3-илова

ЧАРХПАЛАК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мавзу: Нотиқларнинг нутқ ва нотиқ ҳақидаги қарашлари

1. Технологиянинг тавсифи: Ушбу технология ўқувчиларга ўтилган мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

2. Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни дарс жараёнида мантикий фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикрлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

3. Технологиянинг қўлланиши: Бу технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ё ўқув предметининг бирон бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган.

4. Машғулотни ўтказиш тартиби:

-ўқувчиларни гуруҳларга бўлади;

-ўқувчиларга ўтиладиган машғулотнинг қонун-қоидалари ва талабларини тушунтиради;

-тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади;

-ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзи ишлаган тарқатма материалнинг ўнг томонига ўз белгисини қўяди;

-гуруҳлар томонидан бажарилган вазифа бошқа гуруҳларга “чархпалак айланмаси” шаклида алмаштирилади;

-гуруҳлар томонидан қайта кўриб чиқилган материал ўз гуруҳларига қайтарилади ва бошқа гуруҳ аъзоларининг фикрлари такқосланади;

-ўқитувчи тайёр материалларни ўқувчилар билан биргаликда ўқийди ва тўғри жавобларни аниқлаб беради;

- ўқувчилар аниқланган жавобларга қараб ўз билимларини аниқлайдилар ва ўзларига баҳо қўядилар.

№	Нутқ ва нотиклик ҳақидаги қарашлар	А.Навой	Цицерон	Демосфен	Кайковус	Ибн Сино	Форобий	Аристотель	А.Қодирий
1.	Биз нутқни эмас, гапираётган инсонни тинглаймиз. Мен сени билишим учун сўзла.							*	
2.	Нотикликнинг энг улуғ фазилатларидан бири зарур нарсани айтишдагина эмас, балки кераксиз нарсани айтмаслиги ҳамдир.		*						
3.	Нутқнинг бош фазилати аниқлик ва равшанликдир.							*	
4.	Тили ёмон одам — халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат келтиради.	*							
5.	Сўздурки нишон берур ўликка жондин, Сўздирки жонга хабар берар жонондин.	*							
6.	Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотик бўлади.				*				
7.	Насиҳатга (ваъзхонликка) кўп берилмаслик керак, уни ўртоқлик суҳбати тарзида олиб бориш керак.					*			
8.	Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш,						*		

	баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси, жисмларга исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.								
9.	Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак.								*
10.	Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ҳодисалар ҳақида эса завқ-шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади.		*						

4-илова

РЕЗЮМЕ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Магистратура бўлимида “Нутқ маданияти” фани бўйича

Мавзу: Ғарб ва шарқ нотиклиги ҳақида

1. Технологиянинг тавсифи: Мазкур технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Ушбу технологияда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Шунингдек, уларнинг айрим элементлари муҳокама қилинади. Ижобий ва салбий, афзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

2. Технологиянинг мақсади: ўқувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосининг ечимини топишга, керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир этишга, уни маъқуллашга, ўтилган мавзулар юзасидан олган билимларини муаммоли жараёнда қўллай олишга ўргатади.

3. Технологиянинг қўлланиши: Маъруза дарсларида, семинар ёки машғулотларда ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, якка ёки гуруҳлар асосида ўтказиш, уйга вазифа сифатида ҳам бериш мумкин.

4. Машғулотни ўтказиш тартиби:

- ўқитувчи алоҳида гуруҳ ёки кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ҳам ўтказиши мумкин;

-гуруҳ томонидан тайёрланган материал гуруҳ ичидан бир ўқувчи томонидан таҳлил этилади;

- агар яқка ҳолда ўтилса, унда ҳар бир ўқувчи тайёрлаган материални ўзи таҳлил этиб беради;

-ўқитувчи берилган материалга қараб гуруҳ ўқувчиларини баҳолайди.

№	Демосфеннинг нотиклик борасидаги қарашларининг		Цицероннинг нотиклик ҳақидаги қарашларининг		Қобуснома асарининг ёшлар онгига таъсир этишининг	
	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

5-илова

ДОМИНО технологияси

1.С:Маданий нутқ олдига қўйилувчи асосий талаблар ва мезонлар.	2.Ж: Адабий тилнинг фонетик-орфоэпик, лексик-семантик ва грамматик меъёрлари талабларига тўла мос келадиган нутқ тўғри нутқ дейилади.
2.С:Тўғри нутқ назарияси	3.Ж:Аниқлик - бу айтилаётган сўз ва иборанинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир.
3.С:Нутқ аниқлигига эришишнинг назарий қоидалари.	4.Ж:Мантиқийлик, энг аввало, нутқнинг тафаккур билан алоқасига асосланади. Мантиқийлик гап, хатбоши, бутун бир асарга тааллуқли бўлиши мумкин.
4.С:Нутқнинг мантиқийлик ҳодисасининг ўзига хос илмий назарияси.	5.Ж:Тоза нутқ - бу тилнинг барча сатҳлари бўйича адабий тил меъёрларига мос ва хос ҳолда фикр ифодалашдир.
5.С:Нутқнинг тозалиги (софлиги)га эришишнинг қонун-қоидалари.	6.Ж:Тингловчи ва ўқувчи эътибори ҳамда қизиқишини қозонадиган хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан нутқ ҳисобланади.
6.С:Адабий нутқнинг таъсирчанлиги (жозибadorлиги) ни шакллантирувчи	7.Ж:Тил маданияти бу сўз санъаткорлари, зиёлилар,

назарий омиллар.	тилшунослар томонидан қайта ишланиб ҳамма тушунадиган ва қўллай оладиган даражага келтирилган, маълум давр учун мосланган ва хосланган барча қонун-қоидалари ва меъёрлари белгиланган, сайқал топган тилга айтилади.
------------------	--

7.С:Тил маданияти тушунчасининг ўзига хос назарий ва амалий томонлари.	8.Ж:Нутқ маданияти тилдан нутқий амалиётда намунали фойдаланиш жараёни. Нутқ гўзал ва қуруқ, ёқимли ёки қўпол бўлиши мумкин. Буларнинг биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий нутқдир.
--	---

8.С:Нутқ маданияти тушунчасининг амалий ва назарий жиҳатлари.	9.Ж:Тил бойлиги бу сўзлар ва иборалар миқдори ва шу тилнинг ифода воситаларига ва ифода усуллариغا қанчалик эга эканлиги билан белгиланади.
---	---

9.С:Тил бойлиги қоидалари ва тушунчалари.	10.Ж:Нутқ бойлиги тилдаги мавжуд имкониятлар, яъни бойликнинг унда қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади.
---	---

10.С:Нутқ бойлиги тушунчасининг назарий ва амалий томонлари.	1.Ж: Маданий нутқ олдида бир неча талаблар қўйилади. Улар: 1. Тўғрилиқ. 2.Аниқлик. 3.Мантиқийлик. 4.Тозалиқ(софлик). 5. Таъсирчанлик (жозибадорлик).
--	---

6-илова

Блиц-сўров услуби

Услубнинг тавсифи. Ушбу метод ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга ўтилган мавзулар бўйича мантикий фикрлашга, ўқиётган фани бўйича турли маълумотларни ўрганишга, дарс жараёнида ўзгалар фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини айтишга ёрдам берувчи услуб ҳисобланади.

Услубнинг мақсади. Ўқувчиларда ўқитувчи томонидан мавзу бўйича тарқатилган материалларга якка тартибда ўз муносабатини билдириш, гуруҳлар билан ишлаганда эса ўз фикрида қолиш ва ўзгалар фикрини инобатга олган ҳолда фикр ифодалашини шакллантиради.

Машғулотни ўтказиш тартиби. Ўқитувчи ушбу услубдан фойдаланишда машғулот бир неча босқичда ўтказилиши ҳақида ахборот беради. Ҳар бир босқич маълум бир вақт ичида бажарилиши ва ўқувчилар шу белгиланган вақт ичида вазифани бажариши лозим. Бу услубда ўқитувчи аввал ҳар бир ўқувчига мавзуга мос тарқатма материаллар беради ва ўрганиб чиқишлари сўралади. Якка тартибда баҳоланиб бўлганидан сўнг гуруҳлар асосида фикрлар жамланади. Муқобил вариантлар танланиб, умумий хулосалар чиқарилади.

Мавзу: Шарқ нотиклик мактаби. Ваъз ва воизлар хусусида

Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси	Тўғри жавоб	Якка хато	Якка баҳо	Ҳаракатлар кетма - кетлиги

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Ваъз нима?	Нутқнинг имон-эътиқод, ватан ва халқ, одоб-ахлоқ каби мавзуларида сўзланадиган турига ваъз дейилади.

2.	Воиз деб кимга айтилади?	Воиз хушовоз, ишонтирадиган, таъсирчан гапирадиган, талаффузи аниқ, юксак билимли ва маданиятли, бир неча тилларни эгаллаган шахс бўлган. Воиз халқни имон-эътиқодга, ватанпарварлик ва инсонпарварликка, маънавий камолотга даъват этиб нутқ сўзлаган.
3.	Нотиқликнинг воизликдан нима фарқи бор?	Нотиқ бошқа одамлар хулқ-атворида ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга сўз орқали таъсир этувчи шахсдир. Воизликда асосан исломий мавзуда маърузалар қилинган.
4.	Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти билан шуғулланган олимлардан кимларни биласиз?	Шарқда нотиқлик ва нутқ маданияти билан Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али Ибн Сино, М.Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Кайковус, Замаҳшарий, А.Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби олимлар шуғулланган.

Блиц-сўров савол ва жавоблари

№	Савол	Жавоб
1.	Публицистика нима?	Публицистика- лотинча «ижтимоий» сўзидан олинган. Публицистика кенг маънода ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалаларини ёритадиган барча турдаги асарларни ўз ичига олади.
2.	Унинг неча кўриниши мавжуд?	Оғзаки ва ёзма
3.	Публицистик услубнинг мақсади нима?	Ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқиш, тарғиб қилиш ва кенг халқ оммасини ишонтириш ҳамда бу масалаларни ҳал этишга ундаш
4.	Публицистик услуб жанрлари қайсилар?	1. Газета – очерк, мақола, эссе, репортаж. 2. Телевидение – тахлилий кўрсатув, информацион ахборот, диалог жонли эфир орқали. 3. Коммуникатив – пресс-конференция, "галстуксиз" учрашув, телемост.

		4. <i>Нотиқлик</i> – дебатлар. 5. <i>Реклама</i> – очерк, эълон, плакат, шиор.
--	--	--

7-илова

“Т-схема” ва “ТТ” асосида технологияси

Шарқда муомала одоби ва оғзаки нутқ		
ОИЛАДА	ОТМда	КЎЧАДА
Қадимдан шарқда муомала одоби “одобнома” тушунаси орқали ўргатиб келинган. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ўзаро муомала, шарқона муносабатлар орқали уқтириб борилган. Шарқона муомала одоби катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш шиори орқали уқтириб келинади.	Ўқитувчиларнинг илмий ва назарий билимларини ўқиб-ўрганиш, берган тўғри насиҳатларини уқиш орқали ўзаро мулоқот маданиятимиз шаклланади.	Ўзимизни тута билиш, кийиниш, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда инсонлар билан муоқотда бўлишни тақозо этади.

Ғарбда нотикликнинг
ўзига хос томонлари

• ?

Шарқда одобноманинг
ўзига хос
кўринишлари

• ?

Риторика фанининг
асосий мазмуни

• ?

А.Навоийнинг
нотиклик ва сўз
хусусидаги фикрлари


• ?

Ибн Синонинг
нотиклик ҳақидаги
фикрлари

• ?

илова

Мисол. «Балиқ скелети» чизмаси - Уларни тасдиқловчи муаммоларни аниқлаш ва тасдиқлаш (лавҳа)



Резюме технологияси

№	Ғарб нотиклиги тарихини ўрганишнинг		Шарқ нотиклик тарихини ўрганишнинг		Нотиклик санъатини ўрганишнинг	
	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

БББ

БББ

Биламан	Билишни иштайман	Билиб олдим
Нотиқлик санъати мактаби вакиллари	Ғарб ва шарқ нотиқлик мактаби вакиллари нотиқликка қўшган ҳиссаларининг фарқли ва фарқли томонлари	Ғарб нотиқлик мактаби вакиллари нотиқликка қўшган ҳиссалари ва Шарқ нотиқлик мактаби вакиллари нотиқликка қўшган ҳиссаларининг ўзига хос томонлари

“ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

- “ФСМУ” - ФИКР - САБАБ - МИСОЛ - УМУМЛАШТИРИШ
- Ўтилган мавзулар, машғулотлар, илм, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, фикр алмашиш, баҳолаш ва яқун яшашга йўналтирилган:
- «Ф»: фикрингизни баён этинг;
- «С»: фикрингизни баёнига бирон сабаб кўрсатинг;
- «М»: кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг;
- «У»: фикрингизни умумлаштиринг.

● Ф С М У

- “Ф” Нутқ маданияти фанининг шаклланишида риториканинг ўрни, одобнома тушунчасида шарқ нотиклигини аҳамияти
- Риторика фани ва риториканинг фан сифатида шаклланиши
- Шарқ нотиклиги тарбиясида одобнома тушунчаси ва муомаланинг ўрни катта.
- “С” Риторика илмининг туб негизида инсон ва унинг мулоқоти намоён бўлади. Шарқ нотиклигида одобноманинг ўзига хос томонлари ифодаланади..
- “М” Аристотелнинг “Риторика” асари дунё юзини кўрмаганида ғарб нотиклигида туб бурилиш бўлмаган бўлар эди. Агар Шарқда одобнома ва турли дидактик, панднома гуруҳига мансуб асарлар шаклланмаганида эди, инсоният оламида ўзаро мулоқот бошқача бўлиши мумкин эди.
- “У” Демак, ғарб ва шарқ нотиклигининг шаклланиши бугунги кунда инсонлар ўртасидаги самимий муносабатнинг шаклланишига тўртки бўлган. Мулоқот замирида нотикликнинг ўзига хос тарихи мавжуд деб ҳисобласа бўлади.

●

Инсерт технологияси

Инсерт – бу самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнларда белгиланган интерфаол тизимлардан биридир.

Инсерт – бу ўтилган машғулотларни фаоллаштиришдан бошланадиган ва матнларда белгилаш учун қўйиладиган масалалар тартибидир. Ундан кейин матнларда учрайдиган турли хилдаги ўқув ахборотларни белгилаш заруратини туғдирадиган ўқитиш тизими.

Инсерт – бу таълим олувчиларнинг китоб билан ишлаш жараёнида ўзларини шахсий билимларининг фаол кузатувини олиб бориш имкониятини таъминлаб берувчи кучли ўқитиш шакли.

Инсерт – бу ўқув материалларни эгаллаш ва мустаҳкамлаш бўйича муаммоли ва кўп тармоқли вазифаларни ечишда, китоб билан ишлаш ўқув малакасини ривожлантиришда фойдаланувчи таълим техникасидир.

Матнда белгилаш тизими

(√) – буни билишимни билдиради,

(к) – янги ахборот,

(-) – билганларимга эътироз билдиради,

(?) – мени ўйлантириб қўйди. Бу масала бўйича менга қўшимча ахборот керак.

Инсерт таблицаси

√	к	–	?

Инсерт

- V- биламан
(-)- тўғри келмади
- (+) –янги ахборот
(?)- тушунмадим


V	+	-	?

ОРГАНАЙЗЕРЛАР

- «Венн»
Диаграммаси 3
объектни,
тушунчани, ғояни,
ходисани
таққослаш
фаолиятини
ташkil этиш
жараёнида
ишлатилади.



«Венн» Диаграммасы



- 2 объектни, тушунчани, ғояни, ходисани таққослаш фаолиятини ташкил этиш жараёнида ишлатилади.

Ақлий ҳужум технологияси

“Ақлий ҳужум”нинг тавсифи. Ўтилган мавзулар бўйича ғояларни умумлаштиришга қаратилган усулидир. Бунда гуруҳ талабалари биргаликда қийин муаммони ечишга ҳаракат қилади. Мавзу ёки ўртага муҳокама қилиш учун ташланган масала бўйича талабаларнинг шахсий ғоялари илгари сурилади. Бу усулда талабаларнинг ижодий қарашлари инобатга олинган ҳолда, энг яхши ғоялар рағбатлантирилади.

“Ақлий ҳужум”нинг мақсади ва вазифаси. Кичик гуруҳлар ёрдамида мавзу юзасидан янги-янги ғояларни яратишдан иборат. Бу усулнинг асосий мақсади ўртага ташланган муаммони ҳал этишда талабаларнинг кўпроқ эркин, мантиқий ғояларни беришга қаратилган. Муаммони ечишда ғоялар қанча кўп бўлса, шунчалик яхши бўлади. Чунки асосий ғоялардан бири муаммони ечишга қаратилади.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

- **Ақлий ҳужум**
- Нутқ маданиятининг предмети, мақсади ва вазифалари
- 1. Ғарб мактаби вакилларида кимларни биласиз?
- 2. Риторика фанига биринчи бўлиб ким асос солди?
- 3. Ғарб нотиклик мактабининг икки кўриниши ҳақида биласизми?
- 4. Демосфеннинг мағлубияти ва ютуқлари ҳақида нималарни биласиз?
- 5. Цицероннинг нотикликдаги ҳиссаси ҳақида нималарни биласиз?
- 6. Шарқда нотиклик мактаби қандай шаклланган эди?
- 7. Шарқ нотиклари ҳақидаги маълумотлар кимнинг қайси асари орқали бизгача етиб келган?
- 8. Алишер Навоийнинг нотиклик ва нутқ ҳақидаги фикрларини биласизми?
- 9. Ибн Синонинг нотиклик ҳақидаги фикрларидан мисол келтира оласизми?
- 10. Фаробийнинг нотикликка қўшган ҳиссаси нимада эди?
- 11. Бобурнинг ёзув санъати ҳақидаги қарашларини биласизми?
- Ҳар бир талабанинг саволларга берган жавоби эътибор билан тингланади, ўқитувчи томонидан ҳулосаланади. Шунингдек, ўқитувчи ҳулосасида талаба ўзининг тўғри ёки нотўғри жавоб берганини англаб етиши керак.
-

ЗИНАМА-ЗИНА ТЕХНОЛОГИЯСИ

Технологиянинг тавсифи. Ушбу технология ўтилган ва ўтилатган мавзуни мустаҳкамлаш, эслаш, ёдга туширишга ёрдам беради. Талабаларнинг ўрганган ёки ўрганмоқчи бўлган мавзу юзасидан фикрларини умумлаштириб, уларни ёзма, расм, чизма шаклида ифодалай олишга ўргатади.

Технологиянинг мақсади. Ўқувчиларни эркин, мустақил, мантиқий фикрлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, назарий фикрларни жамлашга, ўз фикри билан гуруҳга таъсир этишга, эгаллаган барча билимларини қўллай олишга ўргатади.

Технологиянинг қўлланиши: маърузаларда ва семинар машғулотларида қўллаш мумкин. Шунингдек, яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ишлашга мўлжалланган.

Фаробийнинг иждоий фаолияти	
-----------------------------------	--

А.Навоийнинг нотиклик ҳақидаги қарашлари	
--	--

Цицероннинг нотикликка қўшган ҳиссаси	
---	--

Аристотелнинг риторика ҳақидаги қарашлари	
---	--

Ибн нотиклик қарашлари	Синонинг ҳақидаги	
------------------------------	----------------------	--

Зинама-зина технологияси

Фаробий

Цицерон

Навоий

Демосфен

Мустақил ўқиш учун қўшимча материаллар

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асаридан

Мирзо Улуғбек

Мирзо Улуғбекнинг фаросати ва хотирасининг қуввати шу даражада эканки, ҳар ерда бирон жониворга ўқ узиб, ов қилса, шу тарихни эслаб қолар, воқеа куни ва қаерда содир бўлганлигини, жониворлардан қайсилари ов қилинганлигини дафтарга битиб қўяр эди. Тасодифан ўша дафтар йўқолиб қолди ва қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Дафтарни сақлаб юрган хизматчилар саросимага тушдилар.

Подшо деди:

-Ташвиш тортманглар! Мен ўша дафтарга ёзилган гапларни бошдан-оёқ ёд биламан.

Сўнг Улуғбек котибни чақиртириб айтиб турди, улар ёзиб олдилар. Янги дафтар тўлган ҳам эдики, илгари йўқолган дафтар топилиб қолди. Ҳар иккала дафтарни солиштириб, тўрт-беш ихтилофдан бўлак фарқ топмадилар (Аждодлар ўғити. Тошкент. Чўлпон, 1991, 129-бет).

Алишер Навоийнинг “Махбуб ул- қулуб” асаридан

Танбехлар

1. Қайси бир кўнгил қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур. Кўнгилга қадалган тил ханжари етқизган жароҳат битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўрнини тутмайди. Ҳар бир кўнгил тил ханжаридан жароҳатланса, юмшоқ сўз ва ширин тил унга малҳам бўлади ва роҳат беради. Мулойим тақаллум – ваҳшийларни улфатга айлантиради, афсунгар – илонни инидан чиқаради (Аждодлар ўғити. Тошкент. Чўлпон, 1991, 118-бет).

2. Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Кўп сўзловчи валдиروق тунда тонг отгунча хурийдиган итга ўхшайди. Тили ёмон халқ кўнглига жароҳат етказгани каби, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшатга солувчи алжирашга томоқ қирмоғи – эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи. Ширинсухан сўзни юмшоқлик ва келишув билан айтади, кўнгилга келган юз ғам унинг сўзи билан қайтади. Имкони бор ҳар бир яхшилик сўз орқалидир (Аждодлар ўғити. Тошкент. Чўлпон, 1991, 118-бет).

3. Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта оладиган тилни ёлғонга булғама. Ёлғончи – киши эмас, ёлғон айтмоқ эрлар иши эмас.

Ёлғон сўз – дегувчини безътибор қилар, чунки у гавхарни оддий тошдек хор қилар. Кимики чин сўзини ёлғонга қотиштира, асл инжуни нажосатга отар...(124-бет).

4....Тилингни ўз ихтиёрингда асра, сўзингни эҳтиёт билан сўзла. Вақтида айтиладиган сўзни асрама, айтмас сўз теварагига йўлама. Сўз борки тингловчи танига жон киритади, сўз борки айтувчи бошини елга беради. Тилинг билан кўнглингни бир тут. Кўнгли ва тили бир бўлган кишининг айтган сўзи бут. Сўзни кўнглингда пишитмагунча, тилга олма. Нимаики кўнглингда бўлса тилга келтирма. Агарчи тилни сақламоқ кўнгилга оғирдир, аммо сўзни сочиб юбормоқ бошга офатдир. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзингни сўзга уринтирма. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. Оқил чин сўздан ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демоқ оқилнинг иши эмас....(124-бет).

5. Кимники сўзи ёлғон – ёлғони очилиб қолгач уялғон. Ҳар ёлғонни чиндек айтувчи сўзамол – кумушга олтин қопловчи заргар. Ёлғон афсоналар билан уйқу келтирувчи – ёлғондакам уйқуда сўзга қурушувчи. Ёлғон айтувчи – ғафлатдадур. Сўзнинг турлари кўпдир, ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир.

Кимки ёлғонга вақтини сарф этса, унга бу ёмон кўринмай, аксинча яна шу билан фахрланади. Агар тингловчини ғофил топса, уларнинг олдида ёлғонини чинга айлантурса, мақсадини ҳосил бўлган ҳисоблайди...(118-бет).

6.Дарлик кўнгил – шуълалик чироқ; ёшлик кўз – серсув булоқ. Туяқушга юк ортиб кўчса бўлмас, чодир қанотини очиб учса бўлмас. Ўт иши қовурмоқ; ел иши совурмоқ. Сувнинг мазаси муз билан, ошнинг таъми туз билан, инсон яхшилиғи – сўз билан ... Таъмагирдан қарам тилама; гадойдан оқча сўрама. Бахилнинг омонат асраши ажаб, яхшилик қилувчининг хиёнат қилиши адаб...(123-бет).

7.Вафо зайлида ҳаё тўғрисида

Қарам ва мурувват – ота-оналардир. Вафо ва ҳаё – икки эгизак фарзанд. У икковида ҳар қанча равшанлик билан софлик бўлса, бу икковда шунчалик жипслашиш ва бирикиш юз берур. Ҳар бир кўнгилга вафо маскан қилар экан, ҳаё ҳам жойлашади, ҳар бир ўринда у топилар экан, бу ҳам топилади. Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Кимдаки буларнинг иккиси ҳам йўқ – имон ҳам йўқ...

Комиллар - аҳли ҳаё, ноқислар – беҳаё...

Ҳар кимга бир вафо кўрғаздим – юз бевафолик кўрмагунча қутулмадим. Ҳар ким билан бир меҳр-муҳаббат ўйинини туздим – минг жабр ва зўрлик тотмагунча халос бўлмадим...(122-бет).

Фахриддин Али Кошифий “Латоиф ат-тавоиф “ асари Воизнинг дуоси

Бир куни бадавлат бир одам воъизга тилла узук ҳадя этиб, илтимос қилди:

Минбардан туриб менинг ҳақимга яхшилаб дуо қилинг.

Воъиз узукни киссасига солди ва намози жумаъда минбардан туриб унинг ҳақиға бундай дуо қилди: Худоё, фалончига беҳишддан бир тилло қаср ато қил, унинг томи бўлмаса ҳам майли!

Воъиз минбардан тушгач, ҳалиги одам унинг қўлларидан тутиб миннатдорчилик билдирди. Лекин, деди у, қилган дуоингизнинг маъносига кўп ҳам тушунолмадим, “томи бўлмаса ҳам майли”, деганингиз нимаси?

Воъиз жавоб қилди: берган узугинг чиндан ҳам тиллоданми йўқми билмайман. Шу сабабдан тангри таолодан сенга томсиз қаср тиладим (140-бет).

Улуғбек Мирзонинг мажлиси

Саид Имод Хубоизий фозил ва хуштаъб киши эди. У мана буларни ҳикоя қилади: Мирзо Улуғбекнинг мажлисларидан бирида Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ўқилди. Мирзо ундаги баъзи шеърларнинг маъносини мажлис аҳли ўртасига ташлади. Мовароуннаҳрлик бир одам “Шоҳнома”ни мирзо, унинг яқинлари ва маҳрамларига ёқмайдиган бир оҳангда ўқиди. Мирзо менга мурожаат қилиб “ушбу сўз аслида қаердан чиққан?” деб сўрадилар. “Хуросондан чиққан”, - деб жавоб бердим. Бояги моварауннаҳрликлар менинг зиддимни олиб: “Ҳа, хуросонликлар ўз мажлисларида шундай талаффуз қиладилар”, деди.

Мен сўзимда давом этиб: “Хуросонда бирон шеърни ёки бошқа нарсани ўқиганларида бузиб ўқийдилар, масалан, “Зафар аскан” (Зафар маскани) сўзини “зафарбоз” (зафар ўйини) деб ўқийдилар” дедим.

Мирзо жавобимдан мамнун бўлдилар ва каминага хос чопонларини инъом қилиб: Минбаъд менинг ҳузуримда “Шоҳнома” бунақа бузиб ўқилмасин!” – дедилар (136-бет).

Абдурахмон Жомий. “Баҳористон” асаридан

Ҳикматлардан намуна

Бир ҳаким дебди:

Ҳикматдан қирқ дафтар ёздим, лекин ҳеч қандай фойда кўрмадим. Шундан кейин ундан қирқ сўзни танлаб олдим. Бунинг ҳам нафи тегмади. Охири тўрт сўзни танлаб олдим – фойдаси тегди.

Буларнинг биринчиси – аёлларга ҳам эркаклар каби ишонч боғламоқ... Иккинчиси – бойликка ҳирс қўйма, чунки кунмас-куни замон ҳодисалари уни поймол қилади. Учинчиси – сирингни дўстингга ҳам айтма, чунки дўстлик душманликка айлангани ҳаётда кўп учрайди. Тўртинчиси шуки, фақат нафи

тегадиган исмни танла; фойдасиз фазилатдан қочиш ва фақат зарур нарсага қулоқ солиш зарур (94-бет).

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида (Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи Б.Тўхлиев)

Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг...

Ойтулди элигга катталар сўрамасдан туриб сўз бошлаш одобсизлик эканлигини айтади. Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни дастлаб чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, ҳайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақли заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб, турмасдан, гап бошлаб юбора берадилар. Шунинг учун ҳам улар кўп дакки эшитишади.

Қизил тил қилади қисқа ёш сени,
Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.
Нима дер, эшитгин, тилин қисган эр,
Эсонликда яшар ўзин босган эр:
“Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-нек бошни еди, яна егай, бил.
Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг,
Истаган онда бошга етар тил”.

Аммо тирик кишининг сўзламасдан юриши, ҳар доим жим бўлиши маҳол.

Кўпчилик олдида мутлақо оғиз очмаслик икки гуруҳга хос: улардан бири табиатан гапириш қобилиятидан маҳрум бўлганлар, яъни соқов, гунг (лол) кишилар. Бошқаси эса билимсиз кишилар ҳисобланади. Улар билими етишмаслиги туфайлигина суҳбатга аралаша олмайди. Билими кўп, ҳар нарсадан хабардор одамлар эса суҳбатнинг гулига айланади.

Доно сўзи гўё сув эрур,
Сув оқса ер узра кўп неъмат унур.
Шони камаймайди доно ўртоқнинг,
Суви камаймайди зилол булоқнинг.
Донолар бўлади мисоли чимзор:
Қайга оёқ қўйсанг, у ерда сув бор.
Билимсизнинг кўнгли қум эрур гўё,
Ўт-ўлан ўсмайди кирса ҳам дурё.

Керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Чунки тилнинг зараридан қўрқиб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Ёмон ва

яроқсиз сўзлар билимсиз тилидангина чиқади. Шунинг учун ҳам билимсизларни доно кишилар йилки – хайвон қаторига қўшади.

Жоҳил қорни тўйгач, унинг машғулоти ҳўкиздеқ ағанаб ётиш ва беҳуда сўзларни сўзлашдан иборат. Билимли, донолар эса танни ижтимоий меҳнат билан “қойитиб”, билим билан овунадилар, бунинг ҳисобига эса жон семиради. “Жоннинг семириши” бу ўринда маънавий завқ туйғулари билан чулғаниш деган маънога эга. Ахир:

Тананинг улуши томоқдан кирар,
Жон улуши – сўз қулоқдан кирар.

Аслида билимнинг белгиси ҳам икки хусусиятга таянади. Улар туфайли кишининг юзи ёруғ бўлади. Булар:

Бири тил эрур, кўр, бириси – бўғиз,
Уларни тиёлсанг фойдаси – денгиз.
Доно тилу бўғзин асраши керак,
Бўғиз, тил асраган донодир бешак.

Киши ўнта сўзни ўйлаб, биттасини айтмоғи керак. Тийилган, яъни айтилмаган сўз туфайли кишининг кўнгли тўқ, дили – хотиржам. Ноўрин айтилган сўз эса киши кўнглини хуфтон қилади, обрўсини елга беради.

Шундай экан, яхши ва ёмон, фойдали ва зарарли, керакли ва ортиқча сўзлашнинг чегараси қаерда? Буни қандай билиш, ажратиш мумкин? Уларни белгиловчи меъёр нимада?

Бу дастлаб кишига ёқиш-ёқмаслиги, бошқаларнинг муносабати билан ўлчанадиган ҳодиса. Ортиқча сўз жонга тегадиган, кишини зериктирадиган бўлади. Сўрагандагина жавоб қайтариш, кўп эшитиб, оз сўзлаш фикрни кучли мулоҳазаларга таянтириш уни қусурлардан ҳоли қилади.

Сўзни донодан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим. Улуғлардан эшитилган фойдали сўзларни кичикларга етказмоқ ҳам жоиз. Ҳеч ким кўп сўзлаб доно бўлган эмас. Аммо кўп эшитиб, кўпчиликка бош бўлганлар талай.

Камгаплик – донолик йўлининг бошланиши. Сергап одам вайсаки бўлиб қолади, унинг билим ўрганишга қўли тегмайди.

Бироқ киши сўз айтмас экан, унинг билимдон ёхуд билимсиз эканлиги ҳам маълум эмас. Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири тил, бошқаси – юрак. Тил сўз учун, юрак, кўнгил эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли, тўғри, рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ, яъни ҳаракатлантирмоқ керак. Эгри, яроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул.

Кўп сўзлаш – донолик белгиси эмас. У – эзмалик аломати.

Кишилар эзмаси ёвуздан ёмон,

Ардоқли кишилар камгап ҳар қачон. (31-бет)

Яхшилик ва ёмонликнинг омбори қаерда?

Бир донишманддан сўрадилар:

“Яхшилик ва ёмонликни бараваракайига ўзида сиғдира оладиган нарса нима?”

У “тил” деб жавоб берган экан (122-бет).

Бобил шоҳининг Эрон шоҳига юборган мактуби

Бобил шоҳи Эрон шоҳига қуйидаги номани жўнатибди:

“Агар менга олтита нарсанинг мағзини тушунтириб беролсанг, сенга мамлакатимнинг уч йиллик хирожини юбораман. Агар жавоб беролмасанг, унда сен менга ўз мамлакатининг уч йиллик хирожини юборасан:

Тоғдан оғирроқ нима?

Оловдан ҳам кучлироқ нарса нима?

Қиличдан ҳам ўткир нарса нима?

Асалдан ширин нима?

Қуйруқдан ҳам ёғлироқ нарса нима?

Тирик мавжудотлардаги ўзгармас нарса нима?

Эрон шоҳи Бобил шоҳига қуйидаги жавобни юборган экан:

Ёлғон – тоғдан оғирроқдир.

Оловдан ҳам кучлироқ – бу инсоннинг ғазаби.

Қиличдан ҳам ўткирроқ – ёмон хотиннинг тили.

Асалдан ширин – чақалоқнинг оғзидаги она сути.

Қуйруқдан ҳам ёғлироқ – ҳамма нарсани тўйдириш учун емиш берадиган тупроқ ва сувдир.

Тирик мавжудотдаги ўзгармас нарса – бу ўлимдир”

Бундай жавобдан мамнун бўлган Бобил шоҳи шартлашилганидек уч йиллик ўлпонни жўнатиб юборибди (123-бет).

БУЗУРЖМЕХР

Бир гуруҳ ҳинд ҳакимлари бир мажлисда Анушервонни машҳур донишманд вазири Бузуржмехрнинг камолотини таъриф ва тавсиф қилиб, унда бор-йўғи бир айбдан бошқа айб топа олмадилар: Бузуржмехр бир масала ҳақида сўзларкан, тўхтаб-тўхтаб, бир оз ўйлаб сўнгра сўзини давом эттирарди. Унинг

бу иши тингловчининг анчагина вақтини оларди. Бузуржмехр ҳинд ҳакимлари томонидан ўзига қўйилган мана шу биргина айбни эшитиб айтди:

— Аввал «нимани сўзласам экан?» деб ўйлагандан кейин сўзлаш — «бу номаъкул сўзларни нега сўзладим?» деб пушаймон қилишдан кўра яхшироқдир. Байт:

Ўйламасдан сўзлама, сақлаб ўзингни сўзлагил.

Яхши ўйлаб, сўнгра сўзла, тез олғирлик қилмагил (Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 64).

БОҚИЙ УМР

Айтишларича, мўътабар бир одамнинг мажлисида бир олим, фозил кишини кўп таъриф ва тавсиф қилдилар, Мўътабар одам у олимни кўриб суҳбатидан фойдаланишни орзу қилиб, уни шу мажлисга даъват қилиш учун ўз қариндошини юборди. Олим мажлисга келгач, салом бериб ҳамма билан кўришди. Кейин мўътабар одамга таъзим қилиб:

— Мажлисингизга даъват қилганингиз учун ташаккур этаман, минг йил роҳат ва фароғатда умр кечиринг-, деди.

Мўътабар одам олимнинг сўзига таажжуб қилиб айтди:

— Мажлисимизда ҳали ўтирмай туриб, мумкин бўлмаган сўзни оғзингиздан чиқардингиз, бир одамнинг минг йил умр кўришига ақл бовар қиладими?! Бундай сўзни айтиш сиздек олим ва фозил кишига муносибмикан?

— Инсоннинг тириклиги фақат жисмнинг боқийлиги билангина эмас. Одам минг йил умр кўрмаслигини ҳамма билади. Лекин ўлгандан кейин қолган яхши ном яна бўлак умрдир. Сизнинг олижаноб, марҳаматли, шафқатли одам эканлигингизни халқ унутмай, номингизни доимо ҳурмат билан ёд этиб туради. Вафотингиздан кейин ҳам қилган яхшилигингизни халқ унутмайди, номингизни кўнглида абадий сақлайди, деган маънода «минг йил умр кўринг»,—дедим,— деб жавоб берди олим. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 75)

* * *

Ризоуддин ибн Фахриддин машҳур олим ва фозил эди. Унинг ахлоқ-одоб, тарбияга оид кўплаб асарлари бор. Шулардан бири—«Катталарга насиҳат» номли асарининг сўнгги қисми «Ўн бир насиҳат» деб номланади. Биз уни бир оз қисқартирилгаи ҳолда тақдим этяпмиз.

Биринчи насиҳат: Бутун аъзоларингизни гуноҳ ишлардан сақланг, қайғу алам келганда сабр қилинг. Инсоф, адолатни ўзингизга раҳбар қилиб олинг. Ҳеч кимни ўзингизга душман қилманг. Ҳаммани иззат ва ҳурматини бажо

келтиринг. Пул, молу дунёингизни тежаб сарф этинг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Одамларнинг кўнгилларини оғритманг. Кўп ўйланг, оз сўзланг. Нодон ва хиёнатчиларга сиригизни айтманг, улар билан кенгашманг. Олим ва фозилларга эргашинг. Мурувват аҳлларида намуна олинг. Ташқи қиёфангиз ва кўнглингизни пок тутинг. Ўз билганингизга таянманг, яқинларингизнинг маслаҳатлари билан иш қилинг. Қариндош-уруғларингизни зиёрат қилиб, ҳолларидан хабар олиб туринг. Бировдан қарздор бўлсангиз, ваъда қилган кунингизда топширинг. Қўлингиздан келган хизматни ҳеч кимдан аяманг. Ҳар куни бошингизни ёстиққа қўйган вақтингизда кун бўйи қилган ишларингизни бирма-бир кўздан кечиринг, яхши иш қилган бўлсангиз, севининг, маъносиз ишларингиз бўлса, қайғуринг, тавба қилинг. Эртаси куни нима ишлар қилишингизни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келинг, шу қарорларингиз бўйича иш олиб боринг. Кунлар қилган ишларингизни кўрсатувчи дафтарлардир, бу дафтарларга ёмон ишлар ёзилмаслигига ғайрат қилинг.

Иккинчи насиҳат: Дўст, душман орасида юз кизартирадиган нарсаларни ишлашдан ҳазар қилинг, гўзал хулқли бўлиш билан шараф касб этинг. Тўғри йўлдан бир қарич ҳам айрилманг. Ёшда ўзингиздан катталарга иззат, ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат қилинг. Эзгулик уруғларини сочсангиз, саодат экинларини ўрасиз. Одобли, тарбияли одам билан ошна-оғайни бўлсангиз, мартабангиз, даражангиз ошади, халқнинг ишончини қозонасиз. Адабсиз, тарбиясизлар билан ошна бўлсангиз улар сизни ўз йўлларига тортадилар, даражангиздан туширадилар, омонатларингизга хиёнат этадилар, сирларингизни фош қиладилар.

Қитъа:

Ҳасад олам аро ҳосидга басдир

Ки, доим ғусса бирла ҳамнафасдир.

Кишига гарчи ўт ёндирғусидир,

Вале ул ўтга ўзни урғусидир.

Учинчи насиҳат: Бошқаларнинг айбларини кўрган вақтингизда ўз айбларингизни ҳам тушунинг, ўз айбини кўрган киши бошқаларнинг айби билан шуғулланмайди. Бировга чуқур қазиманг, у чуқурга ўзингиз тушасиз. Ҳақлик, тўғрилиikka қарши курашманг, ўзингиз йиқиласиз. Ҳеч кимни беобрў этманг, ўзингизнинг обрўингиз тўкилади. Ўз фикрингизгагина таянманг, адашасиз. Таккаббурлик қилманг. Олим, фозил, донолар билан кенгашиб иш қилинг, пушаймон емайсиз. Олимлар мажлисига қатнашинг, даражангиз ошади, нодонлар билан улфат бўлманг, сиз ҳам улардан саналасиз. Оз сўзласангиз оз янглишасиз. Елғончилик билан шуҳратланманг, ҳамманинг назаридан қоласиз. Ҳар кимнинг даражасини билинг. Ҳеч кимдан таъма қилманг. Билмаган нарсангизни «билмайман» дейишдан уялманг. Керак бўлган илм, хунарни

ўрганишдан тортинмасдан ўрганинг, ўрганмасангиз, кейин пушаймон қиласиз. Ўзингиз истаган яхши ишни бошқаларга ҳам тиланг. Тингланг, нафсингизнинг ҳамма орзуларини бажо келтириб, уни семиртирсангиз ниҳоят фалокат, балки ҳалокатга учрайсиз. Ўтганларнинг иш ва ҳолларини фикр қилиб, улардан ибрат олинг. Ўзингизга керак бўлмаган сўзларга аралашманг. Бузуқликка олиб чиқадиган йўлга асло кирманг. Шафқатли, марҳаматли ва хайр-эҳсонли одамларга яқинлашсангиз, ҳамма сизни улар қаторида санайди. Ҳақингиз бўлмаган ерга кўз ташламанг. Ишламай бошқалар елкасига юк бўлиб ётманг, ғайрат қилиб ишланг. Ўз нонингизни меҳнатингиз орқали топиб енг.

Тўртинчи насиҳат: истаган нарсангиз бўлмай қолса, қайғуриб, бетоқат бўлманг, сабр қилинг. Бир-бирингиз билан маслаҳатлашиб ишланг. Келгуси кунларингизни ўйланг. Хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри бўлган нарса учун сира ҳам қасам ичманг. Жамиятга зарар келтирадиган ишлардан сақланинг. Очiq жойда ишлаш уят бўладиган ишларни яширин жойда ҳам қилманг. Айтишга ярамаган сўзларни оғзингиздан чиқарманг. Ҳар бир маъносиз сўзларни сўзловчи валдир-вайсақи бўлманг. Олди-қочди сўзларга ишониб юрманг. Бошқаларни менсимай «ўзим биламан»деб даъво қилманг, ўзингизни билармон этиб кўрсатманг, илмда сиздан ҳам юқори зотлар борлигини унутманг, мақтанчоқлик жоҳил-нодон кишилар ишидир. Бузук, ярамас кишилар билан ошна-оғайничилик қилишдан сақланинг, чунки ўзингиз сезмаган ҳолда уларнинг ёмон хулқлари сизга ҳам таъсир қилиб қолиши мумкин. Нон ва бошқа нозу неъматларни хорламанг, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Бировнинг ички ва ташқи ҳолини «ёмон одам», деб гувоҳлик берманг. Бир одамнинг оёғи тойиб, қайғу-ҳасратга гирифтор бўлганига шодланманг, унинг ҳоли бир кун сизнинг бошингизга ҳам тушиши мумкин.

Молу давлатингиз билан одамларни рози эта олмасангиз, уларни яхши хулқингиз билан рози қилинг. Бировдан ўч олишга кучингиз етса ҳам ўч олманг, хатосини кечиринг, аччиғланманг, ўзингизни босинг. Ҳузурингизда бировни ғийбат қилган киши бошқаларга сизни ғийбат қилади, бундай кишига кўнгил берманг. Маст киши билан ади-бади этишиб ўтирманг, ундан узоқлашинг. Бир одам билан дўстлашишни истасангиз, муҳтожлик вақтингизда ёрдам қилувчи, тўғри сўзловчи, эзгулигингизни тақдир этувчи, қайғуингизга қайғуланиб, шодлигингизга шод бўлувчи, пок қалбли одам билан дўстлашинг, тилёғлама мунофиқлар билан дўст бўла кўрманг. Кўчаларда заруратсиз йиғилиб одамларнинг ўтишига халақит берманг.

Бешинчи насиҳат: Бир киши учун иккинчи бир киши билан орангизни бузманг. Улар мабодо дўстлашиб қолсалар, сиз уялиб қоласиз. Гўзал ишларни кўриб турувчи кўзлар ва ёзиб турувчи қаламлар бордир. Шунинг учун қилган яхшиликларингизни ҳаммага айтиб, мақтаниб юрманг. Тили кучли бўлган

аччиқ сўзли ва маъносиз сўзлар сўзлаб юрган киши билан асло дўстлашманг. Ақлингиз — энг тўғри насиҳатгўй. Нодонликдан бошқа душмандан қўрқманг. Ёмон ишларни ишлаш эмас, ҳатто кўнглингизга келтирманг. Илм нурини бузуқлик суви билан ўчирманг. Одоб, ахлоқ кийимидан бошқа гўзал кийим топилмайди, буни унутманг.

Олтинчи насиҳат: Орангизда адоват, гинажўйлик давом этаётган бўлса, уларни бартараф қилиб дўстлашинг. Бутун ҳимматингизни халқ манфаати учун сарф қилинг. Мартаба ва мансабни севишга мубтало бўлманг. Нопок нарсаларга вақтингиз ва пулингизни сарф этманг.

Байт:

Шубҳасиз лозим ўғил, қизга нурафшон тарбият,

Боиси бахту саодат — моҳи тобон, тарбият!

Еттинчи насиҳат: одамлардан айб ахтариб юрувчи бўлманг, ўзаро келиша олмай бир-бирингиздан узоқлашиб кетманг, балки дўстлашинг, бир оила аъзолари каби бир-бирингизга меҳр-муҳаббатли бўлинг. Зарурат бўлмаса, бировдан ҳеч нарса сўраманг, унинг миннатини кўтариб юрманг. Арзимаган, аҳамиятсиз нарсалар учун бир-бирингиз билан жанжаллашманг, жоҳил, нодонлардан бўлманг. Илм, фан, одоб, ахлоққа тегишли яхши сўзларни эшитсангиз эсдан чиқмаслик чорасини кўринг. Кераксиз, бўлмағур сўзларни сўзлашдан тилингизни тийинг. Ҳеч кимни ғийбат қилманг, бировга туҳмат қилишдан сақланинг. Қариндош-уруғларингиз, дўстларингиз ёки таниш-билишларингиздан бириси учраб қолса, ҳолини сўранг. Уйингизга келган меҳмоннинг иззат-ҳурматини бажо келтиринг.

Байт:

Гар ёмонлик йўлини ҳар кимса қилса ихтиёр,

Халқ ишончин йўқ этиб бўлгай балоларга дучор.

Саккизинчи насиҳат: Ақлни биз инсонларга улуғ ҳадя, улуғ неъмат деб билинг, уни соф ва комил равишда асрашга эътибор беринг. Бундай улуғ неъматни ва бундай шариф ҳадяни сақлаш ҳар кимнинг энг биринчи ва шарафли бурчи эканини унутманг.

Тўққизинчи насиҳат: Бир-бирингизнинг турмушингизга, молу дунёингизга ҳасад қилманг, аччиғланманг, ёмон сўзга боришманг, ғазаб вақтида ўзингизни тутинг. Иккиюзлама, мунофиқликдан, бахилликдан сақланинг. Ёлғончи, ғийбатчи, туҳматчи ва чақимчи бўлманг. Ваъдангизга вафо қилинг, меҳнатсевар, ишчан, ғийратли ва матонатли бўлинг. Омонатга хиёнат этманг. Одамларни кулдириш учун маъносиз, одоб, тарбияга хилоф бўлган сўзларни сўзламанг.

Байт:

Истасангиз қайғу-ғамлардан нажот,

Ножўя ишлардан айланг эҳтиёт.

Ўнинчи маслаҳат: ақлли одам ўзининг кимлигини, даражасини билиб, шунга қараб иш олиб боради. Гўзал ҳулқли одамларда мунофиқлик бўлмайди. Ёмонликдан қайғуриб, яхшилик учун севиниш комил инсонда топилади. Ризқ-рўзингизни тупроқ остида изланг, яъни ер ҳайдаб уруғ сепинг, тоғларга чиқиб конларни изланг, бу ишларга мутахассис бўлиш учун махсус ўқув юртларига кириб ўқинг. Молу давлатингизни, оилангизни тарбия этишдан қизғанманг. Мабодо ишингиз ўнгламас, қайғуриб ўтирманг, ўнгланишига ғов бўлиб турган нарсаларни битиришга ғайрат қилиб ишга киришинг. Билмаган нарсангизни «биламан» деб даъво қилманг. Ёлғондан гувоҳлик берманг. Ҳақингиз йўқ нарсаларни даъво қилиб олманг. Нафис санъатларни ўрганишга ҳавас қилинг, ўрганинг. Она тилингизни севинг, ҳурматланг, кадр-қимматини тақдир қилинг, юксак мақомга кўтаринг.

Байт:

Ҳар тилакнинг аввалидир, шубҳасиз, тил очқичи,
Тил — тараққий ҳам саодатнинг биринчи босқичи.

Ўн биринчи насиҳат: гуноҳ унутилмайди, эзгулик ерда қолмайди. Ҳар ким нима сепса, шуни ўради. Эзгулик этишга шошилинг. Нафсингизнинг ҳамма истагини бажо келтиришдан чекининг. Хайрли ишлар учун саъй-ғайрат қилинг. Донишмандлар инсоннинг шу ўн икки фазилатга эга бўлишини ҳам айтганлар: Риёзат эгаси бўл; ортиқ даражада еб-ичма, шундай қилсанг, ўз фикрингга эга бўласан, яхшироқ ўйлайсан. Сукут сақла; ўзингга ва бошқаларга фойдаси тегмайдиган сўзлар сўзлама, эзмалик килма. Интизомли бўл; ҳар бир нарсанинг ўз ери ва ҳар бир ишнинг ўз вақти бўлсин.

Мақсад эгаси бўл, қиладиган ишингни аввал яхши ўйлаб, бир қарорга кел, кейин у ишни камчиликсиз бажар. Тежамкор бўл; молу дунёнгни ҳеч фойдаси бўлмаган ишларга сарф этма, пулингни тежа, яъни исрофдан сақлан.

Саъй-ғайрат эгаси бўл; вақтингни бекорга ўтказма. Фойдали ишлар билан машғул бўл, саъй-ғайрат қил. Керак бўлмаган ишлардан қўлингни торт. Тўғрилиқ пеша қил; доимо тўғри сўзла, тўғри ишла, ҳийла-найрангдан ўзингни сақла, қалбинг пок бўлсин, ҳақиқатпарвар бўл, ҳақ, рост сўзни дангал сўйла! Мўътадилликни сақла; ҳар нарсада ўртача ҳолни тут, чегарадан чиқиб кетма, бир одамнинг ҳақсиз бўлганини жуда яхши билганингга ҳам ундан ўч олишга интилма, ўзингни тут. Покдомон бўл; аъзойи баданингни, кийим-кечак, уй ва бошқа нарсаларингни сира ҳам ифлос қилма, тозалikka диққат бер. Қалб ҳузурига эга бўл; майда-чуйда, ҳеч нарсага арзимайдиган нарсалардан қайғуриб, саломатлигингни бузма. Ифбатли бўл; ўзинг тугул, бошқаларнинг тинчлигини ҳам кўрқинч остида қолдирма, доимо ифбатли, номусли бўл, маъносиз йўлларда юрма. Адабли бўл; тарбияли ва олим-фозиллардан ўрнак ол,

тавозели, мулойим сўзли бўл, ўзингни ҳаммадан юқори тутма, камтарлик яхши хислат эканини эсингдан чиқарма! Олижаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган одам бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситишларига сира илтифот қилмайди, тур-мушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Ғайратига ва олий ҳимматлилигига камчилик келтирмайди, яъни мол-дунёси кўп бўлса ғурурланиб, мутакаббир бўлиб қолмайди, халқнинг мақташига севинмайди.

Ҳар вақт бир хилда бўлиб ўзининг даража ва ҳимматини сақлайди. Сабр — қайғу-аламларга, машаққатларга чидашдек фойдали бир ишдир, бунга эга бўлганлар ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб, ўз саломатликларини йўқотмайдилар. Шижоат эгаси бўл; Хавф-хатарларга учраганда, киши ўзини кўрқмай сақлаши қаҳрамонликдир. Бу фазилят кўрқинчли пайтда одамни нолойиқ иш қилиб қўйишдан сақлайди. Мулойимлик шиорини тут; аччиғланган вақтда ўзни тута бил. Мулойимлик улуғ фазилятларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзни босиб, тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулойим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади. Осойишталик қилган одам жанжал, ғавғо вақтларида қичқириб, енгиллик ва қизиққонлик кўрсатмайди, сукут ва сабр сақлайди. Қизиққонлик саломатликка, ҳатто умрга зарар етказди. Қизиққонлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. «Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради», деб шунга айтадилар. Тавозеъ— халқдан ўзини юқори тутмаслик, бошқаларни камситмаслик каби гўзал хислатдир. Ўзини ҳар кимдан ортиқ билмаган одам мақташга сазовор улуғ одамдир. Бу инсоннинг энг яхши фазилатидир. Шундай бўлса-да, тавозеъни жуда ҳам кўпайтириб ўзини ҳақир тутиш, ёки мунофиқона тавозеъ қилиш ярамаган бир ишдир, ўртача тавозеъ мақбул ва марғубдир. Ҳамият — номус ва диёнатни сақлашдир. Чидамлик — гўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида машаққатларга бардош беришдир. Ҳамдардлик—бир одамнинг қайғу, ҳасратларига ачиниб ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишдир. Лекин курук ҳамдардлик фойда бермайди, балки қайғули одамларга ёрдам бериб, уни қайғу, ҳасратдан қутқизиш чорасига киришиш лозимдир. Ҳамдардликнинг тўла маъноси мана шундадир. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 10-14)

* * *

Машхур донишманд Суқрот ҳаким айтади:

— Оқил, доно одамлар ҳалол касб билан шуғулланиб, шу касбларидан топган мол-дунёларидан муҳтожларга инъом-эҳсон қиладилар. Аччиғланган вақтларида тилларини ёмон сўзлардан, қўлларини одамларга озор беришдан сақлайдилар. Агар бир одам сенинг айбингни юзингга солса, камчиликларингни

танқид қилса, уни дўст деб бил, гўзал хулқ-атворли бўлишга, ярамас ишлардан сақланишга ғайрат қил.

Байт:

Ҳар ким ўз айбини билса марддир,

Бошидан айлангил аҳли дарддир.(Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 19)

* * *

Бир донишманддан шогирдлари:

— Нима қилсак тинч ва роҳатда умр кечирамиз— деб сўрадилар. Донишманд:

— Ҳеч қаерда ҳеч кимга бирорта сўз сўзламанг, сукут этинг,— деб жавоб берди.

Шогирдлари:

— Ахир, доим сукут этиб юраверамизми, бу мумкинми? Бошқача йўл кўрсатинг?—дедилар.

Донишманд шундай маслаҳат берди:

— Сукут эта олмасангиз, сўзланг, лекин қисқа ва маъноли сўзланг, оғзингиздан сира ҳам ножўя сўзлар чиқмасин. Ёмон сўз тингловчининг кўнглини хира қилади, бундан сақланинг.

Байт:

Яхши сўздан кўрасан меҳру вафо,

Номуносиб сўзласанг, етгай жазо.(Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 21)

* * *

Олимлардан Ҳаддод айтади:

— Ташаккур — дўстнинг қилган яхшилигини эътироф этиш, унинг ўзига сўзлаб миннатдорлик билдиришдир. Ташаккурнинг ғояси — яхшилик қилган кишининг қилган яхшилиги танилганини, ўринсиз кетмаганини билишидир. Яхшилик қилган кишига унинг ҳимматини, гўзал ахлоқини эътироф қилиб, қилган яхшилигини айтиб ташаккур эт. Агар унга ташаккурингни билдирмасанг, нонқўрлардан саналасан. Сен ташаккур билангина дўстингни қилган яхшилигидан фойдаланганингни, уни тақдир қилганингни билдирасан, шу билан уни яна бошқа яхшиликлар қилишга қизиқтирасан. Шу билан бирга, муносиб фурсат келганда, сен ҳам унга яхшилик этишга ғайрат қил. Дўстлашишдан асл мақсад — фойдаланиш ва фойдалантиришдир, буни унутма, дўстингни қилган яхшиликига, мукофотига яраша сен ҳам унга яхшилик қил ва яхшилиги учун ташаккур эт.

Бир шоир яхши йўлдошнинг гўзал таъсирини англатиш учун шундай деган:

— Бир куни боғни кезиб юргандим, сўлиб ётган бир баргга кўзим тушди. У баргдан хуш ис тараларди. Дарҳол кўлимга олдим, хидлаб жуда хурсанд бўлдим. Баргга:

— Сен гулмисан, анбармисан, бунча хушбўйсан?—деган эдим, барг айтди:

— Мен гул ҳам, анбар ҳам эмасман, оддий дарахт баргиман. Бир куни гуллар орасига тушиб қолиб, бир неча кун бирга бўлдим. Уларнинг хиди менга ҳам ўтди. Шу-шу хушбўй баргга айланиб қолдим

Байт:

Ҳам тавозеъли бўлиб, ҳам боадаб,

Яхшиларнинг суҳбатин қилгил талаб. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 9)

* * *

Бир йигит ахлоқсиз, тарбиясиз бир одам билан суҳбатлашиб кезиб юрганди, таниш бир донишмандга рўпара келиб қолди, уни кўргач, уялганидан қизариб-бўзариб қолди. Донишманд йигитнинг уялиб қизарганини кўриб, уни ёнига чақириб олиб:

— Ўғлим, сенда уялиш асарини кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлдим. Шу билан бирга уялишга сабабчи бўладиган кишилар билан эмас, балки ҳамма сени макташга сабабчи бўладиган адабли, тарбияли кишилар билан дўст бўлиб улфатчилик қилишингни кўришга муяссар бўламан, деб умид қиламан.

Байт:

Ҳеч ўтирма ёмоннинг суҳбатида,

Пок бўлсанг, сени қилур ифлос.

(Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 9)

* * *

Ҳикматли сўзлар

Халқнинг муҳаббатини молу дунёнгиз билан эмас, одобу хушмуомалангиз билан қозонасиз.

Қаҳр-ғазабини енгган киши келгуси истироҳатини таъмин этади.

Ҳақиқатга, яхшиликка ва гўзалликка муҳаббат ижтимоий вазифамиздир.

Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таоми ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидир.

Инсон қўлга киритган ўлжаларидан энг хайрлиси самимий дўстликдир.

Дўст ўз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даводир.

Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари ватаннинг тараққиётига сабабчи бўлади.

Уч нарса дўстликни мустаҳкамлайди: дўстларнинг бир-бирларини зиёрат қилиб туришлари, самимий суҳбатлашишлари ва биргалашиб сайру саёҳат қилишлари.

Байналмилал тарбия миллатлар орасига дўстлик уруғини сочади, ватандошларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади. (Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 116)

* * *

Бир уйни ижарага олиб яшаб турган бир одам уй эгасига бориб:

— Менга ижарага қўйган уйингиз қисирлаб турибди, уни бошқатдан ишлаб тузатиб беринг,— деди.

Уй эгаси ҳазиллашиб:

— Ўша уйимизга авлиёларнинг назари тушган, кўркманг, у кўпинча тасбеҳ ўгириб «хув-хув»лаб зикр этиб туради, холос,— деган эди, ижарага турувчи ярим ҳазил, ярим жиддий суратда шундай жавоб берди:

— Шундайку-я, лекин кунлардан бир кун зикр тушишдан ҳориб, бошини саждага қўйиши мумкин-да! Ана шу саждасидан кўрқаман!..

Уй эгаси хахолаб кулиб, тездан уйни тузатишга ваъда берди.

(Оз-оз ўрганиб доно бўлур. 8)

* * *

Машриқзамин – ҳикмат бўстони. Ҳ.Ҳомидий, М.Ҳасаний. Т.:Шарқ, 1997.

Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феъллик ва фасод табиатлик кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар суҳбати орасидаги фарқ ва улар билан қилинган суҳбат таъсири худди шамол кабидир. Шамол ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй ҳидларни олиб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтиб қолса, муаттар исларни келтиради. Байт:

Ҳар кимнинг бор экан танида жони,
Ким билан сўзлашса, таъсири урар,
Ёмонлик бўлмаса кимнинг афъоли,
Доим яхши билан хуш суҳбат қурар!

(Машриқзамин – ҳикмат бўстони, 67-б.)

* * *

Анушервон Бузургмеҳрдан: “Мулойимлик нима?” деб сўради. У деди: “Мулойимлик ахлоқ дастурхонининг тузи. Ҳилм, яъни мулойимлик сўзини тескари ўқисанг, милҳ, яъни туз бўлади. Ҳеч бир овқат тузсиз таъмга эга бўлмайди. Ҳеч бир хулқ ҳам ҳилм, яъни мулойимликсиз камол тополмайди!” Анушервон яна ундан: “Мулойимликнинг белгилари қандай бўлади?” деб сўради. “Унинг уч аломати бўлади”, деб жавоб берди Бузургмеҳр, - биринчи – биров сенга қовоғини солса ёки аччиқ сўзларни айтса ҳам, унга нисбатан ширин сўз айтасан, агар у ўз феъли билан хафа қилса, уни хурсанд қилишга уринасан. Иккинчи – ғазаб ўт олиб, осмонга ўрлаган пайтда ҳам, сукут қилиб хомуш бўлиб турасан. Учинчи – бирор кимса кирдикори билан ғазабга лойиқ бўлса ҳам ғазабни ичга ютиб, ўзингни босасан!” Байт:

Ёмонликка яхшилик қилмоқ,
Оқилларнинг наздида ҳушроқ.
Бу маънига ҳар кимки етди,
Ёмонликка яхшилик этди.

(Машриқзамин – ҳикмат бўстони, 154-б.)

* * *

Инсоният одобининг ва одабийлик асосининг улуғ қасри устунларидан бири сўзлаш ва нутқнинг қимматбаҳо гавҳарини мулойимлик ва одоб пармаси билан тешмоқдир. Ахлоқ аркининг юқорисида ўтирувчиларнинг айтишича, инсоннинг камолоти ва билимнинг баланд мартабаларидан бири чиройли гапириш ва чиройли сўзлаш бўлиб, бу боғнинг гули ақл баҳористонининг насими билан очилади ва саодатнинг ёрқин жавоҳир дастурхонини ақл савдогаригина ёза олади. Ёқимли ва қимматбаҳо сўзлари донолик ва иқбол арбобининг тожи бўлган юнон ҳакимларининг айтишларича, тил ҳар бир ақл соҳиби фазилати хазинасининг калитидир ва ҳар кимсанинг билими миқдори унинг сўзлари орқали маълум бўлади:

Ҳар киши гапирмай тургани замон,
Айб ила ҳунари бўлади ниҳон!

(Машриқзамин – ҳикмат бўстони, 174-б.)

* * *

Бир куни Бузургмеҳрдан: “Сўзлаш яхшими ёки сукутми?” деб сўрадилар. У эса: “Сўзлаш!” – деб жавоб берди. Ундан: “Нега бўлмаса ўтмиш ҳакимлари доимо аксини айтиб келадилар?” деб сўрашди. Бузургмеҳр: “Сўзлаш афзал

деганимнинг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги бекиёс хислатлар очилмай қоларди!” – деб жавоб берди.

(Машриқзамин – ҳикмат бўстони, 175-б.)

* * *

Сўзлаш йўли нотекис ва хавфли бўлиб, кўп хатарларга эга ва ўйламай, фикр қилмай лабни ҳеч бир сўзни изҳор қилишга очмаслик керакки, ўйламай айтилган сўз кўп бошларни фано чавгонининг гўйига айлантирган, жон хазинасини завоқлик ва нуқсон қиморига ютқазган.

Сўзлашда бир неча қоида бўлиб, уларнинг ҳар бирига риоя қилмоқ лозим. Биринчиси шуки, бесабаб ва бемавридлик калити билан тақаллум қулфини очмаслик лозимки, сўз гавҳари тўғри ва аниқ бўлса-да, бевақт ва беаҳал айтилса, идрок бозорининг гавҳаршунослари ва қоида билувчилари назарида эътибордан четда қолади ва ҳеч ким уни эшитишга рағбат қилмайди. (Машриқзамин – ҳикмат бўстони, 177-б.)

Имом Аъзамнинг отаси ва ариқда оқиб келган қирмизи олма

Имом Аъзам Ҳазратларининг оталари Собит Ҳазратлари йигитлик чоғларида, ёшликнинг баҳор мавсумида эканларида бир оқар сув бўйида таҳорат қилар эдилар. Таҳорат олиб, дуоларини ўқиб, артиниб сув оқишини завқланиб тамоша қилар эканлар, сувнинг устида қирмизи, холдор, чиройли олма оқиб келаётганини кўриб қолдилар.

Чиройли, қирмизи олманинг гоҳ сувга ботиб, гоҳ юзага чиқиб, тўлқинланиб оқаётган сувда қалқиб келиши Имом Аъзамнинг отасини жуда завқлантирди, у олмани тутиб олиб бир тишлади. Бир тишлаган олма мазасини билибоқ хушига келди ва:

- Мен нима қилиб қўйдим! Бу олманинг албатта эгаси бор. Ўзимники бўлмаган бир нарсани қандай қилиб эгасининг изнсиз тишладим, - деди.

Ўз ғафлатларидан шул он ўйғондилар-да, сув оқиб келаётган томонга юрдилар. Бироз юргандан кейин сувга эгилиб тушган, шоҳларида жуда кўп олма бўлган дарахтни кўрдилар. Қўлларидаги тишланган олмага қарасалар дарахтдаги олмаларга ўхшайди. “Мен тишлаган олма шу боғники экан”, деб боғ соҳибини чақирдилар. Ва ҳалоллик тилаб бундай дедилар:

- Бу олма сизнинг дарахтингиздан тушганга ўхшайди. Ариқ бўйида таҳорат қилиб ўтирган эдим, олма оқиб келаётган экан. Мени ғафлат босиб

олмани тутиб олиб бир тишладим. Шундан кейин ғафлатдан ўйғондим-да, бу олманинг эгаси бўлса керак, ундан ё ҳалоллик тилай ёки унинг ҳақини берай, деб сизни истаб келдим. Сиздан розилик сўрайман, олманинг ҳақини бераман, ёхуд бу ғафлатим сабабли сиздан рухсат олмай, фикрингизни билмай қилган хатоимни кечиришингизни сўрайман ва олмани ҳалол этишингизни иштайман.

- Ҳеч ҳалол этмайман! Нега мендан сўрамай, рухсат олмай олмамни тишладинг, - деди боғ соҳиби.

- Омонлик беринг! Илтижо қиламан, ёлбораман. Олмангизнинг пулини бераман, бўлмаса бир ишингизни қилиб бераман, - деб ёлборди Имом Аъзамнинг отаси.

- Уч йил менга хизмат қиласан, шундан кейин ўйлаб кўрамиз, - еб жавоб берди боғ эгаси, - бу олмани ҳалол этишнинг бирдан-бир чорасидир.

Ҳазрат Собит “хўп” дейди. Бир онлик ғафлати, олмани берухсат тишлагани, биргина сўзи учун уч йил хизмат қилади!.. Аммо бошқа иложи йўқ. Бир тишлаган олманинг сувини ютинган эди. Буни ҳалол этиши керак. Ул одам – боғ соҳиби анча бадавлат одам эди. Имом Аъзамнинг отаси шартга рози бўлди. Уч йил хизмат қилади, сўнг ўйлаб кўради.

Ҳазрат Собит бу боғчада ишлади. Охирги кунлари “яқинда уч йил тўлгач, ҳалолланиб, уйимга бораман”, деб ўйлай бошлади.

Уч йил тўлган кун у боғ соҳиби ҳузурига бориб: “бугун уч йил тўлди, ҳақингизни ҳалол этинг, мен кетай”, деди.

- Ҳақимни бир шарт билан ҳалол этаман. Уч йил ўтгач “ўйлаб кўрамиз” деганим. Ўйлаб кўрдим, яна бир кичик шартим бор, уни ҳам бажарсанг ҳақимни ҳалол этаман. Менинг бир қизим бор. Кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ – юрмайди. Агар унга уйлансанг ҳалол этаман, бўлмаса йўқ, - деб жавоб берди боғ соҳиби.

Имом Аъзамнинг отаси Ҳазрат собит “хўп” деди. Тўй тайёргарликлари кўрилди, зиёфатлар берилди, никоҳ ўқитилиб куёв гўшангага кирди. Қараса, соппа-соғ бир келин ўтирибди. “Бўлмайди, бу ерда бир янглишлик бор”, деди у ўзига.

Балки бирор ҳийла борир. Шу фикрлар билан қайин ота ҳузурига борди ва:

- Отажон, сиз менга кўр, тили йўқ, қўли ишламайдиган, оёғи йўқ, юрмайдиган бир қизим бор деган эдингиз. Ҳолбуки, соппа-соғ бу дунё гўзали – бир келини кўрдим, - деди.

- Шундай, ўғлим, - жавоб бери қайин ота, - менинг сўзларимга яхшилаб қулоқ сол. Менинг қизим ҳаромга қарамайди, шунинг учун кўр, қўлини ҳаром нарсага чўзмайди, шунинг учун қар, қўлини ҳаром нарсага чўзмайди, шунинг учун қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунинг учун оёғи йўқ, ҳаром

сўз сўзламайди, шунинг учун тили йўқ. Буларнинг барини мажозий маънода сўзладим, қизимга сенга ўхшаш бир имон аҳлини истар эдим-ки, унинг қалбида Аллоҳдан кўрқинч бўлсин, ўзини ҳаромлардан сақласин, Аллоҳнинг манъ этган нарсаларидан тийсин, қизимга ва ундан бўлғуси набираларимга ҳаром едирмасин, ҳақ, ҳуқуқини билган, имони комил сендай куёв истардим. Аллоҳим сени менга кўрсатди. Сен бир тишлам олма сувининг ҳалоллигини тилаганингда сени қалби пок, виждонли одам эканлигини тушунган эдим. Фақат сени имтиҳон этишим керак эди. Уч йилдай узоқ муддат сени синадим. Сенинг ҳатти-ҳаракатингни кузатдим, мен истаган, орзу этган сифатлар сенда мавжуд. Шунинг учун жигарпора фарзандим – қизимни сенга узатдим. Хайр, бир-бирингиз билан бирга қўша қаринг!

Онамни рози қила олдимми?

Бир кун бир одам Пайғамбаримиз (С.А.В.) ҳузурларига келиб

- Ё, Расулуллоҳ! Онам жуа кексайиб қолди. Боладек бўлиб қоли. Гўдакларга ўхшаган ишлар қилади. Ўрнидан тура олмайди. Унга ўз қўлим билан овқат бераман. Сувни ҳам ўз қўлим билан ичираман таҳоратига ёрдам бераман, сўнгра сажжода (намоз ўқиш жойи)га опчиб кўтариб олиб бораман. Хоҳлаган ерига кўтариб олиб бораман. Ё, Расулуллоҳ! Онамнинг ҳақини ўтай олдимми, рози қила олдимми, йўқми? – деб сўради.

Севикли Пайғамбаримиз (С.А.В.):

- Волидангни ҳақини юздан бирини ҳам ўтай олмагансан, - дедилар.

Ул одам:

- Нега? Ё, Расулуллоҳ! Мен онамнинг бир айтганини икки қилмайман.

Расули Акрам (С.А.В.):

- Волиданг сенга ўғлим ўсиб улғайсин, буюк одам бўлсин, умри узун бўлсин, деб хизмат қилиб, опичиб юрарди. Сен эса унга, қачон ўлади, деб, ўлса қутулардим, еб хизмат қиласан. Булар орасида тоғдек, ер билан осмончалик фарқ бор. Онанг сени боққанида ўғлим қачон ўлғайиб катта бўлади, дерди. Сен эса, онам қачон ўлади, дейсан. Сизларнинг бу ниятларингиз ўртасида катта фарқнинг яна бир жиҳати бор. Сен онангга қанча хизмат қилсанг Жаноби Ҳақ сенга буюк савоблар беради. Ота ва онангни розилигини олган, ризосига ноил бўлган одам Жаноби Ҳақ ризосига ноил бўлади, розилигини олади, - дедилар.

Сўзламасдан олдин ўзи амал қиладиган одам

Бир вақтлар ақлли ва ирфон соҳиби ёши улуг бир зот яшарди. Бу зот туриш-турмушини диний мезонда олиб борарди. Шунинг учун бу зотнинг сўзлари ўз муҳитда, яқинлари орасида қадрли ва эътиборли эди.

Бир куни кўп асал еб қўйган бола касал бўлиб, хасталаниб қолди. Табибга олиб бордилар. Табиб: “Бу бола асал емасин, яна бол еса касаллиги кучайиб кетади”, деди. Аммо бола асал еявераман, деб туриб олди, хархаша қилди. Боланинг иродасига ишонмаган ота-она болаларининг бу дардига чора излай бошладилар. Бир кун дўстлари, “бизнинг маҳаллада бир зот бор, унга олиб бориб ўқитиб кўринглар, унинг нафаси яхши бўлади”, деб тавсия қилди. Болани ул зот олдига олиб бордилар. Ул зот:

- Қирқ кундан кейин келинг, ўшанда ўқиб қўяман, - деди.

- Яхшилик қил, афандим, боламиз оғир касал, асал еса ўлиб қолади, - деб боланинг ота-онаси ёлборишди.

Бу ёлборишларга қарамай ул зот: “Ҳозир ўқимайман, қирқ кундан кейин келинглар”, деб кўнмади. Қирқ кун ўтгач, болани олиб келдилар. Эшикни тақиллатди. Ул зот қабул қилиб қўлини боланинг бошига қўйиб:

- Бугундан бошлаб асал емагин, болам, - деб боланинг бошини силаб эркалади. — Энди болага асал берсангиз ҳам емайди, - деб улар билан хайрлашди.

Ота-она уйига келиб болага асал бердилар. Бола “емайман” деб юзини бурди. Улар кувониб, севинганлариан ташаккур айтиш учун ул зотнинг олдига келдилар ва:

- Нега бизни қирқ кун изтиробга қўйдингиз? Нега аввал келганимизда бундай сўзларни айтмадингиз, энди бўлса бир пасда бир гап билан болани қаноатли қилингиз? — деб сўрадилар.

Ул муҳтарам зот бундай жавоб бери:

- Қирқ кун аввал болани олиб келганингизда мен асал еган эдим. Агар ўша куни гапирсам болага таъсир қилмас эди. Қирқ кун нафсимни бол ейишдан тийдим, токи болага гапирганимда сўзларим унга таъсир этсин, деб. Агар сиз изтироб чекмоқдасиз, деб кўнгилчанлик қилиб ўшанда гапирганимда, сўзларим болага таъсир қилмас эди ва сиз ҳам бугун болангизнинг касалига чора тополмас эдингиз.

Конфуцийнинг фикрлари:

Сўзингизга вафо қилинг, ишда қатъиятли бўлинг.

Тузатилмаган хато ҳақиқий хатоликдир.

Билим олишни севган уни билгандан афзал, билим олишни бахт деб билган билимни севгандан афзал.

Кўп гапириб, оз иш қилиш олижаноблар учун исноддир.

Ўқиб, лекин фикр юритмасанг, адашасан; қуруқ хаёлларга берилиб, лек ўқимасанг, хатарлидир.

Хушхулқ кишини кўрганда, ундан ўрнат олишни ўйла; бадхулқ кимсани кўрганда, эс-хушингни йиғ, ўзингга ҳам бир назар солиб кўр.

Ишда абжир, меҳнатсевар бўл, тилингни тийиб юр.

Яхши дори ўзи нордон бўлса ҳам, дардга фойдали; тўғри сўз қулоққа ёқмаса-да, корингга ярайди.

Илм олгач, тез-тез такрорлаб, мустаҳкамлаш жоннинг ҳузури эмасми? Дўстинг олис йўлдан йўқлаб келар бўлса, севинч асли шу эмасми? Ўзгаларнинг тушунмасликларидан асло зорланмаган олижаноб эмасми?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. -Т.: Фан, 1975.
2. Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 13-жилд. -Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.
3. Алишер Навоий. “Махбуб ул-қулуб”. –Т.: Фан, 1982.
4. Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. -Т.Фан, 1982.
5. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1966.
6. Античная риторика. -Москва: МГУ, 1978, С.129.
7. Аристотель. Риторика. -М., 1978.
8. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.
9. Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. №5. 1975.
10. Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. -Тошкент, 1993.
11. Бегматов Э., Турсунқулов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
12. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: 1998.
13. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1,2, 3- қисмлар.- Тошкент, 1997, 1998, 2000.
14. Бекмирзаев Н. Нотиклик асослари. –Т.: Фан, 2006.
15. Беруний. Танланган асарлар. III том .Т.: Фан, 1982.
16. Бобур. Бобурнома. -Т.:Фан, 1960.
17. Головин Б.Н. Основы культуры речи. -Москва: Высшая школа, 1988.
18. Гумбольдт В. Язык и философия культуры. –М.:Прогресс, 1985.
19. Жуманиёзов Р., Салимов С. Ғоявий тарбияда нотиклик санъати.-Тошкент, 2002.
20. Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари.-Тошкент, 1982.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Ж.1. – Т.:Ўзбекистон, 1996.
22. Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997.
23. Кайковус. Қобуснома. -Тошкент: Мерос, 1992.
24. Крамер С.Н. История начинается в Шумере. -Москва: Наука, 1991.
25. Къера Э. Они писали на глине. -Москва: Наука, 1984.
26. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. Т., Ўзбекистон, 1992.
27. Маҳмудов Н. Тил.-Тошкент: Ёзувчи. 1998.

28. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Т: Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона, 2007.
29. Мўмин С. Сўзлашиш санъати. –Фарғона, 1997.
30. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз. –Тошкент, 1992.
31. Ортиқов А. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. -Тошкент, 2002.
32. Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2006.
33. Расулов Р., Гаюбова К., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. –Т.:Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2011.
34. Соссюр де Ф. Труды по языкознанию. -Москва: Прогресс, 1977.
35. Степанов А.В. О культуре речи и практической стилистике//Вестник высшей школы, 1981.
36. Стернин И.А. Практическая риторика. –М.: Академия, 2008.
37. Султонсаидова С., Шарипова Ў. Ўзбек тили стилистикаси. Т.: Юрист –медия, 2007.
38. Тожиев Ё., Ҳасанова Ж., Тожиматов Ҳ., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1994, 2006.
39. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. -Тошкент: Маънавият, 2004.
40. Шомаксудов Ш., Шораҳмадов Ш. Ҳикматнома. -Тошкент, 1990.
41. Ўзбек нутқи маданияти масалалари, тўпламлар: 1973, 1975, 1978 йиллар ва бошқалар.
42. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. –Тошкент, 2006.
43. Ўринбоев Б. Нотиклик маҳорати. –Т.: Ўқитувчи, 1984.
44. Қиличев Э., Қиличев Б.Э. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Бухоро, 1992, 2002.
45. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. -Тошкент: 1993, 38-бет.
46. Р.Қўнғуров, ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. - Самарқанд,1984.
47. Қўнғуров Р., ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубият асослари. - Тошкент, 1992.
48. А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т.: 1999.
49. Балтасар Грасиан. Чўнтак фоли. -Т.,2015.
50. Ҳ.Ҳомидий, М.Ҳасаний. Машриқзамин – ҳикмат бўстони. Т.:Шарқ, 1997.
51. Аждодлар ўғити. Тошкент. Чўлпон,1991, Б.240.
52. Шорасул Зуннун. Оз-оз ўрганиб доно бўлур.Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

53. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент: Юлдузча нашриёти, 1990. Б.190.
54. Панднома. Қадимги Шарқ ёдгорликлари. Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008 йил. Б. 176.
55. Қадим хитой донишмандлиги. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014 йил. Б.85.
56. Я.Шермухаммедов, Я.Турмухамедов. Хулқ ва муомала маданияти. –Т.: Ўқитувчи, 1974, 52-бет.
57. Шомақсудов Ш., Шорахмадов Ш. Ҳикматнома. Тошкент, 1990.
58. Мансуров Ш. Минг бир хазина. -Т., 2009, 28-бет.
59. Р.Ишмухаммедов, М.Юлдошев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Тошкент, 2013 йил. 276-бет.
60. Э.Бегматов, Н.Жиянова. Нутқ маданияти асослари. Маърузалар матни, Тошкент, 2006 йил 120-бет.

Электрон сайт материаллари:

<http://gov.uz/>
<http://www.ziyonet.uz/>
<http://www.connect.uz/>
<http://www.uzsci.net/>
<http://www.edu.uz/>
<http://www.pedagog.uz/>

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Кириш.....	4
1. Тил ва нутқ, “нутқ маданияти”, “тил маданияти, “тил бойлиги”, “нутқ бойлиги”, “нутқ одоби” ва “нутқий этикет” тушунчалари. Нутқ маданияти ва адабий тил меъёрлари.....	7
2. Риторика тарихи ҳақида маълумот. Риторика фанининг бошқа фанлар билан алоқаси. Риторика ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли жиҳатлари.....	18
3. Ғарб нотиқлик санъатининг шаклланиши. Грек ва Рим мактаби вакиллари..	27
4. X-XV аср Шарқ ва Марказий Осиё нотиқлик санъати тарихи.....	36
5. Уйғониш даврида воизлик санъати (Ваъз ва воизлик ҳақида).....	49
6. Нотиқлик санъати турлари. Академик, диний, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-иқтисодий, суд нотиқлиги. Оғзаки ва ёзма нутқ.....	62
7. Маданий нутқнинг асосий коммуникатив сифатлари (нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, софлиги, бойлиги, ифодалилиги, мақсадга мувофиқлиги)	73
8. Нутқ маданияти ва тилнинг тасвирий воситалари	80
9. Нутқ маданияти ва нутқий услублар.....	91
10. Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари. Нутққа тайёргарлик кўриш. Нутқ техникаси.	98
11. Амалий машғулотларда фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар.....	106
11. Мустақил ўқиш учун қўшимча материаллар.....	129
12. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	150

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ



Жиянова Н.Э. - ф.ф.н., доцент



Мўминова О.Қ. – ф.ф.н., доцент



Максумова С.С. – ф.ф.н., катта ўқитувчи